


БОБУР ХАЛҚОРО ФОНДИ

РАҲИМ ВОХИДОВ

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН БОБУР

Адабий ўйлар (Тулдирилган иккинчи нашри)



МУКАДДИМА

Бобур ҳақида узок ўйлаб юрдим. Неча карра дафтару қалам олиб, бир нималар ёзмоқчи ҳам бўлдим. Сахро янтоғи алангасини эслатувчи бу уринишларим канчалик тез «лов» этиб ёнса, шунчалик зудлик ила ғойиб бўларди. Зўрма-зураки қоғоз коралашни эса жиним ёқтирумайди. Ўша чорак аср аввал уйғонган шавқим яна бедор булди. Фикримни Ҳазрат Бобурнинг пок руҳи чулғаб олди. Яна қаламга илтижо билан термиламан. «Инжиқ» одамнинг қалами ҳам эгасига тортаркан, саркашлик жиловига эрк бера бошлади. Айқаш-уйқаш фикрларим ҳам бир узанга бирлашмадилар. Умр эгови кунлар эса оқиб кета бошлади, ёз уз урнини кишига бушатиб ҳам берди. Ер багрига қор нафаси тегди. Илиқлик ва қировли нафаснинг «жангига» бошланди. Бир-бирига зид бу икки кучнинг дахмазаси шиддат олди. Голибу маглуб, ҳокиму маҳкумнинг урни алмашиниб туради. Гоҳ бири ханда отса, баъзан иккинчиси шашқатор ёш тўкарди...

Кузатганим манзара мени дадиллантириди. Табиат дафтари ва Бобур Мирзо тақдирида уйғунлик туйдим. Бир лаҳзалик умрини ҳам ана ўша қаҳҳор туйғулар ихтиёрига топшириб қўймаган довюрак саркарда, «Элга шоҳ, vale махбуба наздида қул» Бобур Мирзонинг илоҳий нурдан ранг олган меҳрли сиймоси дийдаларимга ўрнашди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур инсон ва адиб, маданият арбоби ва саркарда, эътиқоди бутун такводор ва шоҳ ростгўй адабиётшунос ва аламзада ота мақомида бағоят мураккаб, зиддиятлар тўлқини билан йўғрилган тақдир соҳиби эди. Умр бобида Бобур Мирзони «қисган» Парвардигори карим унга сахий қалб, улкан юрак, сеҳр гар қаламу кескир килич ато этди. Айни иноятлар унининг ҳаёт саҳифаларини нурлантириди, теран моҳият ва маъно бағищлади. Асрлар тўғонию бухронини писанд этмай! инсониятнинг янги-янги авлодларига етиб борувчи мангуликни унинг насибасига битиб қуиди. Бобур Мирзонинг мангулик карвони ўз қўнғирогини жаранглатиб, итларлар тажовузини назарга илмай, ҳамон олға интилмокда. Йиллар ва йўллар утади, безавол карvon эса поёни йўқ бокийлик манзили сари интилишда давом этади...

Бобур Мирзо шоир, адиб, шеършунос-адабиётшунос, донишманд факих (ислом қонуншуноси), тилшунос, табиатшунос, мантиқ ва риёзиёт илмларидан пухта хабардор жамоат арбоби сифатида ўзидан бебаҳо маънавий мерос қолдирди. Бошқа одамларницидан деярли фарқ қилмайдиган

муъжазгина куксида шернинг юраги ва журъатини кутариб утган бу мукаррам зот ақл бовар кил майдиган кашфиётлар билан юзма-юз яшаб утди, узида сара маънавий хазина ва ном қолдириш учун курашди. У яхшилик шайдоси эди. Охирги нафасигача эзгулик яловини баланд тутди, фарзанди Муҳаммад Ҳумоюн Мирзога ҳам шу хақда васият килди...

Кечирувчанлик Бобур Мирзога ато этилган ноёб неъ матлардан эди. У ўзига жафо утказган, ҳатто хоинлик қилган, аммо вақти келиб уша нопоклигини руйирост тан олиб, афв этишини ўтинган мусоҳибларининг гуноҳини кечиб юборган.

Ўлмас «Бобурнома» ва Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома»сидаги беҳисоб лавҳалар шундай қатъий мулоҳаза учун асос беради.

Бобур Мирзо, ҳатто, ўшандай нокас бандаларни рағбатлантирган, уларга баъзан катта лавозимларни ишониб топширган. Дунё азоблари суюк-суюгидан утиб кетган улуғ саркарда қолган умрини тахт ташвишларидан холи, Аградаги ўзи барпо эттирган боғда бадиий ижод завқи билан ўтказмокчи эди. Шу орзу ҳам рўёбга чиқмади, ҳинд саркардаси Иброҳим Лудийнинг онаси ташаббускор бўлиб ичказилган заҳар, Бобур Мирзонинг ўз ўғли Муҳаммад Ҳумоюн Мирзонинг хаста жисми атрофида комил сидқ билан қилган қасами кучини кўрсатди. Унинг томирларида оқаётган қон жўшқинликни йўқота бошлади.

Хазон япроғи умр ғунчаларига соя ташлади. Тонгнинг қутбида шомнинг турганлиги равшанлаша борди. Зийрак ва синчков Бобур Мирзо жони ришталарини узмоққа шайланган ажалнинг серпанган қиличига ҳам мардона пешвоз чиқди. Ҳуши борида тожу тахтни суюкли тўнғич ўғли Муҳаммад Ҳумоюн Мирзога топширди. Улуғ шоирнинг маҳзун юраги сўнгги дамларда ҳам яхшиликни қўмсади. Ўша эзгу туйғу ҳолсиз жисмнинг ўз атрофида умид билан термилаётган жоду кўзларга охирги нигоҳи бўлиб улашилди.

Бор кучини тўплаган шерюрак Бобур Мирзо сафдошу мулоғимларига, Муҳаммад Ҳумоюн Мирзога охирги сўзи - васиятини айтди. Унинг тарих қаватларида муҳрланиб қолган сўнгги нидоси ҳам яхшилик ҳакида эди. Бобурана шавқу шиддатли юракда бир-бирига зид икки туйғунинг бақамти келиши, ёнма-ён амал қилиши, эркнинг ҳамиша яхшилик тарафида бўлиб келганлиги мўъжиза.

Дарвоқе, шириналом шоир Бобур Мирзо айни нозикликни нафис бир назокат ила ҳис этган, равон ва рангин мисралари бағрига жо қилиб қолдирған эди:

*Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши ийӯқ, кўз туттма ондин яхшилиғ.
Бу замонни нафий қилсан, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ.
Дилраболардин ямонлиқ келди маҳзун кўнглума
Келмади жонимга ҳеч оромижондин яхшилиғ.
Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиғ асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не яъни ҳар ёмондин яхшилиғ?!
Бори элга яхшилиқ қилгилки, мундин яхши ийӯқ —
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.
Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.*

Майнин куй ва оҳанг қўйнида ширали овоз соҳиби бўлмиш ҳофизнинг бағоят мароқли ижросида ўша дарду ҳасрат тўла мисралар фазога таралмоқда. Самовий кенгликлар оша қулоққа урилган қўшиқ руҳимни қамраб олади. Табиатимда хукм сурган бекарорлик тиниқлашади, мағрур бошим беихтиёр эгилади, дунёнинг зил-замбил ташвишлари елкаларимни боса бошлайди. Ўз ўзидан жумбоқли саволлар оқими жисму жонимга сингаборади. Бобур Мирзони зор-зор йифлатган, унинг қалбини ғам-андухга макон эттирган дунё, унинг нобакор одамлари гирдобидан тутгим келади. Водариг, бунга ҳаддид сиғмайди, аниқроғи, қурбим етмайди, қўлимдан келмайди. Тўлғонаман, руҳий изтироблар ўпқонига тушаман. Гойиб дан равшанлашиб келаётган бир нидо мени ҳам ўз домига тортади. Кўнгил қирғоқлари узра тасалли оҳангни эса бошлайди. Беҳисоб зўру зар билан ҳам ёвузлик зарбаси чалинган Бобур Мирзо ҳолатини хаёлан тасаввур қиласман! Менда на унисию на буниси бор. Таслим йўлини тутайми' Зинхор, ийӯқ! Бобур Мирзо енгилди, сўнгсиз жисмоний ва ' руҳий зарбалар олди, аммо сира таслим бўлмади. Яшашнинг курашлий йўлидан тонмади. Улуғ саркарданинг рост гуйлиги ҳақиқатнинг аччиқ синовларига дош бериши биз учун ҳам ибрат мактабидир...

Бобур Мирзонинг барча асалари тарих қаватларида пинҳон қолиб кетса-ю, шу биргина матни кўчирилган шеъри авлодларкулига етганида ҳам унинг бекиёс салоҳиятидан дарак берарди. Улуғ инсоннинг кўксидан жойолган муштдеккина мўжизани қалб дея атасам, бу донишманд сиймони чандон

камситгандай бўламан. У қалбини эмас, мутасавифлар таъбири билан айтганда, “олами суғро”(олам ичра яна бир олам) ни- тубсиз маънавий хазинани бағрида кўтариб юрган. Шундан бўлса керак, шоир кечирувчанликни, умид билан яшашни, қачонлардир яхшилик ғолиб келишига ишонч туйғусини жон-жаҳди ила улғайди. У бошқа бир рубоийсида:

*Ҳаркимки , вафо қилса вафо топқусидир ,
Ҳаркимки, жафо қилса, жафо топгусидур,
Яхши киши курмагай ёмонлик ҳаргиз
Ҳаркимки, ёмон бўлса, жазо топқусидур.*

dea ҳукм чиқарди. Айни армонли мисиралар бизга ҳам замондошdir. Аслида Бобур Мирзони дилхун қилиб, зор қақшатган ҳам ўшалар эмасми? Дарвоқие, шундай. Ўша жароҳатларнинг зардоллари мана бу мисиралар мағзига сингиб кетган бўлса ажаб эмас:

*Арбоби ҳасадки, дунёдин дур ўлгай,
Истар севаридин киши маҳжур ўлгай
Доим кўрайин юзунг ало рағми ҳасуд,
Ҳар ким кўра олмаса, кўзи кўр ўлгай.*

Беш юз йилдан зиёдроқдавр ўтибдики, мазкур сатр-рда нақшланган дард холис инсонлар қалбига озор етказиб келади. Бугун ҳам ундан фориғ эмасмиз. Разолатга ёndoш бандаларнинг Бобир Мирзо ҳукми ила эълон қилинган жазога мустаҳиқ эканликлари шубҳасиздир...

“Авлодлар давони” романларида бобурийлар силоласининг баддий тарихи ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Салоҳиятли адаб Хайриддин Султоннинг «Бобурий-юма» маърифий романни эса Бобур Мирзога қўйилган ўзал баддий ҳайкалдир. Албатта, менинг саҳифалардан урин олган битикларим юқорида зикр этилган соҳирқалам соҳибларининг ёзганлари олдида нурсиз кўриниши мумкин, бироқ ҳар қалбнинг ўз имкони доирасида мушоҳада юритиши мумкинлигига таяниб, Бобур Мирзо ҳақида ёзишга журъат этдим. Саҳифаларда учровчи хатоларим учун сезгир китобхонлардан узр сўрашга бурчлиман.

МЕН БИЛГАН БОБУР МИРЗО

Ҳинд халқининг улуг фарзанди, катта давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру Бобур Мирзо ва бобурийларнинг Ҳиндистондаги фаолияти ҳақида тўхталиб, «Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан хузур қилишни яхши қўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ бўлиб, кўп яхши фазилатларга эга бўлган», - дея баҳо берган эди. Яхшироқ мулоҳада қилиб қўрайлик: Бобур Мирзо ҳинд эли учун босқинчи эди. Иброҳим Лўдийларнинг бобурийларга қарши жангни ватанпарварлик туйғусининг амалдаги нишонасидир. Бобур Мирзонинг буюклиги шундаки, ана ўша туйғу моҳиятини юракдан ва тўғри ҳис қила олди. Босқинчилик ҳирсини оловлантира эмас, балки сўндира борди. Жаҳолатга эмас, эзгуликка,adolatga зўр берди. Тагжой аҳолининг миллий ғурури, удум ва эътиқодига монелик қилмади. Имкон қадар вайроналикдан сақланиб, ободонлик йўлини кенгайтирди, муҳташам обида ва боғлар бунёд этишни бошлаб юборди. Унинг охирги нафаси олдидан қилган васиятида айни шу жиҳатлар тажассумини топган эди. Бобурона заковат, у сепиб кетган яхшилик уруғи бесамар кетмади. Жавоҳарлаъл Неру битиб қолдирган жумлалар ўша ширин ҳосилнинг бир нишонасидир.

Мавжуд анъанага қўра, Бобур Мирзонинг таржимаи ҳоли ҳақида ёзишим керак эди. Юқорида номларини зикр этганим зукко адабиётшунослар бу борада деярли бўшлиқ қолдиришмаган¹. Айниқса, беш жилдлик «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг учинчи китобида Бобур Мирзога аталган мақола таянч манбалар заминида яратилганлиги, Ўзбекистон, Афғонистону Ҳиндистонда айни мавзуга доир ҳукмрон фикрларни умумлаштирганлиги билан диққатни тортади¹. Менинг қўлимда юқорида эслатилган қарашларга ҳисса бўлиб қўшиладиган маъ-лумотлар мавжуд эмас.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг:

*Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлгай,
Улусқа майли беандоза бўлгай, —*

дея қилган таъкидлари камина учун ҳамиша раҳнамодир. Дарвоҷе, мен бобуршуносликка янгилик қўшиш иддаоси билан ҳам қалам сураётганим йўқ. Улуғ шоир ва адаб меросининг бир муҳлиси сифатида мен уни қандай тушунаман? Муаллим мақомида толиби илмларга ўз тасаввуримдаги Бобур Мирзони қандай етказаман? қабилидаги саволларга жавоб айтиш

кўлингиздаги фаслнинг бош мақсад ва вазифасидир. Айтилган ният талаб ва табиатидан келиб чиқиб, мазкур саҳифаларни савол-жавоблар асосида тузишни маъқул кўрдим.

Саволлар менинг ўзим томонимдан ўйлаб топилган эмас. Улар йиллар давомида йиғилган. Машғулотларим жараёнида, мактабларда ўтган учрашувларда талабалар ёзиб беришган. Турли ҳажм ва кўринишдаги ушбу қоғозчаларда битилган бу сўровларнинг остида барча аниқликлар ифодасини топгани йўқ. Бирида сана бўлса, бошқасида савол берувчининг исм-шарифи аксини топмаган. Аҳволнинг бундай тус олиши ўрта бир йўл тан-лашни тақозо қилди. Қоғозлардаги битикларда ифодаланган моҳият муҳимлигини инобатга олиб, улардан ному санасиз (яъни савол берувчининг исми шарифи, манзили, сўроқ беришган вақтсиз) фойдаланишни маъқул кўрдим. Айрим ўринларда аниқликка ҳам риоя қилинди.

Баъзи масалалар хусусида бугун ҳамма гапиради, ёзади. Аммо бундан 16-17 йил олдин журъат етишмасди. Шундай бўлишига қарамай, баъзи мулоҳазалар ўртага ташланган. Жавоблар қадрини сақлаш мақсадида ўшақабилдаги саволларнинг эгаси ва санаси кўрсатилди. Жонсиз қоғозлар ортида турганларнинг ҳаммаси толиби илмлар. Масаланинг бу жиҳатини жавобларда ифодалашга ҳаракат қилдим.

Яна бир гап. Саволлар анчагина. Уларнинг ҳаммаси ҳам жиддий мазмун касб этмайди. Саралаш жараёнида имкон қадар баҳсталаб сўроқларни муҳокама мавзуи сифатида танлаш маъқулроқ кўринди.

Савол: Бобур «Бобурнома»да отаси ҳақида: «Каптар-хонадан учиб шунқор бўлди»,— деб маълумот беради. Баъзи бир маълумотларга қараганда, Умаршайх Мирзога каптархонада суиқасд уюштирилган. Бу ҳақда Бобурнинг ўзи маълумот берганми?

Жавоб: Айни воқеалар Бобур Мирзонинг тақдирида ўчмас из қолдирган 1494 йилда содир бўлган. «Бобурнома»нинг ilk саҳифалари ана ўша йилларда кечган муҳим тарихий, ижтимоий -сиёсий, адабий воқеалар тафсилотини баён этиш билан очилади. Қимматли асар муаллифи гапни Фарғона вилояти ва унга тобе жойлар ҳақидаги ихчам, ишончли мулоҳазалар билан бошлайди. Сўнгра отаси Умаршайх Мирzonинг шаклу шамойили, феълу атвори, шажараси хусусида фикр юритади. Ўша ёзишмалар давомида мана бу жумлалар ҳам мавжуд: «... Бу аснода ғарийб воқиъа даст берди, мазкур бўлуб эрдиким, Аҳси кўргони баланд жар устида воқиъ бўлубтур, иморатлар жар ёқасида эрди. Ушбу тарихда душанба куни рамазон ойининг тўртида Умаршайх Мирзо жардин кабутар ва кабутархона била учуб, шунқор бўлди. Ўттуз тўққуз ёшар эрди» («Бобурнома», Т., 1960, 64-б. Бундан

кейинги мисолларнинг ҳам шу китобдан келтирилишини ҳисобга олиб, саҳифаларни матн охирида, қавсда кўрсатиш билан чекланамиз).

Умаршайх Мирзо фожиаси ҳақида «Бобурнома»нинг бошқа саҳифаларида маълумотлар йўқ. Суиқасд ҳақида эса лом-мим ҳам дейилмайди, аммо ўша кезларда кечган сиёсий воқеалар хусусида Бобур Мирзонинг қайдлари бор. Аслида Умаршайх Мирзонинг «шунқор бўлиши» Фарғона вилоятининг осмонида уруш булутлари қалқиб юрган таҳликали дақиқаларда содир бўлган. Тошканд ҳукмдори

Султон Маҳмудхон (Бобур Мирзонинг тоғаси), Самарқанд подшоҳи Султон Аҳмад Мирзо (Бобур Мирzonинг амакиси) тил бириктириб, Фарғона вилоятига қарши юриш бошлайдилар. «Бобурнома»да бундай ҳаракатнинг сабаби сифатида «Умаршайх Мирzonинг бадмашлиғидин мутазаррир»лик (63-б.) кўрсатилади. Ҳархолда шунча вақт мустаҳкам турган кабутархонанинг тасодифий учиб кетиши сирли ҳодисадир. Яна бир ҳақиқатни ҳам эътибордан узоклаштираслик лозим. Ҳамма даврларда ҳам таҳт ларзада эди. Уни ўз тасарруфига олмоқчи бўлганлар ё пинҳона, ёхуд ошкора ҳаракат қилганлар. Умаршайх Мирзо тақдири ҳам бу жараёндан холи эмас эди. У ҳақда яна аниқроқ қўнимга келмоқ учун эса тарихий хужжатлар бағрига жиддийроқ разм солмоқ, ҳар бир чигилнинг ечимини эринмай изламоқ лозим.

Савол: Айрим адабиётларда Бобур мўғуллар империясининг асосчиси дейилади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг ўтган йил сонларидан бирида эълон қилинган мақолада бу фикр инкор қилинади. Сиз бунга нима дейсиз?

Жавоб: Сиз тарих фанлари доктори Илёс Ҳошимовнинг «Бобурийлар тарихи — уммон» мақоласига шама қиласиз. Чиндан ҳам зикри ўтган мақола «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг 1993 йил 14 май сонида эълон қилинди. Унинг марказида битта бош масала — «буюк мўғул империяси» атрофидаги баҳслар туради, мен ҳам мақола муаллифининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайман.

Дарҳақиқат, Бобур Мирzonинг 1519—1526 йилларда олиб борган шиддатли жанглари туфайли Ҳиндистон қўлга киритилган эди. Улуғ саркардага Ҳиндистон султони Иброҳим Лўдий ва Малва рожаси Рано Сангонинг мағлубияти Ҳиндистоннинг забт этилишини тайин этган ва бобурийлар хукмронлиги бошланган эди. Маз-кур сулоланинг охирги авлодлари 1856 йилга қадар Ҳинд мулкида даврон сурдилар. Бас шундай экан, буюк мўғул хукмронлиги ҳақида эмас, балки бобурийлар сулоласи салтанати хусусида гапириш тарихийadolатга рост келади. Бироқ буни мўғуллар салтанати

Тарихдан маълумки, Соҳибқирон Амир Темур Чингизхон авлодига мансуб Сарой Мулкхонимга (Бибихоним) уйланиб, мўгуллар ишончини қозонди ва «кўрагон» (хоннинг қуёви) унвонига сазовор бўлди'. Соҳибқирон Амир Темурдан кейин унинг барча эркак авлодлари бу анъанага риоя қилдилар ва уларнинг битта хотинлари чингизий хонимлардан эди. Айни ҳаётий ҳодиса тे-мурийлар номига «кўрагонийлар» унвонининг қўшилишига сабаб бўлди. Ҳатто, Муҳаммад Тарагай Улуғбек Мирзо ҳам ўзининг юлдузшунослик илмига салмоқли хисса бўлиб қўшилган машхур асарини «Зижи жадиди Кўрагоний» тарзида атайди. Мазкур удум Умаршайх Мирзони ҳам четлаб ўтмаган. Унинг ҳам биринчи хотини чингизий санамлардан эди ва шу никоҳдан Бобур Мирзо туғилган. «Бобурнома»да бу ҳақда аниқ қайдлар ёзилгандар. Жумладан, Умаршайх Мирзо авлоди тафсилотига аталган саҳифаларда шундай жумлалар кўзга ташланади: «Уч ўғул, беш қиз Мирзодин қолиб эди. Бори ўғлонларидин улуғ мен Захириддин Муҳаммад Бобур эдим. Менинг онам Қутлуғ Нигорхоним эди... Бори қизларидин улуғ Хонзодабегим эди, менинг била бир тукқон эрди, мендин беш ёш улук эрди» (66-б.). Бобур Мирзо маълумотларини давом эттирас экан, отасининг барча хотинларини бир-бир тилга олади. Шу муносабат билан ўз онаси ва унинг аслу насаби хусусида кенг ва аниқ далилларни келтиради. Тан олмоқ керак, бу ҳам бобуона жасорат. Бошқа ижодкорларимизнинг таржимаи ҳолларида шундай маълумотни учратмаймиз. Жумладан, Ҳазрат Алишер Навоий ҳам ўз волидайи муҳтарамалари ҳақида ёзилгандар.

Бобур Мирзонинг ўша маълумотларидан парча кўчириш фойдадан холи эмас: «...Қутлуқ Нигорхоним эди, Юнусхоннинг иккинчи қизи, Султон Маҳмудхон, Султон Аҳмадхоннинг эгачиси эди. Юнусхон ибн Вайс-хон ибн Шерали Ўғлон ибн Муҳаммадхон ибн Хизир Хожаҳон ибн Туғлук Темурхон ибн Эсан Бўғаҳон ибн Дўваҳон ибн Бароқхон ибн Йесун Тува ибн Мўтугон ибн Чифатойхон ибн Чингизхон». Мақсад анча равшанлашди, Бобур Мирзонинг она томонидан шажара илдизи Чингизхонга бориб уланар экан. Аммо масаланинг бундай тус олиши уни мўғул фарзанди дейишга асос бермайди. Чунки унинг жисму жонини Соҳибқирон Амир Темур қони ҳаракатга келтирган, ўша рух унга куч-кудрат бағишилаган. Бобур Мирзо ўзининг туркий халқقا мансублиги, шу забонда асарлар яратиш неъмати ато этилганлиги билан дил-дилдан фаҳр этарди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, тарихшуносликда бу масалага бефарқ қаралган эмас. Икки фикр ва улар ўртасидаги баҳс неча йиллар давомида амал қилиб келди. Шундай хulosани

миллий тарихчи олимларимизнинг илмий изланишлари хусусида ҳам айтиш мумкин. XX асрнинг 60—70-йилларида ёқ республикамизда вужудга келган илмий ишларда «бобурийлар сулоласи» тарзида ёзиш ҳукмронлик қилди. Ўзбек қомусининг иккинчи жилдидаги мавзуга доир қатъий ва қизиқарли хуносалар ўртага ташланди. Профессор И. Ҳошимов ана ўша қарашларни жузъий тўлдиришлар билан ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилган.

Савол: Бобур ва Алишер Навоийнинг деярли бир даврда яшаб, лекин бирбири билан учрашмаганлиги аниқ маълумотми? Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?

Жавоб: Аввало, тарихий манзаранинг бундай тус олиши ажаблантирадиган ҳолат эмас. Икки таниқли инсон, шоир ёхуд адаб бир давлат, ҳатто, каттароқ бир шаҳарда яшаб, бир-биридан бехабар қолиши мумкин. Бу гап, хусусан, XV—XVI асрларга кўпроқ тааллуқлидир. Даврий матбуот, оммавий ахборот воситалари бўлмаган бир шароитда айни ҳолат ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди.

Алишер Навоий ва Бобур Мирзо эса батамом бошқа-бошқа давлатларда истиқомат қилишган. Алишер Навоий умрининг охирги йиллари Хурросон давлатининг пойтахти Ҳирот билан узвий боғлиқ эди. Бобур Мирзо эса Мовароуннаҳру Фарғонада фаолият қўрсатди. Анча кексайиб қолгаи буюк мутафаккир Алишер Навоий навқирон Бобур Мирзони илк бор саркарда ва подшо сифатида таниган. Уларнинг дастлабки ғойибона учрашувлари 1500 йилда мактуб орқали содир бўлган эди. Бу ҳакда Бобур Мирзо «Бобурнома»нинг 1500-1501 йиллар воқеалари баёни берилган саҳифаларида қуйидагиларни ёзди: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда Алишербек тирик эди. Бир навбат менга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида турки байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди» (142-б.).

Бобур Мирзога Самарқандни қамалдан халос қилиш, Шайбонийхон зарбасини енгиш насиб этмади ва у иккинчи марта шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Шу тариқа бу икки тарихий шахс ўртасида боғланиши мумкин бўлган инсоний ва ижодий муносабат ришталари мангуга узилди. Чунки кўп ўтмай, Алишер Навоий фоний дунё билан видолашди. Лекин Бобур Мирзо ўзининг бу катта замондоши тақдири билан қизиқишини давом эттиради.

«Бобурнома»да 1506—1507 йилларда кечган тарихий-сиёсий воқеалар тафсилотини ёзган асар муаллифи учун қулай бир вазият вужудга келди. Темурийларнинг Шайбонийхонга қарши ягона қўшинини тузиш ҳақидаги

Бобур Мирзонинг неча йиллар олдин ўртага ташлаган таклифи Ҳусайн Бойқаро Мирзога маъқул келди. Аниқроғи, шу фикрға қайтишни тарихийсиёсий вазиятнинг ўзи тақозо қилиб қолди. Темурийларнинг ягона душмани хавфини тобора яқиндан ҳис қила бошлаган Ҳусайн Бойқаро Бобур Мирзони Ҳиротга таклиф қилди. Бироқ бу учрашув Султон Ҳусайн Бойқаро вафоти туфайли кутилган тарихий натижани бермади ва Шайбонийхон хавфи таҳликаси Хурросон давлатини ҳам қоплади. Маса-ланинг бундай фожеий тус олганлигидан қатъи назар, Бобур Мирзога Ҳиротда бўлиш, Алишер Навоий муборак қабрини тавоғ қилиш, унинг салмоқдор ижодий мероси билан яқиндан танишиш насиб этди.

Ана шу ҳақда «Бобурнома»нинг эслатилган давр воқеалари баёнига аталган саҳифаларида ўқиймиз: «Тонгласи келиб Боги Навда туштум. Боги Навда бир кеча бўлдум, ани муносиб кўрмай, Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳиридан чиққунча Алишербекнинг

уйларида эдим» (262-б.). Айни йилларда мазкур табаррук гўшада ҳали Алишер Навоининг руҳи яшарди. Улуғ шоирнинг қатор сафдошу даврадошлари, мулозимлари ҳаёт эдилар. Унинг катта кутубхонасидан улуғ шоирнинг нафаси уфуриб турарди. Бобур Мирзо тақдир яратиб берган бу кулайликлардан унумли фойдалана олди. Шунинг учун унинг Алишер Навоий ҳақида ёзиб қолдирган маълумотлари ишончли ва катта илмий қизиқиш уйғотади. Шундай қилиб, давр тақозоси ва айтиб ўтилган сабабларга кўра, Алишер Навоий ва Бобур Мирзонинг юзма-юз учрашувлари содир бўлган эмас. Улар ўртасида бир марта ёзишманинг амалга ошганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Савол: Раҳим Мусулмонқуловнинг «Ёшлик» журналининг 1988 йил 11-сонида босилган «Ҳажрий -Бобур эмасми?» мақоласининг таржимони Нусратулла Жумаев: «Бобур Мирzonинг ўзи аruzga бағишилаб ёзган рисоласига муайян ном қўймагани туфайли уни тад-қиқотчилар турлича, чунончи, «Мухтасар», «Муфассал», «Илм ул-аруз», «Рисолаи аруз» тарзида номладилар», - деб ёзган. Нима учун Бобур ўзи рисоласига ўзи ном қўймаган?

Жавоб: Саволда иккита мунозарали нуқта мавжуд. Унинг биринчиси - Ҳажрий Бобур Мирzonинг иккинчи тахаллуси сифатида тақдим этилишидир. Маълумки, тожик адабиётшуноси, проф. Р. Мусулмонқулов 70-йилларнинг бошида «Ҳажрий -- Бобурнинг тахаллуси эмасми?» («Маориф ва маданият» газетаси, 1973 йил 11 январь) мақоласини эълон қилди. У Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Рисолаи аруз» асарида номаълум котиб ёхуд адабиёт муҳиби томонидан киритилган хато ишорага таяниб ўшандай хulosага келган эди. Ботирхон Валихўжаевнинг «Бобур ва тожик адабиёти» мақоласининг тожик тилидаги нусхасида Р. Мусулмонқуловнинг мазкур

мулоҳазасига муносабат билдирилганди. Аммо фикрни биринчи бўлиб кўтариб чиқсан тадқиқотчи бундан қаноат ҳосил қилмади. У ҳам ўз навбатида «Ҳажрий Бобурнинг иккинчи тахаллуси» деган ғояни асослашга интилди. Адабиёт тарихида Ҳажрий Андижоний, Ҳажрий Бухорий, Ҳажрий Кошоний, сайрамлик, соғарчилик, техронлик, жомлик. Ҳажрий тахаллусли шоирлар ўтганлигини аниқлашга эришди ва мақолани анча мукаммаллаштириб тўпламига киритди¹. Атоуллоҳ Ҳусайнинйга доир китобида эса Ботирхон Валихўжаев билан мунозарани анча чуқурлаштириди. Адабиётшуносликда холисона баҳснинг ривожи қувончли ҳодиса. Айниқса, тожик адабиётшуносининг Бобур Мирзо мероси атрофида теран мушоҳада юритиши, унинг ижодиётига доир номаълум нуқталарни равшанлаштиришга жиддий бел боғлаганлигини фақат олқишлиш даркор. Аммо касбдош дўстимизнинг «Бобур ва тожик адабиёти» мақоласининг «Адабий мерос»да чоп этилган нусхасидан бехабар қолганлиги ачинарлидир. Айни гапни Р. Мусулмонқулов мақоласининг таржимони ва ношири ҳақида ҳам айтиш мумкин. Айниқса, таржимон изоҳидаги мана бу таъкид бизни ажаблантириди. «Ҳажрий — Бобур эмасми?» мақоласида олим йирик ўзбек классик шоири Захириддин Муҳаммад Бобур «Ҳажрий» тахаллуси билан ҳам ижод этганлиги ҳақидаги тахминни ўртага ташлайди ва турли далиллар, мантиқий мушоҳадалар воситасида бу илмий тахминни исботлашга ҳаракат қиласи. Гарчи Р. Мусулмонқулов ўз ғоясини ишонарли даражада асослашга эришган бўлсада, камтарлик юзасидан уни «тахмин» деб аташдан нарига ўғмайди». Мутаржим юқоридаги гапларни ёзган-у, бироқ айтганларидан ўзининг ҳам кўнгли тўлмаган. Фикр қанчалик мантиқий жиҳатдан асосланмасин, уни мустаҳкам кўтариб туришга қодир бўлган ҳужжат ва далиллар бўлмаса, унинг умри ўткинчидир. Ана шу ақида таржимонни ўйлашга чорлаган ва у мулоҳазаларини давом қилиб, ёзади: «Албатта, муаллиф билан мунозарага киришиш мумкин ва лозим, шунингдек, масалани узил-кесил ҳал қилиш учун янада ишонарли далиллар тақозо қилинади» (68-бет). (Таъкид бизники - R. B.). Мен

Мусулмонқулов, Б. Валихўжаев, Е. Исҳоқовлар тара-фидан айтилган гапларни такрорламоқчи эмасман. Чунки қўлимда зикр этилган муаллифлар назари тушмаган тоза, ишонарли далиллар йўқ. Ана ўшандай қуролсиз жангга кирмоқ ҳам яхши натижага олиб келмайди.Faқат битта ақидани айтишдан сақлана олмадим. Захириддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабиёти тарихида тўла маънода жасур ва ростгўйлиги билан ажралиб туради. Бунга «Бобурнома» гувоҳ. Бобур адабий ҳаёт ҳодисаларига бефарқ қарамаган ижодкордир. Ўзининг биринчи байтидан тортиб омаду омадсизлигини ошкор

айтган адибнинг «Ҳажрий» тахаллуси билан ижод этиши ақлга сифмайди... Энди саволнинг иккинчи қисмига қайтадиган бўлсам, Нусратулла Жумаев у қадар ҳақ эмас. Чунки зикри ўтган китобда муаллифнинг ўз ишоралари мавжуд. Назарий китобнинг икки ўрнида Бобур Мирзо уни «Мухтасар» тарзида тилга олади. Мана ўша ишоралар: «Шеър аҳли орасида шойиль вазнларда устоддин оз ашъор келтурулган бу Мухтасар бу васила била фусаҳо назарига манзур ва шуаро тилига мазкур бўлғай». Яна: «Чун бу Мухтасар сафарда баёзға борди, ул муносиб била мусофири масойилинч битилди» (Мухтасар. Т., «Фан», 1971, б-б). Фикримча, асар муаллифининг бундай қатъий таъкидини инобатга олмаслик унчалик маъқул эмас.

Аслида Бобур Мирзо кейинчалик адабиётшунослик томонидан «Бобурнома» тарзида юритила бошлаган шоҳ асарини ҳам қатъий бир ном билан атаган эмас. Асар матни ва шоир шеърларида у «Вақоэй» номи билан эсланади. Мана бу рубоийда ўшандай ҳолат ҳукмрон:

*Бу олам аро ажаб аламлар қўрдум,
Оlam элидин турфа ситамлар қўрдум.
Ҳар ким бу «Вақоэй»ни ўқур, билгайким
Не ранжу, не меҳнату, не гамлар қўрдум.*

Бобур Мирзонинг шеършунослик баҳсига қаратилган бу «Мухтасар» асари «сафарда баёзға кирган». Яъни бугун аксарият адабиётшуносларимиз томонидан «Рисолаи аruz» тарзида эътироф қилинаётган асар Бобур Мирzonинг Ҳиндистонга сиёсий юришларда бўлган пайтида, аникроғи, 1521-1522 йилларда ёзиб тугатилган. Аввало, бу буюк инсоннинг қалбу тафаккурига қойил қолмай иложимиш ўқ. Негаки, олдинда кутилмаган тасодифлар, қонли жанглар турарди. Бир дайди ўқ ёхуд бехосдан чопилган қилич тақдирни ҳал этиши табиий эди. Ҳаёт тўфону суронлари обу оташида роса тобланган улуғ саркарда буни яхши ҳис этарди. Шундай бўлишига қарамай, у ҳам бадиий, ҳам илмий ижод билан машғул бўлишга вақт топади. Айниқса, аruz баҳси, шу соҳада ўқилган асарлар муаллифлари билан мунозараға киришиб, ўз нуқтаи назарини ўтказишнинг назокатли йўлларини топиш фақат Бобур Мирzonинг қўлидан келарди.

Энди асарнинг адабиётшуносликдаги атамаларига қайтсан, уларнинг барчаси муаллиф томонидан бажарилган иш моҳиятини ифодаловчи номлардир. Мухтасар ихчам, қисқа талқин каби маъноларни англатади. Масала ойдин, муаллиф ўз ижодий изланишлари маҳсулига ўта хоксорлик билан разм ташлайди. Муфассал - мухтасарнинг зидди, бафуржа шарҳу талқинни англатади. Профессор Н. Маллаев кейинги номни, шубҳасиз, ўтмиш муаллифларининг асарларида учратган. «Илм уларуз», «Рисолаи аruz» ҳам

ўшалар сирасига киради. Бу номни рус шарқшунос олимаси И. В. Стеблева илмий муомалага киритди, десак хато бўлмас. Чунки олима 70-йиллар бошида китобнинг факсимил — сурат нусхасини Москвада айни ўша сарлавҳа билан чоп эттириди.

Асар мазмун моҳиятини англатишда кейинги ном маъқулроқ. Чунки «Мухтасар» ёки «Муфассал» деган номлардан асарнинг қайси масалага бағишлиланганлигини илғаб олиш қийин. Бу қўшимча шарҳу изоҳларга муҳтож. Масаланинг ана шу жиҳати инобатга олинганидан бўлса керак, асар «Рисолаи аруз» деган номда оммалашиб кетди. Ҳатто, бу асар устида маҳсус тадқиқот олиб бориб, уни «Мухтасар» (Т., «Фан», 1971) номи билан нашр эттирган адабиётшунос Сайдбек Ҳасанов ҳам илмий рисоласида «Рисолаи аруз»ни қўллади'. Худди

С. Ҳасанов. Бобурнинг «Аруз рисоласи» асари. Т., «Фан», 1981.
«Бобурнома»да бўлганидек, мазкур асар номи ҳам давр талаблари тақозосига кўра, янги атама билан машхур бўлди. Аммо моҳият ҳамон ўша-ўша. Унинг мазмунига озор етказишга ҳеч кимнинг ҳадди сифмайди. Алқисса, фарзандга ота томонидан қўйилган ном борлигини инкор қилиш ярамайди. Бола табиатини ўзида мужассам этган, тенгдошлар берган қўшимча номнинг шуҳрат топганлиги эса рост.

Савол: Ўзбек адабиётшунослигида Захириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти билан изчил шуғулланган тадқиқотчилар борми?

Жавоб: 70 йилдан зиёдроқ давом этган қизил мафкура шароитида Захириддин Муҳаммад Бобур даҳосига бўлган муносабат бир хилда кечмаган. Гоҳида у салоҳиятли шоир, адиб ва шеършунос сифатида улуғланган бўлса, баъзида босқинчи саркарда, шоҳ мақомида танқид манбаи бўлиб келган. Бироқ мафкура зуғумларини қай томонга ўзгаришидан қагъи назар, холис ниятли маърифатпешалар Бобур Мирзо ижодиёти билан шуғулланишни тарқ этишмаган. Рисола муқаддимасида эътироф қилганимиз забардаст адабиётшунослар эзгулик тарафида туриб Бобур Мирзо адабий фаолияти хусусида ҳақ гапни айтиб келишди. 1948 йилда профессор С. Алиев Захириддин Муҳаммад Бобур шеърияти хусусида номзодлик диссертациясини ёзган. Бундай майл XX асрнинг 60—80 йилларида ҳам изчил давом этди. Фикримизнинг далили сифатида биргина академик Б. Валихўжаевнинг бобуршуносликка доир ишларини эслашнинг ўзи кифоя. Олимнинг Бобур Мирзонинг адабий танқидий қарашлари ҳақидаги йирик тадқиқоти унга катта шуҳрат келтирди ва «Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XX асрлар» (Тошкент, 1993) қўлланмасининг яратилишига замин вазифасини ўтади. Адабиётшуноснинг «Самарқанд ва Бобур», «Бобур ва

унинг замондошлари ижодида туюқ», «Бобур ва тожик адабиёти» каби мақолалари ҳамон илмий қимматини сақлаб келади.

Академик Б. Валихўжаевнинг бобуршуносликка доир кузатишларининг натижалари «Ўзбек адабиёти тарихи» академик нашри беш жилдлигининг учинчи китобидан ўрин олган йирик тадқиқотида яхлит умумлаш масини топган . Рўйирост тан олмоқ керак, мазкур тадқиқот алоҳида бир рисола ким матига эга. Унда бобуршуносликда собиқ Иттифоқ ва унинг сарҳадларидан ташқарида амалга оширилган ишлар ҳамда қарашлар заргарона зукколик билан назардан ўтказилади. Ҳар бир фикрга ётиғи билан муносабат билдирилади. Олим ўқувчига тақдим этган хулосалар бой адабий парча ва маълумотлар билан асосланади' Захириддин Муҳаммад Бобур шахсияти, серқирра ижодиёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти хусусида яхлит манзара яратилади. Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқот афғонистонлик касбдошлар назарига тушган. Афғонистонда ўзбек тилида чиқадиган «Юлдуз» рўзномаси ўзининг 1982—1983 йиллардаги йигирма тўрт сонида таниқли адабиётшунос Б. Валихўжаевнинг Бобур Мирзо ҳақидаги ушбу йирик мақоласини чоп этди. Мазкур рўзноманинг таҳrir ҳайъати ўз изоҳида «ушбу мақола ҳозирча Шўрави Ўзбекистонда Бобур ва унинг асарлари ҳақида ёзилган мақолаларнинг энг тоза ва энг муфассалидур», -деб ёзади. Мен бу ўринда адабиётшунос олимнинг ўзбек ва тожик тилларида чоп этилган «Бобур ва тожик ада-биёти» сарлавҳали мақоласи ҳақидаги айрим гапларни айтиш билан чекланаман. Б. Валихўжаевнинг фаол зуллисонайн тадқиқотчи эканлиги шу илмий мақола шоҳидлигига яна бир карра тасдикданади. Чунки олим бу мақолани дастлаб тожик тилида, сўнг ўзбек тилида яратди. Мақоланинг ўзбек тилидаги нусхаси мукаммаллиги, муаллиф илмий тадқиқот юритиш тажрибасида таҳrir ва ўз-ўзини имтиҳом санъати мавжудлигими тасдиқ этиши билан диққатни тортади. Мазкур мақолани бобуршуносликнинг ютуқларидан бири сифатида қарамоқ даркор. Бобур ижодий фаолиятининг байналмилал қирралари рад этиш қийин адабий маълумотлар қўмагида очиб берилади. Адабиётшунос бобуршуносликда биринчилардан бўлиб, Бобур таҳаллусининг ёзилишига адабий жамоатчилик эътиборини қаратади. Жумладан, шу мақолада бу ҳақда ўқиймиз: «Ўзбек адабиётшунослигига Захириддин Муҳаммаднинг таҳаллуси «Бобир» шаклида ишлатилиб келинмокда. Аммо шу таҳаллус рус ва ғарib шарқшунослиги, турк ва тожик адабиётшунослигига «Бобур» тарзида ёзилади. «Бобур» сўзининг лугавий маъноси шердай кучли бўлмиш йиртқич ҳайвон бўлиб, мажозан кучли, бақувват, ғайратли, шижаотли маъноларида ишлатилган. Захириддин Муҳаммад ҳам «Бобур» сўзини ўзига таҳаллус

сифатида қабул қилганда, сўзнинг шу маъносини назарда тутган кўринади. Жумладан, бир рубоийсида ўз тахаллусини шундай ишлатган:

*Шеърнинг эшитур фикрини Бобур қилди,
Не фикри хушу яхши тасаввур қияди.
Кўзни ёруқ айлади саводи бирла,
Мазмуни била қулоқни пурдур қилди.*

Бунда «Бобур» сўзи «тасаввур», «пурдур» сўzlари билан қофияланиб келган. Айни фикр олимнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» учинчи жилди учун ёзган мақоласида ҳам ўртага қўйилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 500 йиллиги кунларида таниқли адабиёт шунос олим А. Абдуғафуров яна адабий жамоатчилик эътиборини шу масалага қаратди¹. Савол: Бобур Мирзо шахсияти ва фарзандлари ҳақида нима дея оласиз? Жавоб: Заҳириддин Муҳаммад Бобур илмий адабий жамоатчиликка кўпроқ шоир, адиб, адабиётшунос, забардаст саркарда, журъатли давлат арбоби, нозиктаъб жамоат, маданият ва руҳоният ҳомийси сифатида машҳурдир. Ҳаммаси бўлиб қирқ етти йилгина (1483-1530) яшаш насиб этган бир инсонга шунча фазилату салоҳият қирраларини намойиш қилиш мұяссар бўлганлигининг ўзи ундаги юксак илоҳий марҳамат ва иноятдан сўзлайди. Юқорида эслатганимиздек, «Бобур» -Заҳириддин Муҳаммаднинг адабий тахаллуси. Араб тилидан олинган бу сўзнинг ўзаги «бабр» бўлиб, «йўл-барс»ни англатади.Ҳайвонот оламида йўлбарс зоҳирий кўркамлиги, ботиний кудрати ва журъати билан ажralиб туради. Заҳириддин Муҳаммадга ундаги ана ўша фазилатлар хуш келади. Шундан бўлса керак, у бабр -Бобур сўзини ўз асарларида тахаллус вазифасида қўллайди. Айни уриниши билан у ўз табиатидаги яна бир ноёб жиҳатни ошкор қилишга эришади. Йўлбарс қувват ва ҳайвонот дунёсидаги мақоми жиҳатидан шердан кейинги ўринда туради. Бобур ана шу табиий ҳақиқатни кичик бир уриниши тахаллус танлаш билан бадиий ижод оламига кўчирди.

Ҳазрат Алишер Навоий шеърият мулкининг Шери бўлсалар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур унинг Йўл-барсидир. Бундай тантилик, ҳалоллик,adolat ва журъатга фақат тан бериш мумкин. Дарвоқе, XV асрнинг феврали туркий ҳалқлар адабий-маданий ҳёти учун икки буюк истеъ dod соҳибини тухфа этганлиги билан қимматлидир. Улардан бири 9 ва иккинчиси эса 14 февралда ёруғ дунёга кўз очган. Бири назокату сехрли қалами ила «икки дарё ёқасидаги ҳалқни яққалам» қилган бўлса, иккинчиси йўлбарсона қудрат,

журъат ва қиличи, нафосатга тўла қалби туфайли мулки Афғону Ҳиндни ўз тасарруфига олди. Уч юзга яқин йигити билан Самарқанд шаҳри қалъасига хужум қилиб, уни илк бор қўлга киритиш орқали ўзидағи жасорат қирраларини кўрсатган Бобур Мирзо адабий ижод ва адабиётшуносликка доир нодир яратмалари воситасида қалбий назокат ва нафосатини ҳам намойиш қила олди.

Бобур Мирзодан улкан маънавий мерос қолганлиги рост. Афғонистону Ҳиндистонда тартиб берилган шеърий девонлар (тўпламлар), «Бобурнома», «Рисолаи аruz», «Хатти Бобурий», «Волидия», «Мубаййин», илми мусиқа ва ҳарбга доир рисолалар ўттиз олти йилга яқин умрини давлат ва таҳт ташвишлари билан ўтказган инсон мўъжизавий қаламининг тухфалариdir. Бобур Мирзо шунча ташвиш тараддуллари билан бир қаторда меҳру шафқати баланд ота эди. Такдир унга йигирма нафар фарзанд ато этди.

Дараҳт шоҳларидаги барча куртаклар мевага айланмаганидек, Бобур Мирзонинг ҳамма фарзандлари ҳам отанинг кўзи очиқлигига балоғат ёшини кўрмадилар. Уларнинг ўн уч нафарини тупроққа топширишга тўғри келди. Бир қалбнинг шунча изтироб билан юзма-юз келиши ва айюбона сабру бардош ила унутишининг ўзи бир мактабдир. Бобур Мирзога Муҳаммад Ҳумоюн Мирзо, Комрон Мирзо, Аскарий Мирзо, Ҳиндол Мирзо, Гулрангбегим, Гулчехрабегим, Гулбаданбегим каби бир-биридан ширин фарзандларни вояга етказишгина насиб қилди. Ўшалар туфайли Ҳиндистонда асосланган бобурийлар сулоласининг салтанати уч юз йилдан зиёдроқ яшади.

Савол: Бобур нима учун вафотидан олдин ўзининг жасадини Кобулда дағн этишларини сўраган?

Жавоб: Бундай васиятлар тасодифий ҳолат эмас. Ҳалқимизда шундай удум мавжуд. Ҳаётда бор бўлгани учун бадиий адабиётга ҳам кўчган. Масалан, Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида жаҳонгир шоҳ ўлимидан олдин ўз жасадини Македонияга олиб бориб дағн этишларини васият қиласи. Шунингдек, тирик одамнинг ўзига мақбара қурдириб қўйиши, дағндан кейин ўтказиладиган маъракаларнинг олдиндан берилиши урфиятда учрайди. Албатта, бундай уринишлар ўз изоҳ ва сабабларига эгалиги табиийдир. Дағн учун жойни олдиндан белгилаш замираida ҳам маълум мақсадлар ётади. Ўшалардан энг асосийси Ватан, киндик қони томган муқаддас тупроққа садоқат туйғусидир. Яна ота-она, қавму қариндошлар хилхонасида улар билан ёнмаён мангу оромда ётиш орзуси ҳам ўшандай васиятлар учун асос бўлади. Захириддин Муҳаммад Бобур васиятининг бир учи ҳам ўша анъанавий удумларимиз билан боғлиқ. Улуғ шоир ва саркарда Андижон ёхуд Самарқандда, аждодлар замини ва қаторида бўлишни

жудажуда истарди. Аммо бунинг иложи йўқ эди. Чунки бу юртларда яшаш ва давру даврон суриш унга насиб қилмади.

Адабиетимиз, ҳатто, жаҳон адабиёти тарихида ҳам бетакрор сиймолардан бўлган бу улуғ инсоннинг ўлими ҳам ўзига хос тарихга эга. Бу ҳакда «Бобурнома»да ва Гулбаданбегимиийиг «Ҳумоюннома» асарида қизиқарли лавҳалар ёзиб қолдирилган. «Вақоеъ» — «Бобурнома»нинг илова сахифаларида қайд этилишича, 1530 йилда таҳт вориси Муҳаммад Ҳумоюн Мирзо Санбалда истиқомат қилаётгандан у ерни обу ҳавоси ва суви ёқмагани сабабли хасталикка чалинади. Табибларнинг саъй ҳаракатлари натижа бермагач, Бобур Мирзога хабар берадилар.

Шоҳнинг фармони билан шаҳзода сув йўли орқали Дехлига келтирилади. Бу ерда ҳам муолажанинг самараси қўринмайди. Мир Абулқосим бошлиқ бир гуруҳ мулозимлар энг қимматбаҳо садақа Ҳумоюн Мирзо жонига ора кириши мумкинлиги ва Иброҳим Лўдий билан бўлган жангларда қўлга киритилган Кўхи Нур олмоси тасаддуқ қилишга арзигулик тухфа эканлигини айтдилар.

Ҳамиша шиддат ва курашчанлик руҳи билан яшаган, қатъият ва ростгўйликни турмуш тарзига айлантирган Бобур Мирзога мулозимлар маслахати хуш келмайди. Ўшандан кейинги тафсилотлар ҳақида «Бобурнома»да бундай ёзилади: «Менинг кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, Худой қабул қилсин» (489-б.). Бобур Мирзонинг бундай қатъий қарори сухбатда ҳозир бўлган мулозимларни ҳайратга солади. Улар Бобурни бундай қарордан қайтаришга уриниб кўрадилар. Аммо ҳеч қачонadolatli аҳдидан чекинмаган Бобур Мирзо бу гал ҳам шундай қиласди.

Гулбаданбегимнинг шаҳодатига кўра, Ҳумоюн Мирзо ҳолсиз ётган хонага кирган аламзада падари бузруквор унинг тўшаги атрофидан уч карра айланиб, Парвардигорга: «Эй Худо, жон керак бўлса, мен — Бобурдурман, менинг жонимни олгин, Ҳумоюнга сиҳҳат бергин», - деб муножот қиласди. Айни манзара «Бобурнома»да қуйидагича акс эттирилган: «Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулиб, дедимким, мен кўтардим ҳар не дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳҳат бўлуб қўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим» (489-б.). Дарҳақиқат, Худога илтижо қилаётган пайтдаёқ баданида иситма сезган Бобур Мирзо ўз дуосининг ижобатга ўтганига қаттиқ ишонади. Бундай манзара унинг руҳий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатиб, жисмоний заифликни кучайтиради. Оёққа турган валиахд ўғли Ҳумоюн Мирзога таҳтни топширади ва васиятларини қиласди. Ана ўша воқеалардан қўп ўтмай, Бобур Мирзо вафот этади ва Аграда ўзи барпо қилган боғда дафн қилинади.

XVI аср 30-йилларининг охирига келиб васият бажо келтирилади. Улуғ инсоннинг муборак хоки Кобулга, ўзи бунёд эттирган муҳташам боққа кўчирилади. Бундай савобли иш бошида унинг суюкли хотинларидан Биби Муборика туради. У подшоҳ вафотидан тўққиз йил кейин Аграга келиб, эрининг хокини Кобулга кўчиради. Кейинчалик набираларидан Шоҳ Жаҳон қабр ёнида кичик бир масжид қурдирган бўлса, Жаҳонгир Мирзо мармар сафана кўтариб, тошга тарих ёздириш билан улуғ боболари руҳини шод қилдилар. Шоҳи Кобул тепалигига жойлашган боғдан Памғон тоги ва Чордих пастекислигининг манзаралари бутун борлиги билан кўзга ташланиб туради. Алқисса, умр бўйи Ватан соғинчи изтиробларини қалбida асраган шоҳ ва шоир Бобур Мирзо абадий уйқу учун ҳам суронли табиатига мос суронли жойни танлади.

Савол: Захириддин Муҳаммад Бобур нега ўз Ватанини қўмсаб яшашга мажбур бўлди?

Жавоб: Чунки шоҳ Бобурнинг пешонасига Ватанида давру даврон суриш баҳтини азал котиблари раво кўрмаганлар. Шундан бўлса керак, ўн етти ёшли Бобур Мирзо ҳаётининг сарсон-саргардонлик палласи бошланди. У 1496—1512 йиллар давомида уч марта Самарқанд таҳтини қўлга киритди. 1512 йилда саккиз ой Самарқандда салтанат сурди. Аммо таҳтни ортиқ тутиб туришнинг имкони бўлмади, Самарқанд орзуси баланд келиб, Андижон пойтахти — Фарғона таҳти ҳам бой берилди. Имкони бор амаки ва тоғалар умидли ёш Бобур Мирзога кўмак беришдан ҳадиксираб, унинг қучсизланиши йўлларини изладилар. Ўша лаҳзалар унинг юрагига дард бўлиб кирди ва армонли сатрларга кўчиб, авлодларига мерос қолди.

*Диёру ёрдин Бобур жафоу жавр кўп кўрди,
Хуш улким ёрдин қатъ айлабон марки диёр этса.*

Бобур Мирзо шръриятида Ватан соғинчи ва ҳижрон изтироблари энг кўп назарга ташланадиган туйғулардир. Шундан бўлса керак, айрим тадқиқотчилар «Ҳажрий» Бобурнинг иккинчи таҳаллуси деган фикрга урғу берадиганлар. Ватанинунда туриб ардоқлаш билан уни йўқотиб севиш ўртасида еру осмонча тафовут борлиги аён.

Бобур Мирзо қалб нидолари мағзини теранроқ чақмоқ учун иккинчи ҳолатни лоақал тасаввур қилиб кўрмоқ лозим бўлади. Бобур Мирзо жисман Ватандан узилган бўлсада, у руҳан Ватан билан яшаб ўтди. Қачонлардир она юртга қайтиш учқуни унинг қалбida сўниш билган эмас. Фикримизга даҳо шоириинг мана бу сатрлари гувоҳдир:

*Бекайдмену хароби сийм эрмасмен,
Ҳам мол йигиштирур лаим эрмасмен.
Кобулда иқомат этти Бобур, дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.*

Фикримизча, ушбу рубоий Бобур Мирзо ижодининг 1512 йилга қадар бўлган даврига тааллукли, чунки у ҳали бу йилларда Мовароуннахрдан буткул кўнгил узмаган эди. Учинчи юришнинг муваффақиятсизлиги унинг ширин орзулатини чилпарчин қилди. Шундан кейин унинг юрагида ўз сарҳадларини Ҳиндистонга қараб кенгайтириш орзуси макон тутди. Баъзан шоир мисраларида умидсизликнинг кўзга ташланиши ҳам ўша мураккаб руҳий исёнларнинг мевасидир.

*Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.
Сарриштайи айшдин кўнгулни зинҳор
Уз, оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.*

Барча уринишлари зое кетган шоир ўлим тўшагидаги сўнгги нафасила ҳам юртининг бир тилим қовунини қўмсаб, очик кўзлари билан фоний дунёга видо айтган. Юрт ва юртдошлар дийдори бу жаҳонгашта Ватан фидойиси учун ҳамон қиёмат қарзdir.

Истиқлол шарофати туфайли Бобур Мирзо шахси ва маънавий олами қасрида ҳам хуш ҳаволар эсди. Зуғум ва зўравонлик чекинди. Улуг шоир ва саркарда ҳақида эркин гапириш бизга насиб қилди. Бу борадаги армонлар ушала бошлиди. Буюк давлат ва маънавият арбоби таваллудининг 510 йиллик тўйи тантаналари бу йўлдаги улкан умидли қадамдир. Шу муносабат билан Андижонда унинг ҳайбатли ҳайкали ўрнатилди. Юксакда, от устида ўтирган бу зоти мукаррам она юрт жамолига сукданиб, тўйиб-тўйиб боқиши шарафига эришди. Юртдошлари азим бир боғ барпо қилиб, унинг бир гўшасида Бобур Мирзонинг рамзий қабрини ўрнатдилар. Аслига қайтган (тупроқдан бунёд бўлиб, тупроққа айланган!) шоир муқаддас Ватан бағрида эркаланиб ором

олмоқда. Суронли ҳаётини эзгуликка баҳшида этган инсонга унинг нашидаси икки чандон бўлиб қайтди.

Савол: Бобур Мирзо нима учун икки тилда ижод қилмаган?

Жавоб: Қайси ва нечта тилда ижод қилиш ҳар бир шоиру адибнинг хоҳишига ҳамда тил билиш имкониятлариға боғлиқ. Бобур Мирзо ҳам ана шу хуқуқдан фойдаланган ва баъзан форсийда ҳам байтлар битиб юборган. Улардан айримлари «Бобурнома»да ёзиб қолдирилган. Жумладан, 1499-1500 йиллар воқеалари баёни қисмида мана бу байтни учратамиз:

*Ҳар кас чун ман ҳаробу ошиқу расво мабод,
Ҳеч маҳбубе чу ту бераҳму бепарво мабод. (132-б.)*

Таъкидлаш жоиз, бу байт шоир ижоди учун катта аҳамият касб этади. Чуки ўша йиллари Бобур Мирзо тақдирида бадиий ижод эндиғина ўзини кўрсата бошлаган ва «ул маҳаллар бирор байт, иккирор байт форсидин айтур» замонлари эди. Масала равshan, Бобур Мирзо илк ижодий машқларини форсийда бошлаб, туркийда камолотга эриштирган. Шубҳасиз, шоир вақт-вақти билан форсийда ҳам қаламини чархлаб турган. Зуллисонайнликнинг асосини тил билиш маҳорати ташкил этади. Бу масалада она табиат унга саховат кўрсатган. У форс ва араб тилларини чуқур билган. Хожа Аҳрор Валийнинг «Волидия» асарини форсийдан шеър ила туркийга ўгиранлиги, «Мубаййин» асарида қўлланган арабий сўзларнинг кўплиги унинг бу борадаги катта салоҳиятидан сўзлайди. Манбаларда Бобур Мирзонинг форсий шеърларидан намуналар келтирилади. Аммо айтилганларнинг барчаси уни зуллисонайн ижодкор, дея қатъий айтиш хуқуқини бермайди. Чунки ўша мерос унча катта эмас ва форс-тожик адабиёти хазинасига муҳим ҳисса бўлиб қўшила олмайди. Аслини олганда, ўтмишда шеършуносликка бағишлаб ёзилган илмий

асарларда «зуллисонайнлик» адабий ҳодиса ва санъат маъноларида қўлланилади. Адабий ҳодиса маъносидаги зуллисонайнликни Алишер Навоийга нисбатан қўллаш жоиз. Чунки буюк мутафаккир соҳир қалами билаи битиб қолдирган ўн уч минг мисрага яқин маънавий мерос бир умрга татигулик бўлишидан ташқари, форс-тожик адабиёти равнақига катта ҳисса бўлиб қўшила олади. Адабий санъат маъносидаги зуллисонайнлик ширу шакар (муламмаъ) шеърлар битиш, вақт-вақти билан ўзга тилда алоҳида асарлар яратиш каби кўринишларда намоён бўлади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг айни жабҳадаги фаолиятини иккинчи йўналишга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Савол: Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ўта тушкун руҳдаги шоир, уни ўқиш хавфли деганлар ҳам бўлган. Бунга сиз қандай қарайсиз?

Жавоб: Жўн қилиб айтадиган бўлсан, ёмон қарайман. Аммо Бобур Мирзо шахсига номуносиб муомала унда тушкунлик, гўшанишинликка даъват устунлик қилгани учун эмас. Чунки фиқҳ илмидан, ислом асосларидан пишиқ хабардор бўлган Бобур Мирзонинг бундай йўлдан бориши асло мумкин эмас эди. Бунинг сабаблари эса аён. Ислом узлатга чекинишни хушламайди ва у ҳаракатдаги диндир. Айрим асарларда кўзга ташланадиган гўшанишинлик ҳақидаги гаплар батамом бошқа нарса ва уни узлатга чекиниш маъносида қабул қилиш сира-сира ярамайди. Даили сифатида Ҳадиси шарифдаги «Сендин ҳаракат — мендин баракат»ни эслаш кифоядир. Бобур Мирзонинг бошига маломат тошларини еғдирган бош сабаб унинг шоҳ ва «босқинчи» экан-лигидир. Ўтган асрнинг 80-йилларида авж олган ҳужумларнинг замираida ҳам айни ўша жиҳатлар ётарди. Тарихий ҳақиқатдан кўз юмишadolатдан эмас. Ҳақ бугунми, эртами бўйини кўрсатиб қўяди.

Шунинг учун уни ўз вақтида рўйирост айтиб қўйиш панд бермайди.

Бобур Мирзо фаришта эмас. Тарихий шахс сифатида мураккаб, кескин зиддиятларга тўла ҳаёт йўлини бошидан кечирган, Афғонистону Ҳиндистон учун босқинчилик урушлари олиб боргани рост. Аммо ана шулар қаторида Бобур Мирзо беҳисоб савоб ишларни амалга оширганки, бугун ўшалар ҳақида «эзилган ва мазлум» ҳалқларнинг ўзлари зўр қониқиш билан гапирмоқдалар. Шу ўринда ҳиндистонлик олим Муни Лаълнинг «Бобур» асаридан ихчам бир парчани кўчириш жоиздир: «...У ҳамма нарсага жасорат ва ҳалоллик ила эришди. Буюк мағлубиятлари устига буюк ғалабалар иморатини қура олди. Ёшлиқда кўрган омадсизликлари ўрнига кейин чалик улуғ омадлар унга ёр бўлди. Ниҳоят, у Ҳиндистон тарихида илгари ҳеч кўрилмаган буюк салтанатга асос солди. Бобурнинг буюклиги ана шу мезонлар ила ўлчанади» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990, 19 октябрь). Бобур ва бобурийлар буйёд этган боғлару меъморий обидалар мажмуи Афғонистон ва Ҳиндистон қиёфасидаги нурли нуқталардир. Худди шундай гапни улар қолдирган маънавий хазина ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бобур Мирзодан бизга етиб келган маънавий мероснинг ўзи уни ҳамма гуноҳлардан поклаб, савоблар оламида устувор ўрнаштириб қўяди.

Савол: Бобур Мирзонинг «Кўрмагай эрдим жамоли олам аро кошки» мисраси билан бояиланадиган ғазали Алишер Навоийнинг «Кошки» радиофли ғазалига татаббу сифатида битилганми? Бобурнинг ўзи бу ҳақда ёзмаганми?

Жавоб: Чиндан ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур тўпламларида шундай ғазал бор. Унинг матлаъ ва мақтаъини келтирамиз:

*Күрмагай эрдим жамоли олам аро кошки,
Бўлмагай эрдим бори оламга расó кошки.
Ихтиёр эт ўзга иш, Бобурки, ҳосил бўлмагай,
Ишқу васлу айш ила ишратдин илло, кошки.*

Парча келтирган ғазал дарҳақиқат Алишер Навоийнинг:

*Очмагай эрдинг жамоли олам аро кошки,
Солмагай эрдинг бори оламга гавго кошки,-*

матлаъли ғазали таъсирида ёзилган. Шеърнинг дунёга келишида адабий алоқа ва ўзаро таъсирнинг самараси яққол намоёндир. XV асрнинг 70-йилларидан бошлаб Алишер Навоий асарларига жавоб айтиш, пайровлик қилиш қутлуғ анъанага айланди. Бобур Мирзонинг парча келтирганимиз ғазали ҳам ўша йўлнинг давоми ҳисобланади. Бу икки ижодкорнинг ўзаро адабий алоқага киришуви учун эса барча омиллар мавжуд эди. Уларнинг анчаси ҳақида юқорида айтилди. Аён нарсани яна қайта баён қилишга на ҳожат, дейди доно халқимиз. Модомики шундай экан, бу ўринда Бобур Мирзонинг алоҳида таъкидига умидвор бўлиш учун ҳеч қандай зарурат йўқ. Зоро, Бобур Мирзо бу ишни асло қилмаган бўлур эрди. Алишер Навоийнинг «Девони Фоний»сидаги ҳар бир ғазалдан олдин қўйилган сарлавҳалари учун бу тўпламдаги аксарият шеърларнинг Бобур Мирзо танқидига сабаб булганлигининг ўзи кифоядир.

Савол: Ҳозир сиз нақшбандия тариқати ҳақида фикр юритдингиз. Нега шу вақтгача ана шу таълимотга муносабат турлича бўлиб келди? Нега Баҳоуддин ҳазратларига муносабат ёмон эди? Бунинг сабаблари фақат Шўро мафкурасига бориб тақаладими? Нега кўп адабиётшунослар бу масалага беэътибор эдилар?

Жавоб: Савол ичра саволнинг қуиилиб келиши ижобий ҳодиса. Бедор, куйинчак қалблар бор экан, эзгулик,adolat яшайди. Энди нақшбандия ва унинг асосчиси тақдирига қайтайлик. Ҳозир ҳам бу масалада ҳамманинг фикри бир хил дейиш қийин. Бугун биз бу мавзуга доир кутилган илмий натижаларга тўла эриша олдик деёлмайман. Қон-қонимизга сингиб кетган шиорбозлик ва маъракадан маъракага қадар жимжитлик ҳамон давом этмоқда. Биз ҳали юзада қалқиб юрибмиз. Оқим остидаги жунбишли тўлқинга бугун ҳам тишимиз тузуккина ўтаётгани йўқ. Даҳрийлик ҳақида жар солган банда бугун дин тарихидан, хур фикрлилиқдан сабоқ айтади. Қизил империя ҳақида ҳамду сано айтган биродаримиз художўйлик даъвосини асослаш учун учтўрт ҳадис ва ояти карималарни

тилида айлантиради. Сабаблар кўп. Бунда зуғумкор мафкуралик ва ўзимизнинг ҳам ҳиссамиз бор.

Биринчи катта йўқотиш араб ёзувидан жудо бўлишимиз эди. Бу ёзувсиз таянч қўлёзма манбанинг ёнига бориб бўлмайди. Ислом тарихи, Қуръони каримдан бехабарлик эса бизни эзib келди. Маданий меросга ленинча муносабат кишанлари дард бўлса, бундай исломий маънавий сарчашмалардаи йироқлик чипкон эди. Ана ўша таянч омилларсиз адабиётимиз тарихи, тариқат хусусида ёзганларимиз ёлғондан фарқ қилмайди. Айтилган дардлардан айримлари бир ўзанга бирлашиб, маънавий илдизларимизни қурита ва чирита борди. Уларнинг соғ қолган қисми истиклол шарофати илиа жонланаетир.

Ҳар кимнинг ўзи билган ва тушунган соҳаси билан машғул бўлгани маъқул. Фан тармоқларининг ҳозирги тараққиёти қомусийликни ҳазм этмоғи қийин. Бу гапни адабиётшуносликка нисбатан ҳам ишлатиш мумкин. Даврдан даврга сакраб юриш кўпинча панд беради. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, «икки қайиқ учини тутған ғарқдир». Айтилганлардан каминанинг нуқтаи назари ойдинлашди, деб ўйлайман.

Яна аникроқ қилиб айтадиган бўлсам, ҳамма адабиётшуносларнинг тасаввуф ва унинг бир шохчаси — нақшбандия майдонига «ёпирилиб» кириши шарт эмас. Фикримча, манба билан ишлай оладиган мутахассисларнинггина бу жабҳада жавлон уришлари, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар ёзib қолдирган маълумотлар ўрамидан чиқиб, асл қатламга мурожаат этишлари лозим. Қайтариқлардан иборат этиб кўп ёзгандан кўра, мавзу томирларидан асосланган ва озиқланган оз ишончли фикр айтилса, фанимиз ҳам, тариқат ҳам манфаат топади.

Савол: Бобур Мирзо ижодида риндана ва тасаввуфона ғоялар учрайдими?

Жавоб: Учрамаслиги мумкин эмас. XV асрда Мовароуннаҳру Хурросонда маънавий арбоб сифатида донг таратган эшон Хожа Аҳрор Ғалий этагини маҳкам тутган Умаршайх Мирзо ўғли Бобур Мирзонинг тасаввуф-дан четда қолишига ақл бовар қилмайди. Эслатилган Даврда фаолият кўрсатган барча темурийлар қаторида Бобур Мирзо ҳам Хожа ва унинг хонадони аҳлига улкан ихлос кўйган эди. «Бобурнома»даги талай завқли лавҳалар бизнинг хуносамизни тасдиқлади. Қуйида ўшалардан бирини кўздан кечираильик: «Ўшул фурсат ажаб туш кўрдум. Туш кўрарманким, Ҳазрати Хожа Убайдулла келмишлар, мен истиқбол-ларига чиқмишмен. Хожа келиб ўлтурдилар... Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушти. Кўптилар. Узата чиқтим. Ушбу уйнинг долонида ўнг қўлумдин ё сўл қўлумдин тутуб, андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин қўпти. Турки дедиларким, Шайх маслаҳат бердим. Ўшул неча кундаўқ Самарқандни олдим» (139-б.). Мазкур

парча «Бобурнома»нинг 1500—1501 йиллар воқеалари баёнига доир саҳифаларидан олинди.

Бобур Мирзо танг ахволга тушганда Хожанинг муборак руҳи унга ҳамроҳлик кўрсатиб, қўллаган. Кўряпсизки, муаллиф Самарқанднинг қайта қўлга киритилишини ана ўша ғойибона учрашувга боғлаб талқин қилаётир.

Илоҳиётга, пиру муршиidlар мададига ишонган буюк шахснинг тариқатга нигоҳи равshan. Иккинчидан, Бобур Мирзо нафақат ўзи, балки фарзандлари табиатига ҳам илоҳий руҳ, нақшбандия арбобларига нисбатан юксак эътиқод туйғусининг сингдирилишига алоҳида аҳамият беради.

Айтилганлар нуқтаи назаридан унинг ардоқли ўғли Комрон Мирзога ёзган мактубидаги мана бу жумлалар бағоят аҳамиятлидир: «...Тахсис ул қурси шабистонининг шамъи анваридур, аё гулистонининг андалиби суханвари Хожа Убайдуллоҳким, имдод қилибтурлар, то ғоят бу ишларни(нг) давлати ул азизларнинг ҳимматидиндур. Ул силсиланинг мурид ва асхоби подшоҳзода деб сенга келсалар, зинҳор акром ва эъзозларини маръий тутиб, аларнинг борисида тақсир қилмағайсан. Аларким, ишқ бобида бўлурлар, севарларнинг итини ҳам севарлар» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил, 19 октябрь.)

Бобуршоҳ ўз тақдиридаги барча баҳтиёр дамларни Хожа Убайдулла иршоди шарофати деб билишидан ташқари, фарзандлари дикқатини ҳам ўша ҳақиқатга жалб этади. Ишқ аҳлининг мақоми баланд. Айни жабҳада комилликка эришган улуғ зотларнинг обрў-эътибори юксак бўлиши лозимлиги ўз-ўзидан аён. Бироқ ўшалар ҳалқасидаги муридлар, хатто табаррук остоналарини тавоғ қилиб, бош қўювчи итлари ҳам айрича эъзозга сазовордирлар. Ана шундайadolатли қўнимга келиш-нинг ўзи Бобур Мирзонинг бетакрор маънавий-руҳий оламидан далолатdir.

Ринд - бадиий адабиётнинг фаол тимсолларидан бири. Унинг жисмида ҳаётсеварлик қони жўш уради. Риндинг зоҳири маломатга сазовор, аммо унинг ботини мустаҳкам, унга дарз етказишнинг имкони йўқ. Ринд ва зоҳид табиатида яқинлик билан бирга зиддият ҳам мавжуд Зуҳд аҳлининг ҳаракатлари замирида жаннат тамаси бор. Ринд учун эътиқод қисмат. У умидворликдан йироқ. Нариги дунёга даъват этган Парвардигорнинг ўзи у ёғини ҳал қиласди. Риндана, риндлик эса маслак, яна аникроқ айтадиган бўлсак, тариқат. Тариқат моҳияти шу йўлга мансуб риндинг хатти-ҳаракати ва феълу атворидан келиб чиқади. Риндана маслак йўлини тутғанлар зуҳдни кўз-кўз қилишфа хайриҳоҳ эмаслар. Тақво шуҳрат, обрў-эътибор майдони эмас. Гўшанишинлик ҳам уларга маъқул келмайди. Ҳаётга ишқ ва ишқ изтиробларидан завқланиш риндларга хуш ёқади. Хожа Ҳофиз шеъриятида ана шу аломатлар беҳад кўп бўлганидан Алишер Навоийни асири этган.

Шунинг учун улуғ ўзбек шоири ўзининг форсий меросида «Ринди Шероз»нинг икки юз қирққа яқин шеърлариға жавобия айтди. Риндлик ойини ва нақшбандия таълимоти қарашларида ўхшашликлар кўп. Шундан бўлса керак, айрим зийрак қаламкашлар бадиий меросида ана шу икки шўх жилға бир оқимга қуйилади. Бобораҳим Машраб шеъриятида буни ёрқин кўриш мумкин. Бобур Мирзонинг бадиий заковат билан яратилган сатрларида нақшбандия ало-матлари баланд. Юқорида кўрганимиздек, унинг жисмида шоҳлик ва дарвишлик ўртасидаги жиддий руҳий курашлар кескин давомэтган. Шоҳ Бобурдан дарвиш Бобур устун келган пайтлар бўлиб турган. Хусусан, умр поёнида ғолиблик иккинчи туйғу тарафида эди. «Бобурнома» ва «Хумоюннома»даги уйғун ишоралар шундан хабар беради. Фиқҳ илми билимдони Бобур Мирzonинг бу жабҳадаги донишмандлиги фақат «Мубайин»га кучди, десак тўғри бўлмайди. Унинг ҳаёт йўлида ҳам ёрқин зиёning шуъласи ҳар қадамда сезилиб туради. Айни ботиний маърифат улуғ шоир ва адибнинг қалб фарзанди бадиий яратмалари йўлида ҳам кучли шамчироқ бўлиб хизмат қилди. Мана бу рубоийларга эътибор қилайлик:

*Эй ёр, сенинг васлинг(г)а етмак мушкил,
Фархунда ҳадисингни эшиитмак мушкил
Ишқингни даги бартараф этмак мушкил,
Бошини олибон ҳар сари кетмак мушкил.*

*Келдим санга юз умид била, эй моҳ,
Лекин ёндим юзингни кўрмай, юз оҳ.
Ҳамсуҳбату ҳамроҳни нетай бу йўлда,
Дардинг манга ҳамсуҳбату ишқинг ҳамроҳ.*

Заковатли шоирнинг мазкур шеърларидағи мазмунни истанг самога уланг, хоҳланг ерга олиб тушиңг. Ҳар икки ҳолатда ҳам бош моҳият — ишқ ва сидқ, ишқ ва дард, ишқ ва садоқат, ишқ ва ишонч каби юксак туйғуларнинг охори сақланади. Ошиқнинг маъшуқа дарди ва васлига етмоқ илинжидан ўзга ташвиш ва тараддуди йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Бобур Мирzonинг қалбида ёнган ишқ алангаси уни сира тарқ этмаган. Тўғри, у комил муслим бўлгани ҳолда шариатнинг барча талаблариға риоя қила олмади. Шаробга ружу қўйган пайтлари, маъжун кайфи билан дилига таскин берган дамлари бўлди, дилбар санамлар тортиқ қилинган пайтларида шаҳвоний нафсадан ғолиб кела олмади. Лекин шу билан бир қаторда у ўша гуноҳларидан комил садоқат билан тавба ҳам қилди. Умри вафо қилганида, у дарвишона турмуш тарзига ўтиб, тавба-тазарруъ билан яшармиди?!

Савол: Маълумки, Бобур ғазалчиликда қофия қоидаларидан чекинган. Ҳазрат Навоий Атоий ғазали ҳақида «қофиясида айбинаси бор» деганлар. Навоий Бобурнинг бу хил ижодига қандай баҳо берган бўлур эди?

Жавоб: Аввало, саволда андак чалкашлик бор. Икки ижодкорнинг қофияга муносабати бир хил ҳодиса эмас. Иккинчидан, тарихий далилни нотўғри кўллаш, маълум мақсадга зўрма зўраки хизмат қилдириш ярамайди. Алишер Навоийнинг Атоийга доир танқиди унинг бутун ижодига тегишли эмас, балки биргина байтига дахлдор.

Ул санамки сув яқосинда парийтек ўлтуур,
Гояти нозуклигидин сув била ютса бўлур.

Ушбу байтнинг танланиши тасодифий эмас. Кўчирганимиз мисралар Атоийнинг шоҳбайтлари сирасига киради. Шунинг учун Алишер Навоийга маъқул тушган. Улуғ ўзбек шоирининг «Мажолис ун-нафоис»ида бу байт муносабати билан айтган мулоҳазасини танқид маъносида қабул қилиш эса нораво. Чунки Алишер Навоийнинг ўша жумласи замирида истак оҳанги баланд. Шундай шоҳбайтнинг қофиядош сўзлари тўқ бўлғанда, яъни ўзакларда оҳангдошлиқ бўлғанда, нур алан нур бўлур эрди, дейдилар Ҳазрат. Бобур Мирзо шеъриятида кузатиладиган ҳодиса бутунлай бошқа нарса. Бобур Мирзонинг айrim ғазалларида Шарқ ғазалиётидаги анъанавий қофия тартибидан чекиниш ҳолатлари кузатилади деган фикрни сиз бошқача қабул қилгансиз. Ҳолбуки, бундай уриниш нуқсон саналмайди. Адабиёт даргоҳи поклик билан бирга эркинликни ёқтиради.

Эрк ва ижодийлик хам шуаронинг қанотидир. Бобур Мирзога булар кундай равшан эди. Ҳамма масалада ўз йўлига эга улуғ шоир ғазал бобида ҳам ўзини эркин тутган ва «кўнгли тилаган мурод»га интилган. Буни улуғ шоирнинг куйидаги ғазали мисолида аниқроқ кўриш мумкин:

*Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,
Келсун, агар юзумни эвурсам, бало манга.
Неткаймен ул рафиқ билаким, қилур басе —
Мехру вафо рақибга, жавру жафо манга.
Бегона бўлса ақл мени телбадин, не тонг,
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.
Оҳу ёшимдин ортадуур зальф, эй табиб,
Билдим, ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.
Дардим кўруб муолажада зоеъ этма умр,
Ким, жонда дарди ишқдуур бедаво манга.*

*То ёр кимни истару кўнглина ким ёқар,
Ташвиши бежиҳатдуур охир санго, манга.
Бобур, бўлубтуур ики кўзум йўлида тўрт,
Келса не бўлди қошима бир-бир манго, манга.*

Айттанларимиз Бобур Мирзонинг ана шу йўналишдаги ғазалларига тегишли. Бунда шаклий-мантиқий жиҳатдан нуқсон йўқ. Мазмун талабидан келиб чиқадиган ўзига хос қофия тартибини қўллаш санъати бор. Бобур Мирзо қофия илмидан маҳсус сабоқ олган ва бадиий ижод амалиётида ўша илм талабларига риоя қилган катта шеършунос олим шоирдир. Аслини олганда, бугун қофия, аruz, умуман, адабиёт назариясига доир берадиган билимларимиз жуда жўн. Тушунчаларимиз ҳам ўша доирадан чиқа олмайди. Тожик адабиётшуноси Баҳром Сирус юз йилга яқин умрининг катта қисмини форстожик адабиётида қофия илмини ўрганишга сарфлади. Олим шу мавзуда икки маҳсус китоб чоп эттириди¹. Унинг кузатишларига кўра, қофия санъатининг икки юздан зиёд кўриниши ва ҳар бир шаклнинг ўз атамалари мавжуд экан. Алишер Навоий қофия илмини Абдураҳмон Жомий «қошида ўқубмен», деганда ҳайрон бўлганман. Тўғри, баъзан «қофия» араб тили қоидалари маъносida ҳам қўлланган. Аммо Алишер Навоий истилоҳнинг ўз мазмунини — адабиётшуносликка тегишли жиҳатини қўзда тутади. Мисралар охирида оҳангдошликни таъмин этувчи сўзларни ўрганиш учун шунча даҳмазами? - деган ақида бўлган менда. Баҳром Сирус китобларидан кейин кўзим очилди.

Ҳазрат Алишер Навоийга Бобур Мирzonинг шеърларини мириқиб ўқиши насиб этганда шундай забардаст туркигўй шоирнинг дунёга келганидан беҳад завқу шавққа тўлган бўлур эдилар. Бунга шубҳам йўқ.

Савол: Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома»си ҳақида маълумот берсангиз?

Жавоб: Саволингиз беҳад қамровли. Мухтасар жавоб беришга ҳаракат қиласман. Гулбаданбегим Бобур Мирzonинг ҳаёт оғатларидан эмин қолган қизларидан бири. Замонаси талаблари доирасида яхши муаллимлар қўлида таълим ва тарбия олган. Бобур Мирzonинг бошқа фарзандлари табиатида бўлгани каби Гулбаданбегим жисмида ҳам ижодкорлик қони жўш урган. уни кўпроқ акаси Муҳаммад Ҳумоюн Мирзо даври воқеалари қизиқтирган ва шу заминда «Хумоюннома» дунёга келган. «Хумоюннома»да «Бобурнома»нинг кучли ижодий таъсири сезилади. Бироқ адабий-илмий савия нуқтаи назаридан Гулбаданбегим ўз асарини отасининг соҳир қалам билан тухфа этган нодир хазинаси даражасига кўтара олмаган. Изоҳлари эса аён. Бундан

қатъи назар, «Ҳумоюннома» XVI аср биринчи ярми ҳаётини, хусусан, Бобур Мирзо Ҳиндистонда асослаган давлатни мустаҳкамлаш йўлидаги қурашлар тарихини ўрганишда қимматли манба вазифасини ўтайди. «Ҳумоюннома» Бобур Мирзо ҳаётининг охирги кунлари манзараларини ёритиш билан бошланади. Ўша воқеаларнинг бевосита шоҳиди бўлган Гулбаданбегимнинг ёзишмалари бобуршунослик учун катта илмий қиммат касб этади. Бобур Мирзо юксак назокатли инсон сифатида қўнгилчан, меҳршафқатли шахс эди. «Ҳумоюннома»даги жуда кўп лавҳалар шундай хulosага келиш учун асос беради. Айтилганларга қаноат ҳосил қилиш учун асардан бир лавҳа кўчириш фойдадан холи эмас: «Рано Санго билан жанг бўлди. Худонинг инояти билан подшо ғалаба қозондилар ва ғозий бўлдилар. Рано Сангонинг фатҳидан бир йил ўтгач, онам - Моҳимбеким (Ҳумоюн Мирзонинг онаси) Кобулдан Ҳиндистонга жўнадилар. Мен ҳам подшо дадамни қўргани у киши билан бирга бордим. Онам кўлга етганларида подшо ҳазратлари уч отлиқ; маҳофа юбордилар... Подшо дадам ҳазратлари то от келтиргунларича сабр қилмай, пиёда йўлга тушиб, Нинча Моҳим уйлари олдида биз билан учрашдилар. Онам отдан тушмоқчи бўлдилар, лекин подшо дадам қўймасдан ўзлари онамнинг отлари жиловидан ушлаб, ўз уйларига етгунча пиёда кетдилар...» (Ҳумоюннома Кўчирганимиз парчадаги манзара Бобур Мирзо рубоийларидан бирида ифодаланган лавҳани хотирга келтиради.

*Сен гулсвну мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласену ул шуълаға мен қулдурмен,
Нисбат йўқтур деб ижтиnob айламаким,
Шаҳмен элга, vale санга қулдурмен, —*

деб ёзган эди. Рубоийдаги Гулу Булбул, Шуълаю Парвона, Шоҳу Гадоларга юзаки қараб, ҳаётий ошиқу маъшуқаларнинг ўхшатилмишлари сифатида шарҳлаш мумкин. Аслида мазкур мажозий тимсоллар тасаввуф мулкидир. Масаланинг заминий жилосини инобатга оладиган бўлсак, Бобур Мирзо фақат ёзмаган, балки нақшбандиянинг илм ва амал, ишқ ва амал, ҳунар ва амал хусусидаги қатъий талабларини адо этишга ҳам ҳаракат қилган. Асарнинг асосини Ҳумоюннинг салтанати билан алоқадор зиддиятли воқеалар ташкил қиласди. Гулбаданбеким ака-ука Ҳумоюн Мирзо ва Комрон Мирзолар ўртасида кечган аламли лавҳаларга ургу бериш билан ўз дардларини ҳам тўкиб солади. Комрон Мирзони тожу тахт ҳирси ўз домига тортмаганда, у адабиётимизга бугунгидан чандон салмоқли маънавий мерос қолдирган бўлур эди. Асарнинг мавжуд нусхалари Ҳумоюн Мирзо билан

тахт талашган, укаси Ҳиндол Мирзонинг шаҳид бўлишига гуноҳкор Комрон Мирзо кўзларига подшо аканинг фармони билан мил торти-лиши фожиаси билан яқунланади.

Бобур Мирзо вафотидан бир неча лаҳза олдин валиаҳднинг қулоқларига қуийдаги сўзларни шивирлаб, васият қилган эди: «Ҳумоюн, укаларинг, қариндош уруғ, эл улусни сенга топширдим. Сўнгги тилагим: укаларинг жазога лойик иш қилиб қўйишса ҳам, уларга озор етказмагил. Шу тилагимни адо этишингда худойим сенга мададкор бўлсин». Таассуфлар бўлсинки, Ҳумоюн Мирзо падари бузруквори васиятини уddalай олмади. Инисини бир неча марта кечирди, бироқ шайтонлар домига илинган Комрон Мирзо саркашлиқдан қайтмади. Алқисса, тахт шириналик қилди, сарой аъёнлари хоҳишига пешвоз чиқкан Ҳумоюн Мирзо аҳдни бузди, фожеий фармонга муҳр босди...

Айтилганлар Бобур Мирзонинг баҳри кабирга қиёс этгулик тақдиридан томчилардир. Уларни тўлдириш Сизнинг ҳукмингизда, азиз ўқувчи. Бобур Мирзонинг нафосатли асарлари Сизга йўлдош бўлсин!

БОБУР МИРЗОНИНГ МАСНУЬ ШЕЪРЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб кичик шеърий асарлар ҳажми ва шакли жиҳатидан чандон катта эмас. Уларнинг умумий сони беш юзга яқин бўлиб, ғазал (120), рубоий (208), туюқ (14), қитъя (13), кичик маснавий (8), муаммо (53), фард (65) каби жанр намуналаридан иборат. Шунингдек, илми фиқҳга (ислом қонуншунослигига) доир беш рисоладан таркиб топувчи («Эътиқодийя», «Китобус-савмаа», «Китобус-салот», «Китобуз-закот», «Китобул-ҳаж») «Мубаййин» (шарҳланган, изоҳланган, талқин берилган), Хожа Аҳрор Валийнинг насрда битилган «Волидия» (ота-она ҳакида) асарининг назмдаги бадиий таржимаси ҳам улуғ адаб, саркарда ва давлат арбобининг шеърий асарлари сирасига киради. Зикри ўтган силсилада Бобур Мирзонинг бешта маснуъ тўртлиги ҳам мавжуд. Мусулмон дунёси адабиётида, жумладан, туркий, форсий, араб тилида бунёд қилинган бадиий сўз санъатида маснуъ ғазал, қасида, рубоий, қитъалар яратиш мутлақо янги ҳодиса эмас. Бобур Мирзога қадар ҳам шундай шеърлар ижод қилинган. Туркий шеърият мулкининг арслони (Бобур сўзининг ўзаги бабр — йўлбарс) мақомида фаолият кўрсатган бу нотакрор Шахс ва истеъдод соҳиби ўзининг ўттиз олти йиллик умрини жанг жадаллар, изтиробу курашларда ўтказган бўлишига қарамай, адабиёт мулкидаги бир қатор ноёб ҳодисаларга муносабат билдириш учун вақт ҳам топа олди. Маснуъ шеърлар ёзишга ружу ана

ўшалардан биридир. Кўплиги «маснуот» ва бирлиги «маснуъ» шаклида келадиган бу арабий сўзнинг лугатлардаги изоҳи «яратилган; безакли қилиб ишланган»дир. Бадий асарни (хоҳ назм ва хоҳ насрда бўлсин) санъатсиз — тасвирий воситаларсиз тасаввур қилиш душвор. Маснуъ шеърларни эса санъат ичра санъатга йўғрилган сатрлар тарзида тушуниш ва қабул қилиш тўғри бўлади.

Бобур Мирзо шеърий бисотида бундай санъатга мурожаат икки йўналишда юзага чиқади. «Элга шоҳ, vale санамларга қул» мақомида яшаб, қалам сурган салоҳиятли шоирнинг анъанавий ғазал ва рубоийларида санъатлар қозонида қайнаган» байтлар анчагина назарга ташланади. Мана бу байтга эътибор қилинг:

*Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор.*

(Қаранг: Захириддин Мухаммад Бобур. Махрами асрор топмадим... Тошкент ,«Ёзувчи», Байт таҳлилидан аввал бир ҳақиқатни дадил айтмоқ лозим: Бобур Мирзо бадий сўз санъатининг жамият олдидаги вазифасини ғоят тўғри англаган ва ана ўша юксак тамойилларга мос равишда унга муносабатда бўлади. Яъни бадий адабиётнинг вазифаси ўқувчига факат фикр айтиш эмас, балки ўша сўз жавоҳирини ўзига ярашикли, ҳуснини очишга хизмат қилувчи бадий либосда етказа олиш шоирликдир. Забардаст сўз санъаткори нуқтаи назаридан масала таҳлил қилинадиган бўлса, шаклу мазмун мувозанати рост келган нуктада мўъжиза содир бўлади, чинакам бадий асар дунёга кўз очади ва шоирлик даражаси ана ўшандагина аёнлашади. Юқоридаги байтнинг ўзи Бобур Мирзонинг илохий истеъдодидан дарак беради. Тўғри, мисралардаги маъно мутлақо янги эмас. Бундай лавҳалар бошқа шоирларнинг бисотида ҳам кўзга ташланади. Аммо Бобур Мирзонинг сехрли қалами ана ўша анъанавий ҳолат ва ҳодисаларга батамом янги рангу оҳанг бахш этган. Мисралардаги сўзлар таносуб санъати (сатрдаги калималараро мантиқий ришта, алоқадорликни таъмирлаш) воситасида бири иккинчисини тақозо этади. Махбубанинг нафис лаблари - қон рангидаги, тиник. Бундай кўрк унга айрича тароват тухфа қилган. Маъшуқадаги айни мўъжиза ошиқнинг шайдолигини оширишдан ташқари, унинг юрак-бағрини тилка-пора қилиб қўяди. Қон (ранг) лабдан ошиқ кўксига кўчади, уни изтироблар гирдобига карқ қиласи, шеър қаҳрамонининг кўзларидан ёш ўрнида қон маржонлари оқа бошлайди. Биргина мисрада шунча мазмунни пинҳон қилишга муюссар бўлган шоир қилча бўлса-да, ҳаёт ҳақиқатидан, ўхшатиш ва ўхшатилмиш ўртасидаги алоқадорликдан йироқдашгани йўқ. Сатрдаги бир

ташбек иккинчисини тақозо қылганидек, банд (байт) мисралараро мазмуний боғлиқликка ҳам алоҳида аҳамият берилган. Иккинчи мисрада биринчи қатордаги ўхшатиш, муболаға каби санъатлар ёнига тажохули орифона ҳам күшилади. Ҳамма нарсани ўз жисмида синовдан ўтказаётган ошиқ ўзини билиб-бильмаслик ҳолатига (нега ҳолим ёмон қилди!) солади ва ўзича сўроқ қўйиб, унга жавоб (мен андин бир сўрорим бор!) беради. Бобур Мирзонинг сўз имкониятларидан фойдаланишдаги маҳорати ҳам дикқатга сазовордир. Биринчи мисрада «қон» сўзи уч маънода келади: қон — ранг (лабга нисбатан); қон — инсон томирларида оқадиган суюқлик; қон - бағридаги жароҳат ва кўздан оқадиган ёш томчиларидир. Шундай гапни «сўрорим»га нисбатан ҳам айтиш мумкин: Сўрорим мен ундан (маъшуқадан) албатта, сўрайман; сўрорим — маъшуқа лабини сўрмоқ (буниси аламдийда ошиқнинг амал чопонини киймаган ширин орзуси). «Қон» ва «сўрорим» сўzlари айни пайтда ийҳом санъатини (сўзнинг кўп маънолилик хусусиятидан келиб чиқиб, уни «ўйнатиш», маъно жилоларини очиш) ҳосил қилган. Кўринадики, Бобур Мирзо биргина байтда ташбек, муболаға, таносуб, ийҳом каби каттаю кичик ўнлаб санъатларни истифода этган. Парча кўчирганимиз ғазалдан бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Матлаъда (биринчи байтда) маъшуқа зулфининг қаролиги, ошиқ руҳий ҳолатидаги тийралик, паришенлик билан ёнма-ён тасвиrlenади. Ғазал мақтаида (хотимасида) ҳам ўшандай санъаткорона ифодаланган дилбар манзара назарга етади:

*Фигоним ошти булбулдин, гами йўқ зарра бу қулдин,
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгулда хор-хорим бор.*

Аввало, эътибор қилайлик, байтдаги «гул», «булбул», «зарра», «қул» каби ишоралар ирфоний-маърифий адабиётнинг мулкидир. Бобур Мирзо нақшбандия тариқатининг сидқий мухлиси сифатида Хожа Ахрор Валий авлодларига катта муҳаббат билан қараган, ҳаётдаги барча ижобий тарафга бурилиш нуқталарини ўша шайхларга садоқатнинг самараси тарзида талқин қилади. «Бобурнома»да келган ўнлаб ибратли лавҳа ва тушлар баёни фикримизга ёрқин далил бўла олади. Шу маънода, Бобур Мирзо шеъриятида тариқатнинг ҳаётбахш ғоялари ўзининг гўзал бадиий ифодасини топади, деса тўғри бўлади. Кўчирганимиз байтда Булбул — ошиқ, Гул маъшуқа рамзи бўлиб келмоқда. Гул ва тикон ҳаётда ҳам, бадиий адабиётда ҳам ёнма-ён туради. Бобур Мирзо талқинида «хор-хор» ийҳом моддаси (хор-хор — тикан ва тикан; хор-хор — кўчма маънода, тирнаш, ачиштиришдир) вазифасида келмоқда. Алқисса, байтда таносуб, муболаға, ташбек ўхшатиш, ийҳом,

кичрайтириш, тамсил каби шеърий санъатлар қоришиқ келиб, унинг нафосатини кўтаришда хизмат қилаётир. Юқорида қайд қилганимиздек, Бобур Мирзо маҳсус маснуъ тўртликлар ҳам ижод қилган. Унинг бундай шеърлари шунчаки санъатпардозлик намунаси бўлмай, муайян ғояни юзага чиқариш, маъшуқанинг сийратига мос суратини чизиш, шеър ихлосманди қалбида гўзалликка нисбатан юксак шавқу завқ үйғотиш, мисраларнинг таъсир қуввати ва узок эсда сақланишини таъминлаш каби улугвор мақсадлар йўлида хизмат қиласди:

*Тишинг дур, лабинг маржон, хадинг гул, хатинг райҳон,
Юзунг ҳур, сочинг анбар, сўзунг мул, менгинг мейнон.
Мейнон менгинг, сўзунг мул, анбар сочинг, юзунг ҳур,
Райҳон хатинг, хадинг гул, маржон лабинг, тишинг дур.*

Тўртликда етакчи шеърий санъат вазифасида такрир ёхуд баргардониши (такрорламоқ, муайян низом асосида қайтармоқ) тасвир воситаси келаётир. Мусулмон дунёси адабиётида такрир шеърий санъатига тез-тез мурожаат қилинади ва унинг шаклу шартлари ҳам бениҳоя қўпdir. Таянч талаб шуки, шеърий санъат шоир айтмоқчи бўлган ғоявий ниятни ёрқии юзага чиқаришда, мисралар назокатини оширишда хизмат қилмоғи, қуруқ тақрор даражасида қолмаслиги лозим. Шундай санъат қўлланган шеърда бир сўз, ибора, калималар гуруҳи иштирок қилиши мумкин. Биринчи мисра охиридаги такрир моддаси иккинчи сатрнинг аввалида кела олади. Алқисса, сўзнинг сони, мисралару байтларда қўлланилиш ўрни асар муаллифининг ихтиёридадир. Аммо бунда қатъий низомга риоя қилиниши шарт. Бобур Мирзонинг биз тилга олганимиз тўртликда ҳам бир хил низомга таяниш кўзга ташланади: дастлабки байтда ўхшатиш ва ўхша тилмишлар йиғилиб, маълум кетма-кетликда мисраларда тизиб чиқиласди. Учинчи мисра эса иккинчи қаторнинг охирги бирикмаси билан ибтидо топади ва кейинги ибораларни жойлаштиришда ана ўшандай қатъий тартибда амал қилинади. Бунда шоир кичик бўлса-да, ижодий йўл танлайди: тўртликнинг биринчи ва иккинчи мисраларида келган бирикмалардаги сўзларнинг ўрни учинчи ҳамда тўртинчи сатрларда таҳrirга (масалан: хатинг райҳон; райҳон хатинг) учрайди. Фақат биринчи байтнинг дастлабки икки ибораси (тишинг дур; юзунг ҳур) бундан мустаснодир. Масалага юзаки қараганда, бундай «майда-чуйда»ларга эътибор қилиш бачканалиқдай туюлиши муқаррар. Аммо шеърнинг санъат эканлиги ва унинг зарофати ҳисобга олинса, назмда аҳамиятсиз нарсанинг йўқлиги аёнлашиб қолади. Икки оғиз сўз Бобур Мирзо қаламга олган ташбеҳлар хусусида: бошдан айтиб қўяйлик, бадиий

ҳақиқатнинг ҳаёт мезонларига рост келиши шартлигига доир талаб мумтоз адабиёт учун ҳам қатъий қонун мақомидадир. Ижодкор мурожаат этган ифода усулидан қатъи назар, ўхшатиш ва ўхшатилмиш ўртасида мувозанат бадиий асарнинг таянч талаби бўлиб қолаверган. Шундай тартибга садоқат Бобур Мирзо мисраларида ҳам равshan кўзга ташланади. Ошиқ нигоҳида маъшуқа ноёб мўъжиза. Шундан она — табиатдаги энг олий ашё ва мавжу-дотлар унинг қиёси учун танланади. Маъшуқанинг митти-митти ва дид билан сафланган тишчалари - дур. Уммон тубида, садаф бағрида вояга етган дурнинг баҳоси биронбир замонда ҳам арzon бўлмаган ва унинг мисқоли юксак Кадрланган. Шунинг учун айни сафда туришда маъшуқа тишининг ҳадди сиғади. Маҳбуба лабининг маржонга муқояса қилиниши зоҳирان ғайри табиийдай туюлиши муқаррардир. Бироқ масалага таносуб санъати ва юқоридаги таъкидимиз талабидан қарасак, фикримиз ижобий томонга ўзгаради. Бобур ҳазратлари ташбех қўллашда зинхор маъшуқанинг ҳар қандай болни ҳам доғда қолдирадиган, юракка ўт ташлашга қодир лабини эмас, балки унинг устига ибодан ҳосил бўлган ва гул япроқчалари тепасида макон тутган шудринг томчиларини эслатувчи терни назарда тутмоқда. Чиндан-да ўша қуёш нурида йилт-йилт шуъла уйғотувчи томчилар маржон доналаридир. Маъшуқанинг ёноғи (хад) очилган гул косачасининг япроқчасига қиёсланган; хат — маъшуқанинг устки лабидаги майнин ва нафис тукчалар. Йўқ, улар райҳондай хушбўй ва унинг илдизчалари каби майниндир. Маржон ҳам анойи эмас, унинг доначалари ана ўшандай нафосат боғидан макон топади. Шоир ташбех қўллашда топқирлик кўрсатади ва маҳбубанинг сурату сийрати мутаносиб бадиий тасвирини чизишда туғма истеъдод соҳиби эканлигини намойиш қиласи. Кейинги мисрада талмех санъатига (илоҳий, афсонавий, тарихий, бадиий, халқона ҳодисаларга ишора) мурожаат этилади: маъшуқанинг юзи жаннатдаги ҳуру париларни уялтиради. Унинг сочи қора ва анбарни (анбар — қора, хушбўй модда: Хўтан охуларининг зўриқишидан киндигига томган қон томчиларидан ҳосил бўлади), унинг сўзлари олий навли шароб мисол жон озигидир. Бу ўринда шароб - зулмаънайн. Маъшуқанинг сўзлари маърифат майи каби ҳузурбахшдир. Менг — нафис, маъшуқа юзидан ўзига муносиб ўрнини топа олган, ярқ этиб назарга ташланадиган (мейнон) ва Хожа Хоғиздай илоҳий салоҳият соҳибини Машриқнинг икки довруқли шаҳрини (Самарқанду Бухорони) ҳадя қилишга ундан бир дона қора холдир. Шеърнинг кейинги икки сатрида биз айримларини тилга олганимиз фазилатлар яна бир карра таъкидланади. Равshan бўлаётирки, Бобур Мирзо сўз додини бериб, уни юксак мақомга кўтаришга маҳорат кўрсатган, оз ва соз шеърияти билан мумтоз адабиётимиз

хазинасига бебаҳо дурдоналар қўшган улуғ истеъдод соҳиби сифатида қадрлидир.

БОБУРНОМА»ДА МАДАНИЙ ҲАЁТ ТАЛҚИНИ

Захириддин Муҳаммад Бобур ўз даврининг катта билимдони сифатида асирида мавжуд бўлган барча билимларни пухта ўрганди ва ўзлаштирди. Ундаги ана шу донишмандлик заррама-зарра асарларига қўчиб борди. Хусусан, ўлмас «Бобурнома»га келиб муаллифдаги кенг қамровли билим заҳираси ўзининг бутун тажассумини топди. Натижада қомусий асар — «Бобурнома» вужудга келди. Ушбу жавоҳир хазинаси пайдо бўлган замонидаёқ ўзи ва муаллифига бекиёс шухрат келтирган эдики, бу анъана ҳозирга қадар давом этмоқда. «Бобурнома» ва унинг муаллифи бу шаъну шавкатга тўла сазовор. Чунки «Бобурнома» бадиий, тарихий, ёднома асар сифатида адабиётшунос ва тарихчи, тилшунос ва урфшунос, табииёт ва жуғрофия соҳаси, шунингдек, яна бир қатор мутахассисларга қимматли маълумотлар бера олувчи бебаҳо ганжинадир.

Шунинг учун ҳам бу асар турли даврларда яшаб, турфа тилларда сўзлашган шарқшунослар дикқатини жалб этди, дунё кенгликларида акс садо бериб келди. «Бобурнома» ўзбек адабиётшуносларининг ҳам дикқатини ўзига қаратган қимматли манбадир.

Гарчи «Бобурнома» XV аср иккинчи ярми ва XVI аср бошларидағи икки тилдаги адабиётни ўрганишнинг муҳим манбаи сифатида маҳсус тадқиқотга асос бўлмаган эрса-да, унинг бу фазилати профессор А. С. Семёнов, академиклар В. Й. Зоҳидов, Б. Н. Валихўжаев, шоир ва олим Мақсуд Шайхзода, таниқли адабиётшунос Н. М. Маллаевларнинг маҳсус рисола, мақола ва дарсликларида Кайд қилинган. Шунингдек, Биноий, Ҳилолий, Муҳаммад Солих, Амир Шайхим Суҳайлий ва яна бир қатор шоирлар ҳақида яратилган тадқиқотларда муайян мавзуларга бевосита боғлиқ равища «Бобурнома»га мурожаат қилинади, у ҳақда фикру мулоҳазалар ўртага ташланади¹. Кўринадики, гарчи «Бобурнома»нинг маданий ҳаётга доир қимматли маълумотларидан фойдаланилган бўлса-да, унинг XV асрнинг иккинчи ярми маданий ҳаётини ўрганишда нодир манба сифатида аҳамият касб этиши ўзининг яхлит умумлашмасини топган эмас. Шунинг учун биз ушбу саҳифаларда масаланинг шу томонини имкони борича муфассалроқ ёритишга ҳаракат қиласиз.

«Бобурнома» маданий ҳаётни ёритишга бағишиланган маҳсус асар эмас. Аммо у ўзида шу мавзуга доир маълумотларнинг сероблиги, келтирилган далилларнинг моҳияти ва илмий қиммати нуқтаи назаридан ғоят муҳим бўлиб, бевосита шу вазифани зиммасига олган тазкиралар билан бемалол рақобат қила олишга қодир асардир. Мазкур асар, энг аввало, ўз муаллифининг қамровли фаолияти ва ижодиёти ҳақида мукаммал тасаввур пайдо қила олиши билан қадрлидир. Асарда тарихий шахс — саркарда, давлат ва жамоат арбоби — Бобур Мирзо билан бир сафда етук олим, донишманд адабиётшунос, зукко танқидчи ва забардаст шоир қиёфасидаги Бобур Мирзо ҳам ҳаракат қилади, қадам ташлайди. Бобур Мирзода тажассумини топган бадииятга ихлос ва иштиёқ, баланд иқтидор ва шеърий салохият асарнинг умумий руҳига ўз таъсирини ўтказиб, муҳрини босган. Унинг мутолааси билан машғул бўлган китобхон саҳифалардаги ҳар бир лавҳа тасвирида буни ёрқин ҳис этади.

Фикримизча, асар таъсир кучини баланд кўтарган, унинг серзавқ ва ўқишилигини таъмин этган омиллардан бири ҳам ана шу фикрий теранлик, мислсиз ҳиссиёт, юксак шоирона шавқдир. Бобур Мирзо қонида жўшиб турган шеъриятга бўлган баланд меҳр уни, ҳатто, мағлубият ва руҳий тушқунлик чулғаган дамларда ҳам тарк этмайди. Аксинча, унга мадад ва далда беради, сўлғин кайфиятини кўтаради, умид ва ишонч сари бошлайди. Забардаст адибдаги мана шу икки қарама-қарши қутб талвасаси «Бобурнома»да ўчмас из қолдирган.

Асарнинг 1501-1502 йиллар воқеалари баёни қисмидан ўша тушқунлик, руҳий қийналиш азоб-изтироблари акс этган мана бу мўъжаз парчани олиб кўрайлик:

«Бизга Қурбон ийди Шоҳруҳияда бўлди. Бетакаллуф ўтуб, хон қошиға Тошкандга бордим. Бу рубоийни айтиб эдим. Маълум қофиясида тараддудим бор эди, ул маҳалда шеър мусталахотиға мунча татаббубъ қилмайдур эдим. Хон хуштаъб киши эди, шеър айтур эди, агарчи сару сомонлик ғазали камроқ эди, бу рубоийни хонга ўткариб, тараддудимни арз қилдим. Кўнгул тингудек шофий жавоб топмадим... Рубоий будур:

*Ёд этмас эмиши кишини меҳнатда киши,
Шод этмас эмиши қўнгулни гурбатда киши.
Кўнглум бу гарибликда шод ўлмади ҳеч,
Гурбатда севунмас эмиши, албатта, киши».*

Бобур Мирзонинг мана бу матлаъида ҳам шу руҳий ҳолат ҳукмрон:

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим*

Кўринадики ҳам Фаргона ва ҳам Самарқандни кўлдан чиқарган Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърий сеҳрга суянган, дил розини унга тўкиб солган ва шубилин ошуфта қалбига тасалли берган. Яна муҳими шундаки, Бобур Мирзога хос адабий одат далиллар, воқеалар, шахсларга холисона қарап хусусияти шу парчадан ҳам зохир бўлади. Гарчи Тошкент ҳокими унга арзигулик жавоб қилмаган бўлса-да, улуғ адиб унинг фазилати — назми табъи борлиги ва хушфеъллигини, шунингдек, нуқсони -тузуккина истеъоди бўла туриб, яхши асарлар яратса олмаганини рўйирост кўрсатиб ўтади. «Бобурнома»даги мана бу парчалар ҳам гоят муҳимдир. «Ул фурсатларда бирав, иккирар байт айтур эдим. Вале ғазал тугатмайдур эдим. Биргина турки рубоий айтиб йибордим. Рубоий:

*Ишлар бори кўнглунгдағидек бўлгусидур,
Иньому вазифа бори буйрулгусидур.
Ул галлау муҳмалки деб эрдинг, бердим,
Муҳмалга бўю галладин уй тўлгусидур.*

Мулло Биноий бу рубоийнинг сўнгги мисраси қофиясини радиф қилиб, ўзга қофия билан бир рубоий айтиб ўткарди:

*Мирзомки шоҳи баҳру бар бўлгусидур,
Оlamda ҳунар бирла сар бўлгусидур.
Бир муҳмал учун мунча иноят бўлди,
Мустаъмал агар десам, нелар бўлгусидур.*

Ул фурсатда Хожа Абулбарака Фироқий Шаҳри сабздан Самарқандга келиб эди. Дедимким, ўшул радиф ва қофияда айтмоқ керак эди. Бу рубоийни Хожа Абулбарака айтди. Рубоий:

*Бу жаврки қилди давр сурулгусидур,
Султони карам бу узрни қилгусидур.
Тўкулган агарчи тўлмас, эй соқий,
Тўкулғонимиз бу даврда тўлгусидур».*

Кўчирилган парча бир неча фикрни ўртага ташлаш имконини беради. Булардан биринчиси, юқорида таъкидланганидек, шеъриятнинг Бобур Мирзо

учун ошуфта кўнгилга тасалли бериш воситаси вазифасини ўтагани, айни чоқда, ижодкор тўлқинли руҳий оламининг асарга сингиб боришидир. Иккинчидан, кўздан кечирилган лавҳалар Бобур Мирзо ижодий такомил йўлини тиклашда, муаллиф асарларининг пайдо бўлиш тарихи, шу билан боғлиқ равища у ёки бу асар майдонга келган пайтдаги унинг шахсий кайфиятини (албатта, улуг шоир ҳамма шеърий асарларининг ҳам эмас) аниқлашда «Бобурнома»нинг зарурий манба эканлигини кўрсатади. Яна шу бир кичик манзаранинг ўзи Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижод аҳлига хайрихоҳлик билан қараганидан, уларга моддий ва маънавий мадад кўрсатиб турганидан далолат беради. Бобур Мирзо рубоийси ва унга Камолиддин Бинойнинг жавобия шеъри бунинг ёрқин далилидир. Камолиддин Бинойнинг бу рубоийси иккинчи бир жиҳатдан ҳам ғоят муҳим. Яъни, унинг ўзбек тилини яхшигина билганлиги ва баъзан бу тилда ҳам қалам тебратиб, ширингина шеърлар битиб турганлигидан нишонадир. Бобур Мирзонинг серташвиш ва машаққатли ҳаётидан яна бир лавҳа. Муаллиф ёзади: «Ушбу чашмадин юқори Масчо дохилидур. Куйи Палғарға тааллукдур. Ушбу чашма бошида, чашма ёқасидаги тошида қазиб, бу уч байтни сабт эттим:

*Шунидамки, Жамшеди фарруҳ сиришт,
Ба сарчаимае бар санге навишт.*

*Барин чаима чун мо басе дам заданд,
Бирафтанд то чаим барҳам заданд.*

*Гирифтем олам ба мардию зўр,
Валекин набурдем бо худ багўр.*

Ул Кўҳистонда бу расмдурким, тошқа қазиб абёт ва нималар битирлар»', Келтирилган иқтибос Бобур Мирзо ҳаётининг 1501- 502 йилларидан бир лавҳадир. Мовароуннаҳрга ҳужум бошлаган Шайбонийхон зарбасига қаршилик кўрсата олмаган Бобур Мирзо Даҳкатга ва ундан Оббурданга, у ердан эса Масчога ўтади. Эслатилган чашма Оббурдандан сал қуйироқда жойлашган экан. Аммо бу мисолни келтиришдан мурод булар эмас. Балки Бобур Мирzonинг ижодий фаолиятидаги муҳим бир нуқтани - адабий санъат маъносидаги зуллисонайнлик ва форс-тожик адабиётига бўлган эҳтиромининг ниҳоят баландлигини таъкидлашдир. Унинг ҳар бир жумласи олам-олам мазмун ташийди. Бу ўз-ўзидан қўлга келмайди, албатта. Бунда муаллиф заковати ва тил билишдаги донишмандлиги намоёндир. Бобур

Мирзо ўзидаги ана ўша илохий иноятни чуқур тушунган ва унга доимий амал қилган. Шу важдан дуч келган воқеани, қўлга тушган маълумотни «Бобурнома»га киритмайди, балки уларни танлайди, саралайди, зарур, янги ва ўқувчи учун фойдали бўлиши мумкин бўлганларини бу нодир китобига киритади.

Масчоликларнинг тошга битиш одати ана шундай нозик, муҳим ва шу жой ахли учун хос ҳодиса эдики, Бобур Мирзо уни илғаб олди, «Бобурнома»га киритди ва ўзи амал қилди. Бобур Мирзонинг бу жузъий ҳаракатида ширин бир орзу, умидбахш рамз яшириндай

туюлади ёки улуғ саркарда ва шоир тошдаги битиклар умри яшовчанлигининг ўз асарларига кўчишини пинҳоний орзу қилиб ўтган бўлса, ажаб эмас. Машақатларга тўла қисқа умри давомида бадиий ижод билан машғул бўлган, ўзбек ва форс-тожик тилларида баъзан ўйноқи шеърий асарлар бунёд этган, неча илмий-адабий рисолалар мерос қолдирган ва ниҳоят, «Бобурнома»дай юксак маънавий хазинани яратган Бобур Мирзонинг ўша эзгу истаги рост бўлиб чиқди. Унинг табаррук номи ва латиф сатрлари жонсиз ва совуқ тошдан ворисларининг қайноқ қалбига кўчди ва асрлар оша улар билан бирга яшаб, нафис бир завқ ҳадя этиб, синчков муҳлислари тилида акс садо бериб келаётир.

Юқорида кўриб ўтилган лавҳалар Бобур Мирзо ҳаётининг фожиаларга тўла даврларига тўғри келади. Иккикарра Самарқандни қўлдан чиқарган буюк саркардага Андижон тахти ҳам буормади. Аҳмад танбал хиёнат йўлини тутди ва Бобур Мирзони шаҳарга киритмади. Йигитлари тўрт томонга тарқалиб кетдилар. Аҳмад танбал таъқибини сусайтиrmади. Бу ҳам етмаганидек, унинг муборак боши учун катта бойлик ваъда қилди. Ана шу йўсин тақдир шамоли Бобур Мирзони Бадахшон кентларига улоқтирди.

Юсуф доруга каби йигитлари ҳам хиёнат йўлига ўтиб олдилар. Икки кундир, тахт соҳиби туз татиган эмас. Бундай ғариб ҳолатлар унга кучли таъсир кўрсатди ва ўз иборалари билан айтганда «ўзумни ўлумга қарор бердим» Бобур Мирзо танг вазият билан юзма-юз келди. Боз устига Юсуф доруга «яна бир мардак» билан бирга ўлжани олишга шошилмоқда.

Дунедан умидини узган Бобур Мирзо охират йўлини танлади. Мусулмонлиги ғолиб келди. Ариқда оқаётган сувдан таҳорат олиб, видолашув намозига чўкка тушди. Икки ракатлик намоз муножоти учун пешанасини ерга қўйган Бобур Мирзони лаҳзалик ғафлат уйқуси элитди. Туш кўради. Хожа Ахрорнинг ўғли Хожа Яҳёнинг фарзанди Хожа Яъқуб қашқа от минган бир даста йигитлар билан рўпарасида турибдилар. Айтдилар, буни сизга Хожа Ахрор юбордилар ва дедиларким «ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарифа келтурууб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз» Хушхабар кайфияти

билан бошини кўтарган Бобур Мирзо яна ўлим таҳликасига Дуч келди. Юсуф ўз шериги билан уни банди қилиш учун шошилмоқда эди. Тарвуз қўлтиқдан тушди, хаёл Ўз ҳолича қолди.

Йўқ, мўъжиза юз берди. Отлар дупури қулоққа чалинди. Бобур Мирзонинг 10—15 чоғлик садоқатли йигитлари уни излаб келган эдилар. Уларни ҳам унинг Карнон кентида ночор аҳволда эканлигидан тушларида Хожа Ахрор Валий хабардор қилганлар. Бугина эмас, улуғ Хожа унинг истиқболли келажаги хусусида ҳам башорат Қилган эканлар .

Айтилганлар афсона эмас, ростгўй Бобур Мирзонинг ўз иқори, муҳими, ўша лавҳалар ҳақ бўлиб чиқди ва ҳаёт қиёсида ўзини оқлади. Кўзига тик боқсан ўлимлардан халос топиб, янгидан дунёга «келган» Бобур Мирзо «токай бу Фарғона вилоятида саргардон бўлиб турмоқ керак, бир тарафға талаб қилойин» тарзида қатъий ҳукм чиқарди ва мулки Афғон томон йўл олди. Алқисса, ана шу тариқа, илоҳий иноят ила йўғрилган бу зот умр йўлида нақшбандия арбоби Хожа Ахрор зулмат бағрини чок этувчи машъала вазифасини ўтаган.

Юқорида кўздан кечирилган жуда кўп далиллар, манзаралардан аёнки, Захириддин Муҳаммад Бобур табиатидаги санъат ва адабиётга бўлган ғоят баланд муҳаббат, юракдан шаидолик фақатгина унинг шеърий асарлари доирасида қолиб кетмагаи, балки адив ва адабиётшуноснинг адабий-танқидий қарашларига ҳам кўчган. Муаллиф табиатидаги қўламли қарашлар ижод аҳли ва адабий муҳит манзараларини баҳолашда равshan кўринади.

Бобур Мирзо «Бобурнома»да ўнлаб қалам соҳиблари хусусида қимматли маълумотларга жой бериб, ғоят шарафли ва муҳим савоб ишни бажариб кетди. Унинг бу шарофатли иши, биринчидан, XV асрнинг иккинчи ярмидаги Хурросону Мовароуннаҳрнинг гавжум адабий муҳити ҳақида бой тасаввур берса, иккинчидан, Бобур Мирzonинг аruz назариясига доир чукур илмий, ранг-баранг маълумотларга бой «Мухтасар» асарининг туғилишига доя бўлгани шак шубҳа қолдирмайди. Буни «Мухтасар», «Рисолаи аруз»да келтирилган бадиий парчалар жуда кўпчилик қисмининг шу давр адабий муҳитига тааллуқли эканлиги, унда Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бадриддин Ҳилолий, Муҳаммад Солих, Амир Шайхим Суҳайлий, Мавлоно Осафий, Камолиддин Биноий, Биҳиштий, Ҳисомий, Сайфий Бухорий каби шоирлар шеърларининг мисол сифатида тез-тез келтирилиши ҳам кувватлайди¹. Бинобарин, «Бобурнома»да 'Захиридлин Муҳаммал Бобур. Бу бетларда нашрга ҳозирловчи томонидан исмлар кўрсаткичи тузилиб, уида шу шоирларнинг шеърлари жойлашган вараклар кўрсатилган.

Ҳирот адабий мактабида тарбия топган, унда балоғатга етиб, шухрат таратган табъ аҳлининг номи бот-бот кўзга ташланадики, бу ҳам Бобур

Мирзонинг ўша шаҳар маданий ҳаётига катта қизиқиши билан боққанлигини кўрсатади. Лекин айтилганлар билан биз Бобур Мирзо фақат XV асрнинг иккинчи ярми адабиети доирасида чекланиб қолди, демоқчи эмасмиз ва бундай бўлиши мумкин эмас эди.

Бобур Мирзо Шарқ адабиёти тарихи, хусусан, форс-тожик адабиёти билан жиддий шуғулланган, унинг ҳаётбахш чашмасидан баҳраманд бўлган ижодкор эди. Зотан, шу боисдан бу адабиётга камоли эҳтиром билан назар ташлайди. «Мухтасар»да Низомий Ганжавий, Шайх Муслиҳиддин Саъдий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Салмон Соважий, Амир Ҳусрав Дехлавий, Амир Шоҳий Сабза-ворий, Мир Атоулло Ҳусайнин сингари адабиёт арбоблари асарларидан келтирилган ажойиб шеърлар, байт ва рубоийлар ўша садоқатдан сўзлайди. Бу гапни Бобур Мирзонинг қадами теккан жойлардаги маданий ҳаётга муносабати ҳақида ҳам айтса бўлади. Лекин барибир, тарози палласида адабий далиллар жамғариладиган бўлса, XV аср иккинчи ярми адабиетига доир маълумотлар тош босадики, биз шуни таъкидламоқчимиз, холос.

Бизнинг ушбу хulosamizni «Бобурнома»да келтирилган мана бу жумлалар ҳам қувватлайди: «Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замон эди, аҳли фазл ва беназир элдин Ҳурсон, батахсис, Ҳири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолга тегургай» Кўздан кечирилган парчанинг яна бир фазилати шундаки, ўша жумлалар асар муаллифининг Султон Ҳусайн Бойқаро салтанати даврида Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар ҳомийси, саркори бўлган Ҳирот маданий муҳити ҳақида ўртага ташланадиган мулоҳазаларининг дебочаси вазифасини ўтайди. Бобур Мирзо ана шу якунловчи ҳукм, хulosанинг исботи учун давр маданий ҳаётидаги хилма-хил Далилларни келтириб, китобхонини қаноатлантиради.

Бобур Мирзо томонидан «Бобурнома»га киритилгай нодир маълумотлар фақат адабий ҳаётга тегишли бўлмай, балки кенг қирралидир. Ёхуд унда шоирлар билан бир қаторда таниқли хаттолар, мусиқа оламининг донишманлари, замона зукколари томонидан эътироф этилган мударрислар, наққошу мусаввирлар, тарих соҳасининг билимдонлари ва ҳоказолар ҳақида ҳам ихчам, аниқ ва одилона фикрлар ўртага ташланади.

Ўшалардан айримларини кўриб ўтайлик. «Бобурнома»да Мавлоно Шайх Ҳусайн, Муллазодаи Мулло Усмон, Мир Муртоз, Мир Жалолиддин каби олимлар номи зикр этилган. Бобур Мирзонинг ҳассослиги шундаки, улар ҳақида кичкина бир жумлада катта ҳақиқатни ифодалашга эришган. «Яна Мавлоно Шайх Ҳусайн эди... Ҳикамиёт ва ақлиёт ва калом илмини хўб билур» «Яна Мир Муртоз эди, Ҳикамиёт ва маъқулотни яхши билур эди,

анинг учун бу лақаб била мұлаққаб бўлубтурким, бисёр рўза тутар экандур» «Яна Мир Жамолиддин мұҳаддис эди. Ҳадис илмини Хурросонда онча билур киши йўқ эди, хейли муаммардур» Мұхими шундаки, Бобур Мирзо ҳар бир тарихий шахснинг ўзига хос хислатига, ажралиб турувчи фазилатига алоҳида эътибор билан қараган.

Муаллифнинг бундай услуби «Бобурнома»да зикр этилган юзлаб тарихий шахсларни бир-бири билан аралаштирмаслик чораси бўлиб хизмат килади. Иккинчидан, у ёки бу тарихий шахснинг ўзига хос белгисини таъкидлаш орқали ўша хунар эгасининг ўқувчи ёдида қолишини таъминлайди.

Яна содир бўлиши мумкин бўлган айрим чалкашликларни маълум даражада бартараф қилишга қўмак беради. Масалан, Бобур Мир Муртоздаги рўзага ўчликни қайд қилиш билан бирга, унинг шатранж шайдоси сифатидаги ҳаракатларини ҳам эслатишни унутмайди. Ҳусусан, Мир Муртознинг шатранж ўйнаб тургани ҳолда, иккинчи кишининг этагидан тутиб туриши билан боғлиқ бўлган лавҳа ўқувчи хотирасида узоқ сақланади. Бобур Мирзонинг тарихий шахслар ҳақидаги маълумотларини қўздан кесириар эканмиз, унинг иқтидорли, яхши хулқ ҳамда фазилатли инсонлар ҳақида катта завқ ва ҳаяжон билан гапирганининг шоҳиди бўламиз.

«Бобурнома»да муаллиф дикқатини ўзига жалб этган ва унинг самимий ҳурматига сазовор бўлганлардан яна бири Мулло Усмондир. Қомусий асар соҳиби бу билимдон мударрис ҳақида шундай фикр юритади: «Яна Муллазодаи Мулло Усмон эди. Кобул туманларидин Лаҳугар туманининг Чарх отлиқ кентидиндур. Улуғбек Мирзо замонида ўн тўрт ёшида дарс айтқон учун Мулло Модарзод дерлар экандурлар... Бисёр донишманд киши эди. Ул замонда онча донишманд киши йўқ эди!.. Дер эмиш, киши бир ниманиким эшитди, яна нечун унугур. Қавий ҳофизаси бор экандур» Кўринадики, Бобур Мирзо учун у ёки бу шахснинг қаерданлиги, насл-насаби, қайси миллатга мансублиги мухим эмас.

Улкан адебнинг айни масалада ўз тафаккурида шакллантирган талаблари мавжуд. Улар маънавиятга алоқадор. Аниқроғи, адеб дикқатини ўзига қаратган тарихий шахс нимага қодир, қайси фазилат ва хизматлари билан ўз соҳаси одамларидан устун туради каби саволларга дадил жавоб бўлувчи лавҳаларга таяниб муносабат билдиради. Зоро, шунинг учун ҳам Бобур Мирзо ва унинг ижодий йўлн ҳақида мулоҳаза юритган академик В.Й.Зоҳидов: «Бобур қатор ижтимоий масалаларни ёритишда бошқача, янги йўл тутди. Бобурнинг хизмати шундаки, у субъективизмга, ижтимоий

турмуш ҳамда тарихга юзаки ва бир тарафлама муносабатда бўлишга ҳаракат қилмайди, балки жамиятнинг шахсларнинг фаолиятларидағи асосий томон ва соҳаларни қамраб олишга интилади», — дейишга тўла ҳақли эди . Бобур Мирзо адабий урлуби учун хос бўлган бу хусусият мусиқа оламининг устозлари ва мусаннифларига муносабатда ҳам ёрқин намоён бўлади. Захириддин Мұхаммад Бобур мусиқа соҳасининг мутахассисларига бир хил муомалада бўлмайди, аксинча, уларни гурухлаштиради, яъни мусиқа амалиётида чалишда ҳунар кўрсатгандар ва назариётчиларга шу соҳа қонун-Қоидалари, тарихи, мақомлар, уларнинг ўзига хослиги, бир-биридан фарқи каби турли-туман масалаларни илмий таҳлил этиб, умумлашма хulosаларга келувчиларга ажратади. Ана шундай уриниш Бобур Мирзонинг масалага юзаки эмас, балки жиддий қараганлигини кўрсатиши билан бирга, шу соҳага доир чукур билим ва тасаввурга эга эканлигини намойиш қиласди. Ўртага ташланган дъзвомиз қуруқ бўлмасин учун айрим мисолларни олиб кўрайлик: «Аҳли нағмадин қонунни .Хожа Абдулла Марворийча киши чолмас эди, нечунким мазкур бўлди» «Яна Қулмуҳаммад Удий эди, ғижжакни ҳам хўб чолур эди. Ғижжакка бу уч қил тақти. Аҳли нағмадин ва ахли создин ҳеч ким мунча кўп ва хўб пешрав боғлаган эмастур» «Яна шайх Нойи эди. Удни ва ғижжакни ҳам хўб чолур экандур. Ўн икки ўн уч ёшидан бери найни хўб чолур экандур» «Яна Шоҳқулий ғижжакий эди. Ироқийдур... Хили нақш ва пешрав ва ишлар боғлабтур”Мусиқий устозлари ҳақидаги маълумотларда ҳам Бобур Мирзонинг ўз йўли, айрича табиати сезилиб турибди. Чунки бу ерда ҳам Бобур Мирзоadolat байроби остида ҳаракат қиласди. Сохталика, кўзбўямачиликка йўл қўймагани ҳолда, мавжуд далил ва ҳолатларни таҳлил этади, шу асосда тегишли хulosаларга келади. Аммо санъат бобидаги сохталиқ, санъаткорнинг ўз шаънига мос тушмайдиган қиликлар билан шуғулланиши Бобур Мирзона ранжитади ва бундай ҳаракатлар унинг чексиз ғазабини кўзгайди.

Ана ўшандай санъаткорларни у танқид қиласди. Жумладан, мусиқанавозлардан Ҳасан Удийдаги салоҳият Бобур Мирзога маъқул. Бироқ бу созанданинг ножӯя феъли Бобурнинг танқидига учрайди, Бобур Мирзо у ҳақида ёзади: «Яна Ҳусайн Удий эди. Удни мазалик чалиб, мазалик нималар айтур эди. Уднинг торларини якка қилиб, бу чалибтур. Айби бу эдики, бисёр ноз била чалур эди. Шайбонинхон бир навбат соз буюрур, такаллуф қилиб ҳам ёмон чолур, ҳам ўз созини келтурмай, ярамас соз келтуур.

Шайбонийхон фаҳмлар. Буюрурким, сухбатда ўқ ғалаба гарданиға урурлар. Шайбоний-хоннинг оламда бир яхши ишиким бор, будур, филвоқиъ хўб бордур. Ушмундоқ нозук мардакларга мундин кўпроқ сазо керак» «Бобурнома»да бир қатор мусиқа назариётчилари ҳақида ҳам самимий

мулоҳазалар ўртага ташланади. «Яна мусаннифлардан Ғулом Шоди эди... Яхши савтлари ва хўб нақшлари бор. Ул замонда онча нақш ва савт боғлар киши йўқ эди». «Яна Мир Азу эди... Мусанниф эди, агарчи оз иш боғлабтур, vale мазалик ишлари бор» «Яна беназир элдин бир Паҳлавон Муҳаммад Бусайд эди. Куштигирликда худ саромад эди. Шеър ҳам айтур эди. Савт ва нақшлар боғлар эди. «Чоргоҳ»да бир яхши нақши бор, хушсухбат киши эди. Куштигирлик била мунча хайсиятни жамъ қилмок ғаробати бор» Мусика мусаннифларига Бобур Мирзо томонидан ажратилган жой ҳажм нуқтаи назаридан катта эмас. Аммо мазмуни ва қамраб олган қирралари жиҳатидан ғоят салмоқлидир. Бошқача қилиб айтганда, ўша ихчам жумлаларда у ёки бу санъаткорнинг умри давомидаги фаолияти баҳоси берилган. Масалан, шундай гапни Паҳлавон Муҳаммадга берилган маълумот ҳақида бемалол айтиш мумкин. Чунки унча катта бўлмаган, жумладан, унинг мусиқа бобидаги салоҳияти ва ўзига хослик, шу соҳада эришган ютуғи ва қўшган янгилиги, инсон сифатидаги хулқ-атвори ва ҳоказолар жуда лўнда, аниқ, тушунарли баён этилган. Умуман, асар давомида Бобур Мирзонинг шундай баён йўлини танлаганлиги ғоят мароқлидир.

«Бобурнома» саҳифаларидан XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда шаклланган мусаввирлик мактаби арбобларига доир маълумотлар ҳам жой олган. Муаллиф рассом ва хаттотлар хусусида кўп тўхталмайди. Аммо шу соҳа устозлари номйни тилга олиш ва улар ҳақида айрим қайдларни баён қилиш билан Бобур Мирзо санъатнинг бу турига ҳам хайриҳоҳ эканлигини маълум қиласи. Айтиш лозимки, ўша саҳифаларда ҳам муаллиф ўз нуқтаи назарини ўзгартирмайди, аксинча, ривожлантирадики факат маълумот бериш билан қаноатланмай, балки бошқа соҳаларда бўлгани каби, ҳаққоният ва натижага Караб баҳо бериш тамойилига амал қиласи. «Мусаввирлардан Беҳзод эди, — деб ёзади Бобур Мирзо, — мусаввирлик ишини бисёр нозук қилди. Вале соқолсиз элнинг чехрасини ёмон очмайдур. Габғабини кўп улуг тортадур. Соқоллик кишини яхши чехрали, күшойлик қиласи» «Яна Шоҳ Музaffer эди, тасвири кўп нозук қилур эди. Ташъирни худ ғузаро нозук қилур эди. Хейли умр топмади...» «Хушнавислардан агарчи хейли киши бор эди, vale борининг саромади настаълиқда Султон Али Машҳадий эди. Мирзо учун, Алишербек учун қалин китобатлар қиласи. ҳар кунда ўттуз байт Мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун битирди» «Бобурнома» парчаларида кўзга ташланадиган яна бир фазилат шундаки, муаллиф ноаниқликни маъқулламагани ҳолда, аниқ, ўйланган, ўлчанганд мушоҳада юритиш йўлидан боради. Ана шу даъвонинг исботи Султон Али Машҳадийга берилган маълумотда мужассам ёки Бобур Мирзо ўқувчиларини Султон Али

Машҳадийнинг кунлик зарурий машғулотидан хабардор қиласи. Ихчам парчаларда диққатни тортадиган бундай ўринлар яна анчагина. Аммо урғу бермасдан ўтишнинг иложи йўқ нуқталар ҳам кам эмас. Асар соҳиби Камолиддин Беҳзод ҳунарини унинг чизмалари каби нозик қадрлай олган. Кичик бир жумлада мусаввир санъатининг икки қирраси ютуғи ва нуқсони ўз ифодасини топади. Султон Али Машҳадийга доир мулоҳадаларда ҳам шундай назокат ва аниқлик кузатилади. Бобур Мирзодаги майин нигоҳ, ҳар бир ишорани ўз ўрнида қўллай олиш маҳорати ҳавас қилишга сазовор. Асарнинг бундай саҳифалари бу бебаҳо маънавий хазина қимматини янада оширади.

БАРЧАСИ «СУСТ ВА ФУРУД.МИ?

«Бобурнома»да маданий ҳаёт талқини устида гап кетар экан, унда етакчи қайдларни адабиёт аҳлига доир мулоҳазалар ташкил этишини зўр қониқиши билан таъкидлаш жоиздир. «Бобурнома»нинг бу соҳадаги маълумотларини, энг аввало, икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчисини турли ижтимоий табакалардан чиқсан ва шу соҳанинг фидойилари сифатида танилган ижодкорлар борасидаги гаплар ташкил этади. Иккинчи гуруҳга - аркони давлат вакилларидан табъи назми бўлганлар киради. Бобур Мирзонинг ижодкорлар ҳақидаги маълумотлари тарихийлик нуқтаи назаридан ҳаққоний ва ишончли бўлганлиги билан айрича эътиборга лойиқ. Тўғри, унинг бу фикрлари баъзан бир ёқламаликдан, шахсий майл аралашувидан ҳам холи эмас. Улкан адаб қарашларидаги бундай жузъий нуқсонлар ўз вақтида ўзбек адабиётшунослигида пайдо бўлган ишларда қайд қилинган ва муносиб баҳо берилган эди¹. Лекин Бобурнинг дунёқарашида чегараланган ақидалар эмас, балки мавжуд турмушга, ҳаётга ва унинг гўзаллигига, инсон ва унинг фазилатларига қизиқиши, уларни қўллаш асосий ўринни эгаллар эди. Унинг кенг қўламли шеърияти ҳам, «Бобурнома»си ҳам ва шуларда ифода этилган адабий-танқидий мулоҳазалари ҳам шундай дунёқарашга асосланади. Шунинг учун Бобур Мирзонинг адабий-танқидий қарашлари бугунги адабиётшунослик талабларига тўла мос келади ва XV-XVI асрлар адабиётини ўрганишда етакчи ишончли манба вазифасини ўтайди. Бобур Мирзонинг Султон Ҳусайн Бойқаро салтанати давридаги шуаро хусусидаги маълумотлари Алишер Навоийнинг табаррук номи билан ибтидо топади. «Бобурнома» муаллифи Алишер Навоий ҳақида нисбатан муфассалроқ тўхталган ва айтиш мумкинки, улуғ ўзбек шоирининг ҳаёт

йўли, ижодиёти бобидаги асосий нуқталарни қамраб олишга эришган. Жумладан, Алишер Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқарога тегишлилиги, Хуросон давлати тизимида тутган мавқеи, табиати, санъат аҳлига ғамхўрлиги, оилавий ҳаёти ва вафоти сингари масалалар унинг ёзувларида аксини топади. Бобур Мирзо ёзади: «Яна Алишербек Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичиклигига ҳаммактаб экандурлар... Самарқандға борди... Алишербекнинг мизожи нозуклук била машҳурдур. Эл назокатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук мижоз экандур... Ахли фазл ва ахли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай... Ўғул ва қиз ва аҳлу аёл йўқ, оламни тавре фард ва жарида ўткарди... Мирзо (Султон Ҳусайн Бойқаро - P. B.) билан кўрушуб қўпқунча, бир ҳолати бўлди, қўполмади, кўтариб элтдилар. Бир байти ҳасби ҳол воқиъ бўлубтур.

*Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балога не чора қилғойлар»*

Биз бу ерда Бобур Мирзо берган маълумотларнинг Алишер Навоий шахсияти ва ижтимоий фаолиятига таалкуқли ўринларини кўчирдик. Айтиш керакки, Бобур Мирзонинг бу мушоҳадалари ихчам хulosалар бўлиб, уларга буюк шоирнинг юзлаб олижаноб ишлари асос бўлган. Бобур Мирзо Алишер Навоийнинг кичик замондоши сифатида ўша хайрли ишларнинг аксариятини эшитган, Ҳиротда унинг уйида яшаган пайтида кўрган ва юқоридаги хulosаларга келган. Шу парчада Бобур Мирзонинг зукколигини тасдиқ этувчи кичкина бир лавҳа диққатни ўзига тортади. У ҳам бўлса, Алишер Навоий табиатидаги нозик мизожлилик билан боғлиқдир. Гарчи Алишер Навоий ҳакида маълумот берувчи манбаларнинг аксарияти масаланинг бу томонига ишора қилсаларда, Бобур Мирзочалик равshan ва чукур тавсиф бермайдилар.

Бобур Мирzonинг донишмандлиги шундаки, Алишер Навоий табиати, феълу атворидаги ўша жиҳатни қайд этади, эл орасида юрган гапларга ҳам ишора қиласи, уларнинг барчасини тўплаб, ақл ва адолат мезонидан ўтказгач, қатъий ҳукмини ўртага ташлайди. Ўзининг ўртага ташлаган лўнда мушоҳадаси тасдиғи учун Бобур Мирзо Алишер Навоий фаолиятининг Ҳирот даврига эмас, балки унинг Самарқанддаги йилларига ишора қиласи. Зотан, мантиқ ва одиллик ҳам шуни тақозо этарди.

Алишер Навоий Самарқандда оддийгина толиби илм бўлган чоғларида, ҳатто, ўз тирикчилигини зўрға тебратган бўлса-да, табиатида ўша нозиклик мавжуд эди. Модомики шундай экан, бу ҳолат на мансаб ва на бойлик, молу дунё билан боғлиқ, балки унинг қони ва жонига она сути билан сингган хусусиятдир.

Бобур Мирзо Алишер Навоий ижоди ҳақида батафсил маълумотлар келтирар экан, фақат рўйхатни бериш билан кифояланмай, уларга ўз муносабати, нуқтаи назарини ҳам билдиришга ҳаракат қиласи. «Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас... Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлғонларға боқа пастроқ ва сустроқ воқиъ бўлубтур. Ул жумладин иншоларини Мавлоно Абдураҳмон Жомийга тақлид қилиб жамъ қилибтур»

Биз бу ўринда атайлаб Бобур Мирзонинг танқидий фикрларини қўчирдик. Бобур Мирзо Алишер Навоийнинг «Хамса», «Хазойин ул-маоний» ва «Лисон ут-тайр» асарларини эътироф этади ҳамда уларнинг катта маҳорат меваси эканлигини тан олади. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», «Хамсат ул-мутаҳайирин», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мажолис ун-нафоис» каби бир қатор асарлари Захириддин Муҳаммад Бобурга «пастроқ» ва «сустроқ» бўлиб кўринади.

Назаримизда, масаланинг бу томонига қўшилиш қийин. Алишер Навоий қалами остидан чиққан барча асарларни бадиий маҳорати ва ғоявий йўналиши жихатидан бир хил мезонда ўлчаш ва тенг қўйиш даъвосини мустасно қилгани ҳолда, кейинги асарларнинг камситилишига ҳам норозимиз. Шу ўринда яна бир нозик жихатни ҳам ҳисобга олишга тўғри келади.

Алишер Навоий яратиб қолдирган маънавий мерос чинакамига катта хазина. Ундаги дуру жавоҳирлар микдори ва қимматини аниқлаш бир кишининг қўлидан келадиган иш эмаслиги ўз-ўзидан аёндир. Шу маънода Бобур Мирзо маълумотларига танқидий қарашибур. Бобур Мирзо битта шахс бўлгани учун ҳам у Алишер Навоийнинг барча асарларини таҳлил қилиш ва холисона баҳолашга қодир эмаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Бу ишнинг мураккаблигини бугунги навоийшунослик тажрибаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирга қадар Алишер Навоий адабий меросини тадқик қилишга бағишлиланган ўнлаб докторлик ва юзлаб номзодлик тадқиқотларининг ёзилгани, ўнлаб илмий тўпламлар, элликлаб турли ҳажмдаги китобларнинг босилиб чиққанлигига қарамай, ҳали ҳам буюк мутафаккир ижодиётида етарли ўрганилмаган, тадқиқотчисини кутаётган соҳалар жуда кўп.

Масаланинг бу жиҳати Бобур Мирзо олдида турган мушкулотни ҳисобга олиб, уни тўғри тушуниш зарурлигини кўрсатади. Яна Алишер Навоийнинг ўз мактубларини йиғиштириб, тўплам («Муншаот») тузганлиги Бобур Мирзога Абдураҳмон Жомийга тақлиддай туюлади. Адабий жараёнда, даҳо санъаткорлар фаолиятида кўзга ташланадиган яхши, ижобий анъаналарни ўрганиб, давом эттириш шарафли иш. Бобур Мирзо ҳам тақлидни, эҳтимол, салбий маънода кўлламаган бўлиши мумкин.

Бобур Мирзо Алишер Навоийнинг адабий фаолияти хусусидаги гапларини давом эттирас экан, унинг «Мезон ул-авзон»и ҳақида ёзади: «Яна «Мезон ул-авзон» отлиқ аруз битибдур, бисёр мадхулдур. Йигирма тўрт рубой вазнида тўрт вазнда ғалат қилибтур. Баъзи баҳурнинг авзонида ҳам янгилибдур, арузға мутаважжих бўлғон кишига маълум бўлғусидур» . Бобур Мирзо «Бобурнома»да «Мезон ул-авзон»даги нуқсонларни қайд қилгани ҳолда, «Мухтасар» - «Рисолаи аруз» асарида бу ҳақда хеч нарса демайди. И. Ҳаққуловнинг рубой тадқиқига бағишлиган маҳсус тадқиқотида зса негадир бу эътиrozга эътибор қилинмайди¹.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мухтасар» асари устида маҳсус илмий кузатиш олиб борган ва уни нашрга тайёрлаган Саидбек Ҳасан «Бобурнома»даги маълумотларга қайтиб, у ҳақда ўз фикрини баён этади. «Фикримизча, — дейди Саидбек Ҳасан, Мухтасар»га ёзган сўзбошисида, — Бобур «Мезон ул-авzon»нинг хаттот томонидан янглиш қўчирилган нусхасидан фойдаланиб, кейинчалик эса мазкур рубой вазнларида нуқсонлар йўқлигини аниқлагач, бу ҳақда гапиришни лозим топмаган бўлиши керак» Саидбек Ҳасаннинг бу фикрига қўшилса бўлади. Чунки шундай ҳолат юз бермаганида, Бобур Мирзо бу масалага қайтган ва ё ишора қилган бўлур эди. Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур муносабатлари ҳақидаги баҳсимизни яна бир эътиrozли парчани келтириш билан якунлаймиз. «Бобурнома» соҳиби Алишер Навоийнинг зуллисонайн ижодкор эканлигини инобатга олиб, унинг форс-тожик тилидаги мероси ҳақида ёзади: «Форсий девон ҳам тартиб қилибтур. Форсий назмда «Фоний» тахаллус қилибтур, баъзи абёти ёмон эмастур, vale аксари суст ва фурудтур». Захириддин Бобурнинг бу фикрларига муносабат билдиришдан аввал шу масалага тааллуқли айрим парчаларни кўздан кечирайлик. Алишер Навоийнинг ўзи «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ёзади: «Яна форсий ғазалиёт девони Хожа Ҳофиз тавридаким, жамиъ сухан адолар ва назм пийролар назарида мустаҳсан ва матбуъдур тартиб берибменким, олти мингдин абёти адади қўпракдур...»² Форс-тожик адабиётининг тенги йўқ санъаткори Абдураҳмон Жомий Алишер Навоийнинг «Тухфат ул-афкор»

қасидасини мутолаа қилар экан, ундан олган завқ ва таассуротини назмга кўчиради. Мана ўша сатрлар:

*Чу ҳарфер чанд хондам з-он қасида,
Дили хассонаш андар қайд дидам
. Дар он асно чу шуд чаши басират,
Кушода чумла дилҳо сайд дидам¹.*

Форс-тожик адабиётининг зукко донишманди академик А. М. Мирзоев Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги мероси билан узоқ Йиллар шуғулланди ва қимматли хulosаларга келди. «Шу тариқа, - дейди А. М. Мирзоев «Навоий ва Ҳофиз» номли илмий мақоласида, — Алишер Навоий факат адабиётнинг буюк бир намояндаси — адабиёт ва санъат аҳлининг ҳомийси ҳамда XV асрнинг иккинчи ярмидаги Мовароуннаҳр, Ҳурросон ва Эрон халқларининг илм-адабиёт, санъат тараққиётининг қуд ратли асосчиси бўлибгина қолмай, балки Абдураҳмон! Жомийдан кейин, XV аср форс-тожик ғазадчилигининг энг буюк вакилларидан бири сифатида бизнинг адабиётимиз тарихидан ҳам муносиб ўрин олади»².

*У қасидадан бир неча жойини ўқиб,
Хослар дилини унга боғланган кўрдим.
Шу аснода ҳушёрлик кўзи очилиб,
Ҳамма дилларни овланган кўрдим*

Иккинчи мисранинг таржимаси ноқисдай кўринади. Фикри мизча, Абдураҳмон Жомий талмех санъатига мурожаат қилга ва мисрада қасидачилик додини берган араб шоири Ҳассон иб Собитга ишора қилаётир. Мутаржим уни «хослар» тарзида берат? Абдураҳмон Жомий сатрида эса ҳайрат кучли. Форс тили битилган қасидадан юксак завқ олган улуғ аллома ва пири ком сафдоши ҳамда муриди мисраларидан мутаассир бир ҳолат. «Ҳассон дили тепишини туйдим», — дея муболаға ружу қиласи.

Алишер Навоийнинг фахрия руҳида ёзилган ўз қайдлари Нуриддин Абдураҳмон Жомий ва академик А. М. Мирзоевлар баҳоси билан мутаносибdir. Шундай бўлишига қарамай, Захириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги айрим асарларининггина ёмон эмаслигини таъкидлаб, уларнинг асосий қисмини бўш бадиий яратмалар сифатида танқид қиласи. Алишер Навоийнинг ўзи олти минг (ўн икки минг мисрадан кўпроқ) байтдан зиёдроқ форс-тожик тилидаги шеърларининг замон донишмандларига манзур бўлиб, улар таҳсинига сазоворлигини қайд

этади. Унинг «Тухфат ул-афкор» фалсафий қасидаси буюк Жомийнинг юксак баҳосини олганлиги, ҳатто, рамзий совғалар (бўрк ва рўмол) билан тақдирлангани маълум. Абдураҳмон Жомий қалб дафтарида Алишер Навоий меросига доир бундай самимий гапларни кўплаб учратиш мумкин.

А. М. Мирзоев Алишер Навоийнинг ўша тилдаги меросига суяниб, уни XV аср адабиётининг Абдураҳмон Жомийдан кейинги буюк сиймоси тарзида қадрлайди. Фикримизча, «аксарият асарлари суст ва фуруд» бўлса, Алишер Навоий бу қадар тақдирга сазовор бўлмаган бўлур эди.

Яна айтилган мулоҳазаларимиз далили учун улуғ ўзбек шоирининг форс тилидаги ғазалларидан бирини назардан ўтказиш фойдадан холи бўлмайди. «Девони Фоний» Тошкент нашри биринчи китоби (Асарлар, 15 жилдлик, 5-жилд) бошланишида шундай ғазал жойлаштирилган. У улуғ шоирнинг «мухтараъ» (ихтиро) ғазаллари сирасига киради. Тўққиз байтдан таркиб топган анъанавий (тузилиши ва зоҳирий-шаклий белгиларига кўра) ғазал айрича фазилатларга эга эмас, балки асрлар давомида шаклланган андозалар заминида вужудга келган. Аммо ғоявий йўналиши, бадиияти нуқтаи назаридан Алишер Навоийнинг энг сара туркий ғазаллари қаторида туришга сазовор. Унда «суст ва фурудлик» аломатлари сезилмайди. «Юз эшитишдан бир кўриш афзал», — дейди туркийда сўзлашувчи биродарларимиз

“Шунидан кай бувад монанди дидан», - дейдилар форсигўйлар. Уша ҳикматларга амал қилиб, ғазал матнини келтирамиз:

*Гули рўят, ки зоҳир гашта ранги ёсамин ўро,
Чи бошад к-аз ман гулранг созӣ оташин ўро.
Намедонам зи май шуд сурҳ чаими кофират ёхуд
Либоси ол пўшондй ба катли аҳли дин ўро.
Маро ҳам гунчай дил бишкуфад чун он даҳан ҳаргаҳ
Зи хай шабнам чу биншинад ба гулзори жасабин ўро.
Чу акси суратат дар бода зоҳир гашт натвонад,
Ба-дин сон обу ранге сохтан наққоши Чин ўро.
Ба мукнат чун Сулаймон аст пири майфўрўши, инак*

*Зи ҳар хум оламе дигар шуда, зери нигин ўро.
Чу авчи рифъаташ аз осмон бигзашиб, аз он маъни
Гадо гаштанд шоҳони ҳама рӯи замин ўро.
Баҳористони гетиро гуле эмин кучо ёбӣ,
Ки набвад сарсари боди ҳазон андар камин ўро.
Аз он дур афтад аз вай, к-аз барои чораи васлаши
Макон таъин намояд зоҳиди хилватнишин ўро.
Даромад дар ҳароботи фано, эй дил, дигар Фонӣ,
Зи аҳли тавбаву тақво нағӯи баъд аз ин ўро.*

Расмана ғазал ўз матлаига эга. «Ўро» («унинг») радиф бўлиб «ёсамин», «оташин», «дин», «жабин», «Чин», «нигин», «замин», «камин», «хилватнишин», «аз ин» сўз ва жуғрофий атамалари оҳангдошликни (қофиядош сўзларни) тайин этган. Яна аниқроқ айтилса, одатий ғазаллар сингари матлаъ ўзаро қофияланиб, ундан кейинги тоқ мисралар очик ва жуфт қаторлар матлаъга оҳангдош (а—а—б—а—в—а—г—а ва ҳоказо) бўлиб келган. Ғазал ўз мақтаига эга. Хотимада анъанага биноан шоир тахаллуси жойлаштирилади. Бутун ғазал бағрига мусулмон олами шеърияти учун хос бўлган таомилдаги назмий аслаҳалар сочилган. Айримларигина айтилган жиҳатлар фактат кўчирганимиз ғазалга тегишли эмас. Улар бугунги кун ғазалиётида ҳам кўзга ташланади. Алишер Навоийга қадар ва унга ҳам хизмат қилган ғазалчиликнинг «хукмрон» андозалари ҳамон яшаётир. Тўла матни кўчирилган ғазал мавзу нуқтай назаридан ошиқона. Бугунги урфга кўра, сўраш мумкин: унда қандай ишқ ва кимнинг ишқи ҳақида гап боради? Дарҳол жавоб айтишнинг қийинлигидан ташқари, аниқ ва рад этиш душвор фикрни баён этиш ҳам тўғри бўлмас. Бунинг гувоҳлари эса аён. Тўлғоқ қийноқларидан жони ҳалқумига келган онани биринчи галда ким туғи-лиши (ўғилми, қизми?) эмас, тезроқ ва эсон-омон қутулиш, фарзанд тўрт мучасининг бутлиги қизиқтиради. Ҳақиқий шеър ҳам менинг тасаввуримда ёзилмайди, балки ўзига муносиб изтироблари билан туғилади. Ёниқ юракнинг дардли нидоси тарзида дунё юзини кўради. Ўшандай шеърлар шўх жилғанинг югурик оқими мисол қуилиб келади. Самовий иноят мұяссар бўлган, дили билан тили бир, ростни ҳам, ёлғонни ҳам дадил айта оладиган, кўли ҳаромга майл кўрсатмайдиган инсонларгагина бундай умрбоқий шеърлар насиб қилади. Бундай мисралар салмоғини ярашиқли тошу тарозуда тортувчи ҳакам белгилайди. Шундан бўлса керак, ундей мисраларда ички эҳтирос, оҳанг, ногаҳоний мушоҳадалар событ туради. Алишер Навоийнинг сехрли қалами тухфа қилган асарлар ана шундай бетакрор жараённинг маънавий неъматларидир. Бас, мен унинг мисраларида

илохий ишқни кўраман. Инсон тақдирининг ана ўша марҳаматдан холи соҳилларини топиб бўлмайди. Тўғри, биз баъзан ўша жараёнларни турлича атаемиз. Аммо тўқнашув нуқтаси эса ягона. Ёхуд покликка асосланувчи, инсоннинг вужуд-вужудини ўраб олган ишқ ҳақида гап кетар экан, ундан муҳаббатни тасниф қилишга зарурат қолмайди. Чунки ўша фазилатга чулғанган маъшуқ «сидку ёнишлари, покиза муҳрбати»нинг ўзи илохий мўъжиза бўлиб, «илохий ишқ — ҳақиқий ишқ» мақомидадир (Фаридуддин Аттор. Илохийнома, ТАйтилганлар матни кўчирилган ғазалга ҳам тегишли. Бири иккинчисини инкор этмайдиган ишқ талқини мисралар бағрига ҳарорат, шавқ олиб киради. Матлаъдаёқ шиддат, воқеа ва ҳолатларни зидлаштириш санъати — тазод яққол кўзга ташланади. Оҳангдошликни таъмин этган «ёсамин», «оташин» сўзлари табиатидан ўшандан қарамақаршилик нафаси таралади. Мисраларда гўё гул ҳақида гап кетади. Аслида, гул маҳбубанинг сифатловчиси. Гул гул ҳажрида ёсаминг ўхшаб қолган. Яъни ранги заъфарон. Яшариш, яшнашдан кўра хазон, сўлиш майли баландроқ. Аммо ҳали умид учқунлари сўниб битмаган. Гул — маъшуқ жисмига ҳарорат олиб киришнинг иложи бор. Гулранг — қизил май унинг учун «оби ҳаёт» вазифасини ўттай олади. Шундай қилинганда, майгун лаблардан шароб (бўса) ҳадя этилганда, ёсамин рангли чехранинг «оташин» (шуъла рангли, қизил) қиёфага кириши ҳеч гап эмас.

Шу ўринда ҳаётий бир манзарага ишора борлигини ҳам айтиш жоиз. Майдан сархуш одамнинг жисмида ҳарорат кўтарилади ва бу ўзгариш унинг чехрасида ўз аксини топади. Юзлар қизариб, ёноклар ял-ял товланади. Ёсаминни «оташин»га айлантирувчи омиллардан бири ана шудир. Айни ишора ғазал мисралари аро таносубни вужудга келтириш хизматини ҳам ўтайди. Матлаъда бошланган қизиллик ҳақидаги ишоралар кейинги байтларда ривожлантирилади. Ҳодиса ва воқеаларни ёнма-ён қўйиш санъати анча фаоллашади. Майдан қизариш ва ишқ изтиробларидан жисмида туғён кучли ошиқнинг руҳий кўринишлари юзлаштирилади. Мисралар зеби ва бўёғини қуюқлаштиришда тажохули орифин — билиб билмасликка олиш санъати қўмакка келади. Шеър қаҳрамони хаёлан маъшуқа билан сухбат куради. Унинг жоду кўзлари (кофир кўзлар) қизиллиги сабабларини ўсмокчилаб сўрайди: кўзларинг май ҳароратидан бу қадар қизардиларми? Ёхуд ошиқлар жони қасдини ўйлаб, уларга гулгун (ол) либос кийдирдингми? Аслида атрофда кечаётган воқеалар ошиқ учун у қадар нотаниш ҳам эмас.

Улуғ шоир маҳоратининг яна бир қиррасини таъкидлаш лозим. Мисралар узра ҳаёт ва бадиий ҳақиқат мувозанати тенг тутилади. Ранг, ҳолат, таъкидлар ўртасида қилча ҳам зидлик аломатлари кўзга ташланмайди. Буни

иккинчи байтдаги қизил либос, қон талашган кўзлар, лолагун шароб, қатл жараёнида оқадиган қон мисолида янада равшанроқ кўра оламиз. Тўртинчи мисрадаги «аҳли дин» ибораси муаллақ тургандай туюлади. Иккинчидан, унинг дахрийлик билан алоқаси йўқ. Ҳар икки ҳолат ҳам мисра табиати учун тасодифий эмас. «Дахрийлик» эса ўта нисбий тушунчадир. Ишқ, жазава қилган жойда бошқариш жилови ақл қўлидан чиқади. Мутасаввифлар таъбирича, ишқ ва ақл бир ўзанга сиғмайди. Ишқ эса ўз пўртанаси билан гўзал. У бошқарилса, охорини йўқотади.

Юқорида таъкид этганимиз сингари ҳақиқий ишқ -илоҳий иноят. Унинг зийнати покликдир. Диннинг ҳам Оллоҳ ва покликдан ўзга илинжи бўлмайди. Равshan, зохирдаги зиддият теран мушоҳададан ўтказилиши ваҳар иккала ҳолат замиридаги яқранглик пишиқ илғаниши лозим. Бундай ўринларда том маънодаги динга қаршилик хусусида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Улуғ шоир шуурининг ана шундай ўта нозик ва гирдобли туйғулар исканжасида бўлишидан қатъи назар, ғазалнинг қурилиши билан алоқадор нуқталарга қатъий амал қилинади. Матлаъдан тараладиган ишқ нури мисралар узра мазмун занжирини ҳосил қилишда давом этади.

Шундай гапни иккинчи ва учинчи байтлар ўртасидаги узвийлик мисолида ҳам айтиш мумкин. Яна ўша ранг - қизил билан боғлиқ жараёнлар ўзгача жилода учинчи байтга кўчади. Дил - гул ғунчаси, ним очилган ғунча — маъшуқанинг митти оғизчаси, гулзор — унинг дилкаш чехраси, ял-ял товланувчи яноқлари. Шуларнинг барчаси бир байтдаги манзара. Уларнинг ҳар қайсиси ўз жойини топган ва мантиқий-ҳаётӣ мувозанат талабларига тўла мос бўлиб тушади. Таҳлил қилинаётган байтда гулзор ҳамда маъшуқа жисмининг юз қисмидаги ўзгаришлар тасвири ёнма-ён давом қиласиди. Ғунча ўз-ўзича очилмайди. Табиий таъсир - иссиқлик, тонг сахарда тушган майнин шудринг ўша жараённи тезлаштиради. Ошиқ жони қасдига қилич қайраган маъшуқа чехрасидаги руҳий жилолар ҳам таъсирсиз ўзгаришларга учрамайди. Ошиқнинг жисмида ҳижрон ва жамол изтироблари туфайли вужудга келган ҳолат -гулзордаги шабнамнинг ғунчага таъсирига қиёсланади. Ўшалар маъшуқанинг чехрасида ним табассум индиради ва оғизча ним очилгандай бўлади. Мисралардаги «хай» - тер, «жабин» - манглай (мажозий маънода маҳбубанинг жамоли) сўзлари ҳам эътиборга муҳтож. Заифлашган ошиқ жисмини қоплаган тер маъшуқа чехрасининг қизиллиги - кувончига боисдир. Уларнинг замирида эса ишқ имтиҳонлари, шаҳват ҳирсидан холи муҳаббатнинг қалқиб юзага чиқиши ётади. Шу тариқа байтлараро алоқамандлик шартига қатъий риоя қилинади.

Ғазалнинг бешинчи байтидан бошлаб мушоҳада майдони кенгайиб боради. Табиат қўрки, ундаги ўзгаришлар — яшариш ва хазоннинг боискори — мўъ-

жизавий куч. Оллоҳга тегишли ишоралар кўпроқ кўзга ташланади. Масаланинг бундай тус олиши мисраларни қон ва жон билан таъмин этган ишққа ҳам дахлдордир. Яъни ишқнинг илоҳий неъмат эканлигига айрича урғу берилади.

Айримларигина айтилган мураккаб табиий-руҳий жараёнларнинг ўта нозик ва нафис ифодаси юксак маҳоратнинг самараси эканлиги шубҳа туғдирмайди. Шунингдек, «суст ва фуруд»лик учун бўшлиқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Хулоса, Алишер Навоийнинг «Девони Фоний»сида баъзан бадиий маҳорат нуқтаи назаридан маромига етмаган ғазаллар борлигини инкор этмаган ҳолда, Бобур Мирзо ва унинг мулоҳазаларига қўшилувчилар билан ҳамфир эмаслигимизни билдиromoқчимиз.

ИЖОДКОРЛИК ТАБАҚА ТАНЛАМАЙДИ

Муаллиф «Бобурнома»да «бадиий насрнинг анъанавий баландпарвоз услубидан воз кечиб, равшанлик, аниқлик, тозалик, сиқиқлик, соддалик»¹ каби талабларга амал қилди. У XV асрнинг иккинчи ярмида адабий ҳаётнинг олдинги сафларида туриб, ўзбек ва форс-тожик адабиётининг тараққиётига салмоқли улуш қўшган ўнлаб қалам соҳибларининг номларини тилга олади, улар ҳақида қизиқарли мулоҳазаларини ёзиб қолдиради. Нуриддин Абдураҳмон Жомий, Амир Шайхим Суҳайлий, Ҳусайн Али Туфайлий, Мир Атоулло Ҳусайнний, Мавлоно Осафий, Камолиддин Биноий, Сайфий Бухорий, Абдулло Ҳотифий, Мир Ҳусайн Муаммой, Мулло Муҳаммад Бадехший, Юсуф Бадиий, Мавлоно Оҳий, Муҳаммад Солих, Шоҳ Ҳусайн Комий, Мавлоно Аҳлий, Асириддин Ахсикатий, Бадриддин Ҳилолий, Ҳажрий каби шоирлар номларининг «Бобурнома»да учраши ҳам шундан далолатдир.

Бобур Мирзонинг рўйхатда номлари қайд этилган шоирларга тегишли келтирган далиллари, берган маълумот ва адабий-танқидий фикрлари якранг эмас. Баъзи шоирлар ҳақида батафсил баҳс этгани ҳолда, айримларининг номлари ва уларга дахлдор битта-иккита кичик ишорани қайд этиш билан чекланади. Бобур Мирzonинг айрим шоирлар ҳақида қисқа тўхталишининг боиси, бизнингча, қўлида ишончли хужжатларнинг етарли микдорда тўпланмаганлиги бўлиши мумкин. Кўпинча аниқлик ва одиллик тарафида турган Заҳириддин Бобур эшитганларига эмас, кўрган ва ўқиганларига

таянгани туфайли нисбат тенгсизлиги пайдо бўлган бўлиши шак - шубҳасиздир.

Захиридин Муҳаммад Бобур Абдураҳмон Жомийга баланд эътиқод, ихлос ва хурмат билан муносабатда бўлади. Уни Ҳирот шоирларининг «саромад ва сардафтари» тарзида қайд қиласар экан, самимият рухи уфуриб турган қалб сўзларини¹ изҳор этади. «Ул жумладин бири Мавлоно Абдураҳмон Жомий эдиким, зохир ва ботин улумида ул замонда ул миқдор киши йўқ эди. Шеъри худ маълумдир. Муллонинг жаноби андин олийроқдурким, таърифқа эҳтиёжи бўлғай...» Бобур Мирзонинг Абдураҳмон Жомий ҳақидаги ақидалари шулар билан хотималанмайди. Балки асарининг бошқа ўринларида ҳам устоз ижодкорнинг табаррук номини тилга олади, ундан чексиз хурматини дариг тутмайди. Жумладан, форс-тоҷик адабиётининг кўзга кўринган арбобларидан бири Абдулло Хотифийни ёдга олганда, унинг Абдураҳмон Жомийга яқин қариндошлиги борлигини таъкидлаб ўтади. «Яна Абдуллоҳи маснавийгўй эди, Жомдиндур. Муллонинг хоҳарзодаси бўлур, тахаллуси «Хотифий» эди. «Ҳамса» муқобаласида маснавийлар айтибдур. «Ҳафт пайкар» муқобаласида айтқон маснавийсига «Ҳафт манзар» от қўюбтур. «Искандарнома» муқобаласида «Темурнома» айтибдур. Бу маснавийлардан «Лайли ва Мажнун» машхурроқтур. Агарчи латофати шуҳратича йўқтур». Кўринадики, Захириддин Бобур Хотифий ижодиётининг етакчи қирраларини қамраб олишга интилган. Лекин хотимада яна бобуруна услуб ғолиб келади, Хотифийдаги катта ижодий қобилиятдан қўз юммагани ҳолда, унинг шахсиятидаги латофатсизликни танқид қиласди. Муҳими, Бобур Мирзо маълумотлари Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис»даги қайдларига рост келади. Алишер Навоий ҳам Абдулло Хотифийдаги ба-ландрарвозона юришни маъқул кўрмайди. «Агарчи зохир юзидин, - деб ёзади Алишер Навоий, - ҳазрат Махдуми Нуранга ўзин каробат тутар, аммо маъни юзидин бағоят йироқдур»¹. Алишер Навоий ва Захириддин Бобур маълумотлари деярли бир-бирига монанд. Фақат биргина маснавий номида тафовут бор. Алишер Навоий: «Искандарнома» муқобаласида «Зафарнома» назмига машғул эрди», — деб ёзади. Бобур Мирзо эса уни «Темурнома» тарзида келтиради. Алишер Навоий у ҳақда маълумот берганда, Абдулло Хотифий энди асарини ёзишга киришган экан. Захириддин Бобур эса бу шоир маснавийсини ниҳоясига етказганидан кейин уни кўрган бўлиши мумкин. Муаллиф эса ўз маснавийсини дастлаб «Зафарнома» деб атаган ва ижодий иш интиҳосида унинг номини ўзgartирган бўлса ажаб эмас. Чунки тоҷик адабиёти тарихига доир дарсликларда ҳам Абдулло Хотифий маснавийси «Темурнома»¹ тарзида тилга олинади. Алқисса, ижодкор шахси, унинг хатти-ҳаракатига муносабат масаласида

Алишер Навоий ва Захириддин Бобур қарашларининг бир-бирига ҳам-оҳанглиги Абдулло Ҳотифийга берилган маълумотнома мисолида яна бир карра ёрқин намоён бўлади.

«Бобурнома»да Абдулғафур Лорий ҳақида маълумот берилганида унинг Абдураҳмон Жомий билан муносабатлари, «Нафаҳот ул-унс» асарига «шарҳ йўсунлук бир нима битигани» эслатилади. Захириддин Бобурниң Абдулғафур Лорий ҳақидаги фикрлари ҳам ғоят қимматли. Чунки бу икки ижодкорниң юзма-юз мулоқотлари воқе бўлган эди². «Бобурнома»даги далиллар Бобур Мирзонинг ижодкор шахси масаласига жиддий эътибор билан қараганлигини кўрсатади. Ижод ахли табиатида кўринадиган манманлик, кибру ҳаво, мақтанчоқлик, эзмалик сингари иллатларниң кўриниши Захириддин Бобурга маъқул тушмаган ва шундай нуқсони бўлганларни у шафқатсиз танқид остига олган. Жумладан, Абдулғафур Лорийдаги ана шундай ножӯя ҳаракатлар Бобур Мирзони ранжитган ва «Бобурнома» да Лорий ҳақида тўхталар экан, Абдураҳмон Жомий хизматида бўлган шахснинг бундай «бетаайон ва бетакаллуф»лигидан, «ҳар кимни мулло десалар, аниң олдида жузв тортмоқтин ори йўқ»лигидан норозилигини ошкора ёзиб қолдиради.

Бадиий асаддаги сохталик, ижодкорниң хушомадгўйлик билан шуғулланиши Бобур Мирzonинг ғазаб ва нафратини қўзгайдиган омиллардан бири эди. Шундай ҳаракатлар содир бўлганда, улуғ адаб чидаб туролмаган Абдураҳмон Жомий ҳақидаги хотираларини тартибга солиб, мустақил бир рисолача шаклида «Нафаҳот ул-унс» охирига илова қилган ва бадиий ижод билан машғулликдай юксак иноят қадига етмаган бетайин шахсларни аёвсиз танқид қилган. Бобур Мирzonинг ўшандай «марҳаматига» сазовор бўлганлардан бири Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийдир. Жумладан, адаб ўз «Бобурнома»сида у ҳақда бундай деб ёзади: «Яна Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий эди... Бир таснифи бор: «Мажолис ул-ушшоқ» отлик, Султон Ҳусайн мирzonинг отига боғлаб битибтур, бисёр суст ва аксар ёлғон ва bemaza, beадабона ҳарфлар битибтур... Нечукким хейли анбиёни ва авлиёни мажозий ошиқлиқка мансуб қилиб, ҳар қайсиға маъшуқ ва маҳбубе пайдо қилибтур... Китоб орасида келтурулған Камолиддин Ҳусайннинг ашъор ва ғазалиётининг бошида тамом «лимухарририҳи»¹ битилибтур. Ушбу Камолиддин Ҳусайннинг хушомадидин Зуннун арғун «Ҳизабруллоҳ»² фа мулаққаб (лақабини олди) бўлди». Гарчи бизга асар матнини кўриш насиб этмаган бўлса-да, аммо Бобур Мирзо ақидаларига шерик бўлишимиз мумкин. Чунки Камолиддин Ҳусайн асари чиндан ҳам суст бўлмаганда, инсоф ва адолат мезонини деярли бузмаган адаб у ҳақда бу даражада жиддий мулоҳаза юритмаган бўлур эди. Айниқса, Камолиддин Ҳусайннинг хушомадгўёна

хатти-ҳаракати Заҳириддин Бобурдаги нафратнинг шиддатли тус олишига сабаб бўлганлиги равшандир. Бобур Мирзонинг ижодкор шахсияти, унинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, ўзини тутиши, ҳаётда ва асар сахифаларидағи феълу атвори каби бир туркум масалаларга доир қарашларини яна чуқурроқ очишда унинг Атоулло Ҳусайнийга берган маълумотномаси муҳим аҳамият касб этади. Заҳириддин Бобурга Атоулло Ҳусайний табиатидаги деярли барча фазилатлар маъқул. Айникса, унинг араб тилини пишиққина билиши, қофияга доир битган «мазаликкина» форсий рисоласи Бобур Мирзо эътиборини жалб қиласди. Ҳусусан, унинг «Бадоеъ ус-саноеъ» рисоласини «яхши битигани» Бобур Мирзони чексиз қувонтиради¹ Ана шунча фазилат билан бирга Атоулло Ҳусайнининг қофияга доир рисоласи матнида камтарлик қилмагани, барча мисолларни ўз ижодиётидан келтириб, «чунонки, дарин байти банда» дейиши «Бобурнома» муаллифини бир оз ранжитади. Замондошлари асарларида кузатилган бундай нохуш таассурот уйғотувчи сахифалар биринчи галда муаллифнинг ўз адабий тажрибаси учун ибрат бўлиб хизмат қиласди. Табиат қонуниятида ажиб бир ҳолат кузатилади: энг гўзал бир яратманинг ёнида юракка қай даражададир дарз соладиган кемтиклик ҳам қаққайиб туради. Зоҳиру ботини бирдай бежирим ато этилган хилъатни топишни эса тасаввурга сифдириш амримаҳол.

Бобур Мирзо феълу атворида ҳам ана ўша бир-бирига зид қутблар яққол сезилади. Бир қараганда, шер-юрак, қатъияти баланд, чўрткесар, жаҳли бурни учида турган шахс, қай ўриндадир ўта мулойим ва художўй инсон қиёфасида назарга ташланади. Ўлимга буюрган одамини афв этади, пойи пиёда юриб, хотинига жиловдорлик қиласди. Унинг табиатидаги шундай хос қирралар бадиий ижод оламида ҳам сезилади. Атоулло Ҳусайнийга муносабатда адиб мижозининг ўта нозиклиги жазава қилган. Ўша нозикфаҳмликнинг аҳамиятли томони шундаки, Бобур Мирзо ўз асарларида юрагига теккан но¹ камтарона худпарастликдан сақланишга ҳаракат қиласди. Жумладан, Атоулло Ҳусайний рисоласидаги ўша йўналишдаги нуқсонларни Бобур Мирзо ўз «Мухтасар»ида ислоҳ қиласди. Натижада «Мухтасар» аruz илми ҳақида мукаммал маълумот бериш билан бирга, олтмишдан ортиқ шоир шеърларидан намуналарни жамғарганки, бундай услугуб зикри ўтган асарнинг адабий-илмий қимматини оширади.

«Бобурнома» муаллифи XV асрнинг иккинчи ярмида бадиий ижод бобида анча шуҳрат қозонган бир ёки икки девонлари, маснавийларини шеърият мухлислариға манзур қилишга улгурган Камолиддин Биноий, Бадриддин Ҳилолий, Амир Шайхим Суҳайлий, Муҳаммад Солих, Сайфий Бухорий каби ижодкорлар ҳақида кўламли ва муҳим маълумотларни ёзиб қолдиради¹.

Заҳириддин Бобурнинг Аҳмад Ҳожибек ва Мавлоно Осафийга доир ёзганлари ҳам катта илмий қиммат касб этади. «Бобурнома»дан ўқувчи Аҳмад Ҳожибекнинг насл-насаби, туғилган ери, машғулоти, жамиятда тутган мавқеи, бадиий ижодга алоқаси каби рангбаранг саволларга жавоб топа олади. Шунингдек, Аҳмад Ҳожибек ва Алишер Навоий муносабатлари ҳам муаллиф ёдидан кўтарилмайди. Бу ҳакда ҳам мулоҳаза юритилади. Бобур Мирзо Аҳмад Ҳожибекнинг ижодиётига қайтар экан, бундай деб ёзади: «Хуштабъ ва мардона киши эди. «Вафоий» тахаллус қилур эди. Соҳиб девон эрди, шеъри ёмон эмас эди, бу байт анингдурким:

*Мастам, эй мўхтасиб, имрўз зи ман даст бидор,
Ихтисобам биқун он рўз ки ёби ҳушиёр.*

Мир Алишер Навоий Ҳиридин Самарқандга келган фурсатлар Аҳмад Ҳожибек била бўлур эди» Бобур Мирзо Аҳмад Ҳожибек ҳаётининг сўнгги йиллари ҳакида ҳам ишончли мулоҳазалар билдиради. Айниқса, унинг «беиззатона» ўлдирилиши фожиасини афсус ва надомат билан эслайди. Айни чоқда Аҳмад Ҳожибекдаги бепарволик, сару сомонга қарамай юриш каби нуқсонларини ҳам кўрсатиб ўтади. Мавлоно Осафий Бобур Мирзо билан мулоқотда бўлиш баҳтига мұяссар бўлган ижодкорлардан. Шунинг учун ҳам Заҳириддин Бобурнинг бу истеъодд соҳиби хусусидаги баҳоси аниқлиги билан диққатга сазовордир. «Яна Осафий эди, — деб ёзади Бобур Мирзо китобида, — вазирзода учун «Осафий» тахаллус қилубтур. Шеъри ранг ва маънидин холи эмастур. Агарчи ишқ ва ҳолдин бебаҳрадур... Ғазалдин ўзга навъ шеър кам айтибдур. Мен

Хуросон борғонда мулозамат қилиб эди» Кўринадики, Заҳириддин Бобур Осафий шеъриятининг шакл ва мазмунига (ранг ва маъни) ҳамда жанрий ранг-баранглиги масаласига алоҳида эътибор қиласи. Бобур Мирзо маълумотларининг яна бир муҳим жиҳатини таъкидлаш жоиз. У Осафий ҳакида сўзлар экан, «агарчи ишқ ва ҳолдин бебаҳрадур» жумласини атайин келтиради. Кўчирмадаги «ишқ ва ҳол» эса диққатни тортади. Аниқроқ айтадиган бўлсақ, Бобур Мирзонинг тасаввуфга, унинг шохларидан бири — нақшбандияга муносабатини ойдинлаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. XV-XVI асрларда пойтахти Ҳирот бўлган Хуросон давлати худудларида нақшбандия тариқати катта нуфуз пайдо қилди. Шу даврда яшаб қалам тебраттган ижод аҳлининг аксарияти мазкур фирмәнинг аъзолари эдилар. Осафий ҳам айни мухитда балоғатга етди. Нуриддин Абдураҳмон Жомий муборак нафасини туйгани ҳолда «ишқ ва ҳолдан бебаҳра» қолди. Унинг фаолиятидаги ана шу катта бўшлиқ Бобур Мирзога маъқул эмас. Мавзу-нинг кимгадир «ёқиши, ёқмаслиги»дан ҳам баланд турадиган ўта аҳамиятли жиҳати

борки, уни илғамаслик Бобур Мирзо армонини тушунмаслик билан баробардир. Ишқ ва дард — шеъриятнинг қўш қаноти. Ундан маҳрум сатрлар шуъласиз, тутаб ёнадиган оловга ўхшайди. Бундай олов атрофида тўпланганлар тафтдан бенасиб, кўзлари эса аччиқ тутундан ачишади, холос. Бағрида ишқ алангаси йўқ мисралар ҳам ўқувчига кутилган шеърий лаззатни улашиш баҳтидан бенасибдир. Фикримизча, шаффоф шеърий туйғу соҳиби Бобур Мирзонинг майин ишораси замирида ана ўша жихатлар пинҳон ётади.Faқат Осафий ҳақидагина эмас, балки бошқа бир гурух шоирлар номини тилга олганда ҳам Бобур Мирзо улар кўпроқ қизиққан жанрлар ва девон тузган-тузмаганлиги масаласини диққат марказида тутади. Айрим мисолларга мурожаат қиласлий. «Яна Аҳлийдур, омийдур. Шеърлари емон эмас, девони ҳам бордур» «Яна Охий эди, ғазални тавре айтур эди... соҳиб девондур» «Яна Шоҳ Ҳусайн Комий эди. Мунинг шеърлари ҳам ёмон эмас, ғазалгўйдур, ғолибо девони ҳам бордур». Маълум бўлаётирки, Бобур Мирзо ҳар учала шоир ижодиёти устида мулоҳаза юритганда, ихчамликка ва зарурий лаҳзаларга диққат қиласлий.

«Бобурнома» муаллифи Мавлоно Юсуф Бадиийнинг Фарғона вилоятидан эканлигини маълум қилиш билан бирга, унинг қасидагўйлигига урғу берса Мулло Муҳаммад Бадахший ва Мир Ҳусайн Муаммоийларнинг адабий тажрибасида муаммо жанри билан машғуллик устунлик қилгани ҳақида ёзади. «Бобурнома»да зикри ўтган қаламкашлар ҳақида ўқиймиз: «Яна Мир Ҳусайн Муаммоий эди. Ғолибо муаммони оғгча ҳеч ким айтғон эмас. Ҳамиша авқоти (бу ўринда вақтнинг кўплиги маъносида - *P. B.*) муаммо фикрига масруф экандур. Ажаб фақир ва номурод ва бебаҳт киши экандур». «Яна Мулло Муҳаммад Бадахший эди. Ишкамиштиндур... шеъри бу мазкур бўлғон шоирларнинг шеърича йўқтур. Муаммода рисола битибдур, муаммоси ҳам хейли яхши эмас, хушсұхбат киши эди. Самарқандта манга мулозамат қилиб эди» Кўринадики, «Бобурнома» соҳиби деярли бутун асар давомида зариф адабиётшунос сифатида танлаган бош йўлини (ютуқларни кўриш ва нуқсонларни кўрсатиш) изчил давом эттиради. Бу ҳолат сўнгги икки мисолда янада равшанроқ қўзга ташланади. Мир Ҳусайн Муаммоий тақдирининг фожиаларга тўлалиги (улар муаллифга маълум бўлиб, ўқувчи учун пинҳон) уни изтиробга солади. Аммо мулло Муҳаммад Бадахший тахаллусидан тортиб асарларигача Бобур Мирзо танқидига учрайди. Лекин Бадахший шахсиятидаги яхши томонлар ҳам унинг эътиборидан соқит қолмайди. Жумладан, Мулло Муҳаммаднинг хушсұхбати Заҳириддин Бобурга манзур. «Бобурнома»да табъи назми бўлган бир қатор темурий шоҳ ва шаҳзодалар, вазиру вузароларнинг номлари ҳам зикр этилган. Юқорида кўрганимиз сингари бу ўринда ҳам Заҳириддин Бобур жиддият ва имкон

қадар одиллик билан мавжуд адабий далилларни кўздан кечиради, уларга шахсий муносабатини билдиради. Чунончи, Умаршайх Мирзо, Ҳасан Яъқуббек, Кичик Мирзолар ҳақида Бобур Мирзо мулоҳаза юритар экан, уларнинг феълу атворидаги ўзига хос жиҳатларни кўрсатишга интилади. Масалан, Ҳасан Яъқуббекнинг «кичик қўнгуллук, яхши табълиқ, чуст ва часпон»лигини эътироф этар экан Умаршайх Мирзонинг табъи назми бор»лиги, «вале шеърга парво қилмас»лигини кўрсатади Бобур Мирзонинг шаҳзодалардан Мухаммад Ҳусайн Мирзо ва Шоҳғариб Мирзолар ҳақидаги гаплари ҳам алоҳида эътиборга лойикдир. «Бобурнома» соҳиби Мухаммад Ҳусайннинг табъи назми борлигини айтиб, ундан бир байт келтирса (225-6.), Шоҳғариб Мирзо ҳақида нисбатан кенгроқ тўхталади. «Яна Шоҳғариб Мирзо эди, — деб ёзади Бобур Мирзо ўша асарида, — букри эди. Агарчи ҳайъати ёмон эди, табъи хўб эди. Агарчи бадани нотавон эди, қаломи марғуб эди. «Ғарифий» тахаллус қилур эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий ва форсий шеър айтур эди. Бу байт анингдурким: «

*Дар гузар дидам паририёе шудам девонааш,
Чист номи ў, кучо бошад надонам хонааш.*

...Отасининг замонида-ўқ нақл қилди. Андин ўғул, қиз Қолмади» Бу парчанинг қиммати шундаки, қайта қайта таъкидланганидек, Бобур Мирзо учун на жой, на мавқе, на хусну чирой, балки шахснинг у ёки бу соҳа учун қилган хизмати, ўзига хос фазилату белгилари, маълум соҳага қўшган янгилиги биринчи ўринда туради. Муаллиф ана шу талаблар доирасида у ёки бу санъаткор, шоир, тарихий шахсга баҳо беради. Ғарифий гарчи букри бўлса-да, «қаломи марғуб». Бобур Мирзо учун ўша фазилат муҳим ва шунинг учун у ҳакда самимият билан мулоҳаза юритади.

«Бобурнома»нинг қатор саҳифаларида Султон Ҳусайн Бойқарога алоҳида ихлос ва муҳаббат билан муомалада бўлинади. Муаллиф у ҳакда билгандарини китобхонлар билан баҳам кўради. Заҳириддин Бобурнинг Султон Ҳусайн Бойқаро салтанати, юришлари, аркони давлат, насл-насаби, шажараси ҳақидаги ишончли маълумотлари XV аср тарихини ўрганишда муҳим манбадир. «Бобурнома» муаллифи Султон Ҳусайн Бойқаронинг шоирлик салоҳиятини кенг шарҳлайди. Жум ладан, у ҳакда ўқиймиз: «...Табъи назми бор эди. Дево ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллус; «Ҳусайнний» эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале Мирзонинг девони тамом бир вазнададур. Бовужудким, ҳам ёш ва ҳам салтанат била улуг подшоҳ эди, кичиклардек қўчкор сахлаб, кабутар сахлаб, кабутар ўйнар эди, товуқ ҳам урушқа солур эди»¹. Келтирилган парчадан кўринадики,

«Бобурнома» соҳиби Ҳусайн Бойқаро фаолиятига ҳар томонлама баҳо бе-ришга эришган.

Сарой муҳитида фаолият кўрсатган ҳоким, вазиру умаролардан бемаза шеър айтгандари, маддоҳлик билан шуғулланганлари ҳам кўзга ташланганки, Бобур Мирзо уларни аёвсиз танқид қиласди. «Бобурнома»да шундай «мукофот»га лойик топилганлардан бири Мовароуннахр хукмрони Султон Маҳмуд Мирзо эди. Асарда у ҳақда ўқиймиз: «Султон Маҳмуд Мирзо... табъи назми бор эди. Девон тартиб қилиб эди, vale шеъри бисёр суст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмоғон яхшироқдур. Юраксиз киши эди. Ҳаёси камроқ эди» Фикримизча, Бобур Мирзо совуқ муносабатининг илдизлари анча теран. Уларни фақат шеърият билан алоқадор билиш тўғри эмасдай кўринади. Бобур Мирзо нафратини қўзғатган омиллардан бири Султон Маҳмуд Мирзо феълидаги эътиқодсизлик, Хожа Аҳрор Валий ҳазратларига беписандона муносабат эди. Ишқ ва эътиқоди йўқ кимсанинг каломи тузсиз овқатдай bemazadir. Султон Маҳмуд Мирзонинг баччабозлик, чоғирхўрликка ружу қилиши, ношаръий қиликлари, зулму ситамга асосланган фаолияти мазаммат боиси эди. Ишқдан бебахра асар шавқу сўз, завқу изтироблардан йироқдир. Шундан бўлса керак, Султон Маҳмуд Мирзо ҳақида мулоҳаза борадиган саҳифаларда нохуш кайфият самараси яққол сезилиб туради.

«Мукофот»га сазовор кўрилганлардан бири Умаршайх Мирзонинг мансабдорларидан Али Дарвеш эди. У хушомадгўйлик қилгани учун Бобур Мирзо томонидан аёвсиз танқид қилинади Рост гапни айтишда Бобур Мирзо вазиру умаро нарида турсин, хатго, отасини ҳам аямаган ва унинг табиатида мавжуд бўлган етишмовчиликларни очиқойдин ёзиб қолдирган. Муаллифнинг бундай адолатли баён услуби маълумотларига бўлган ишонч ва ҳурматни таъмин этган асосий омиллардан биридир.

«Бобурнома»нинг 1525-1526 йиллар воқеалари тафсилотига аталган қисмларида, шунингдек, кейинги саҳифаларида ҳам табъи назми бўлган яна бир қатор шоҳу шаҳзодалар, амалдорлар, турли ижтимоий табақадан етишиб чиққан шоирлар номи эслатилади, улар фаолиятига доир айрим ишоралар йўл-йўлакай бўлса-да, Ўртага ташланади. Ҳусусан, Шайх Абдул Воҳид, Шайх Зайн, Мулло Алихон, Турдибек, Хоксор, Байрамхон, Мирзоҳои (Байрамхоннинг ўғли), Ҳавофий, Форифий, Фақирий, Мавлоно Юсуфи Табиб, зуллисонайн (туркий қайта таъкидланганидек, Бобур Мирзо учун на жой, на мавқе, на ҳусну чирой, балки шахснинг у ёки бу соҳа учун қилган хизмати, ўзига хос фазилату белгилари, маълум соҳага қўшган янгилиги биринчи ўринда туради. Муаллиф ана шу талаблар доирасида у ёки бу санъаткор, шоир, тарихий шахсга баҳо беради. Ғарифий гарчи букри бўлса-да, «каломи

марғуб». Бобур Мирзо учун ўша фазилат муҳим ва шунинг учун у ҳақда самимият билан мулоҳаза юритади.

«Бобурнома»нинг қатор саҳифаларида Султон Ҳусайн Бойқарога алоҳида ихлос ва муҳаббат билан муомалада бўлинади. Муаллиф у ҳақда билганларини китобхонлар билан баҳам кўради. Заҳириддин Бобурнинг Султон Ҳусайн Бойқаро салтанати, юришлари, аркони давлат, насл-насаби, шажараси ҳақидаги ишончли маълумотлари XV аср тарихини ўрганишда муҳим манбадир. «Бобурнома» муаллифи Султон Ҳусайн Бойқаронинг шоирлик салоҳиятини кенг шарҳлайди. Жум ладан, у ҳақда ўқиймиз: «...Табъи назми бор эди. Дево ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллус; «Ҳусайнний» эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, vale Мирзонинг девони тамом бир вазнададур. Бовужудким, ҳам ёш ва ҳам салтанат била улуғ подшоҳ эди, кичикардек қўчқор сахлаб, кабутар сахлаб, кабутар ўйнар эди, товуқ ҳам урушқа солур эди»¹ Келтирилган парчадан кўринадики, «Бобурнома» соҳиби Ҳусайн Бойқаро фаолиятига ҳар томонлама баҳо беришга эришган.

Сарой муҳитида фаолият кўрсатган ҳоким, вазиру умаролардан bemaza шеър айтганлари, маддоҳлик билан шуғулланганлари ҳам кўзга ташланганки, Бобур Мирзо уларни аёвсиз танқид қиласди. «Бобурнома»да шундай «мукофот»га лойик топилганлардан бири Мовароуннаҳр хукмрони Султон Маҳмуд Мирзо эди. Асарда у ҳақда ўқиймиз: «Султон Маҳмуд Мирзо... табъи назми бор эди. Девон тартиб қилиб эди, vale шеъри бисёр суст ва bemaza эди. Андоқ шеър айтқондин айтмоғон яхшироқдур. Юраксиз киши эди. Ҳаёси камрок эди» Фик-римизча, Бобур Мирзо совуқ муносабатининг илдизлари анча теран. Уларни фақат шеърият билан алоқадор билиш тўғри эмасдай кўринади. Бобур Мирзо наф-ратини қўзғатган омиллардан бири Султон Маҳмуд Мирзо феълидаги эътиқодсизлик, Хожа Аҳрор Валий ҳазратларига беписандона муносабат эди. Ишқ ва эътиқоди йўқ кимсанинг каломи тузсиз овқатдай bemazadir. Султон Маҳмуд Мирzonинг баччабозлик, чоғирхўрликка ружу қилиши, ношаръий қилиқлари, зулму ситамга асосланган фаолияти мазаммат боиси эди. Ишқдан бе-баҳра асар шавқу сўз, завқу изтироблардан йироқдир. Шундан бўлса керак, Султон Маҳмуд Мирзо ҳақида мулоҳаза борадиган саҳифаларда нохуш кайфият самараси яққол сезилиб туради.

«Мукофот»га сазовор кўрилганлардан бири Умаршайх Мирzonинг мансабдорларидан Али Дарвеш эди. У хушомадгўйлик қилгани учун Бобур Мирзо томонидан аёвсиз танқид қилинади Рост гапни айтишда Бобур Мирзо вазиру умаро нарида турсин, ҳатто, отасини ҳам аямаган ва унинг табиатида мавжуд бўлган етишмовчиликларни очиқ-ойдин ёзиб қолдирган. Муал-

лифнинг бундай адолатли баён услуби маълумотларига бўлган ишонч ва хурматни таъмин этган асосий омиллардан биридир.

«Бобурнома»нинг 1525-1526 йиллар воқеалари тафсилотига аталган қисмларида, шунингдек, кейинги саҳифаларида ҳам табъи назми бўлган яна бир қатор шоҳу шаҳзодалар, амалдорлар, турли ижтимоий табақадан етишиб чиқкан шоирлар номи эслатилади, улар фаолиятига доир айрим ишоралар йўл-йўлакай бўлса-да, Ўртага ташланади. Хусусан, Шайх Абдул Воҳид, Шайх Зайн, Мулло Алихон, Турдибек, Хоксор, Байрамхон, Мирзоҳои (Байрамхоннинг ўғли), Хавоғий, Фориғий, Фақирий, Мавлоно Юсуфи Табиб, зуллisonайн (туркий ва форсий) Сурҳ Вадоий, «Махзан ул-асрор» вазнида маснавий айтган Мулло Бақоий ҳақида келтирилган «чимдим» маълумотлар фикримиз исботидир

Кўриб ўтганимиз парча ва далиллардан аёнки, «Бобурнома» ўз муаллифи адабий-танқидий қарашларини ўрганишда бебаҳо далиллар бера олади. Шунингдек, унда ўнлаб форс-тожик, ўзбек тилида ҳамда ҳар икки тилда ижод қилиб, ўлмас асарлар яратиб қолдирган шоирлар ҳақида ғоят аниқ ва зарур маълумотлар келтирилган. Масаланинг бу жиҳати «Бобурнома»нинг ўзбек ва тожик адабиётшунослиги учун ХУ-ХҮ1 аср биринчи ярми адабиёти тарихини ўрганишда муҳим манба сифатидаги қимматини оширади. Иккинчидан, бир қавм, бир қардош мақомидаги тожик ва ўзбек халқлари адабий биродарлиги нурли сахифалари сифатида хизмат қиласиди¹.

«БОБУРНОМА»ДА ШАЙХ САЪДИЙ НАФАСИ

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ва форс-тожик адабиёти, шунингдек бу таникли давлат арбоби, шиҷоатли саркарда, ҳассос адиб ва шоирнинг ўша йўналишдаги асарлари мавзуи адабиётшунослар назаридан четда қолган эмас. Айниқса, академик Б. Валихўжаев мақолаларида Бобур Мирзонинг «Мухтасар» - «Аruz risolasi» асари мисолида унинг форс-тожик адабиётига меҳру муҳаббати хусусида бўлиқ, илмий мушоҳада юритилса, адабиётшунос Ё. Исҳоқов мақоласида бу нотакрор истеъдод соҳибининг ўша тилдаги мерос мундарижасини белгилашга ҳаракат қиласиди. Айни мавзуда яна бир қатор илмий ишлар амалга оширилиб, ижобий фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шундай бўлишига қарамай, бири иккинчисини тақозо этувчи ушбу мавзулар бобуршунослигимизда ечимини кутаётган долзарб соҳалардан бири бўлиб қолаёттир. Бизнинг бу таъкидимиз «Бобурнома» таркибида келган форс-тожик тилидаги шеърларга ҳам тўла дахлдор кўринади. Бобур Мирзонинг насрда

бунёд қилинган мазкур шох қомусий асари бағрида турли муносабат ва тасвир услуги талабига кўра уч юз йигирма икки мисра туркий ҳамда форсий тилдаги шеърлар келтирилган. Шулардан бир юз эллик олти сатри туркий ва бир юз олтмиш олти қатори форсийдадир. Биз эса мазкур ишимизда «Бобурнома» таркибида келган форсий шеърлар манба ва мундарижасини аниқлашни асосий мақсад қилиб олдик. Янада ойдинроқ айтадиган бўлсак, муаллифини ойдинлаштиришга мұяссар бўлганимиз Шайх Саъдий сатрлари, шу муносабат ила бу иккала даҳо сўз санъаткори ўртасида кечган адабий, ғоявий алоқа ва ўзаро таъсир хусусида мушоҳада юритишни лозим топдик. «Бобурнома» саҳифаларидан жой олган форс тилидаги шеърий парчалардан олтмиш мисрасининг кимга дахлдорлиги асарда равshan кўрсатилган. Бир юз олти сатр ҳақида эса бу гапни айтиб бўлмайди. Кузатишлиримиз натижасида «Бобурнома»нинг турли саҳифаларидан Ўрин олган ўттиз икки (32) қатор шеърнинг манба ҳамда муаллифини аниқлашга улгурдикки, шулардан ўттиз мисраси Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларидан, икки (2) сатри эса Шайх Низомий Ганжавий «Панж Ганж»идан олингандир. Манба ва муаллифи ҳамон номаълум қола-ётган етмиш икки қатор шеърга доир изланишларимиз эса давом этмоқда...

Маълумки, «Бобурнома»нинг ilk саҳифалари 1494 йил воқеалари баёни билан очилиб, 1530 йилда кечган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-тариҳий, адабий-мада-ний ҳаётга доир воқеа-ҳодисалар тафсилоти ифодаси билан хотима топади. Асарнинг дастлабки бетларида Бобур Мирзо Самарқанднинг ижтимоий-сиёсий, тари-хийгеографик вазияти хусусида фикр юритаркан, Султон Аҳмад Мирзо фожиаси, таҳтнинг Султон Маҳмуд Мирзо тасарруфига ўтиши билан боғлиқ воқеалар таф-силотига кенг ўрин беради. Асар муаллифининг Султон Маҳмуд Мирзо феълу автори, давлатдорлик бобидаги саъй-ҳаракатларига доир муносабати бирмунча нохушдир. Мазкур ҳукмдор табиатидаги ўта шафқатсизлик, эл-улусга нисбатан меҳрсизлик Бобур Мирзони қаттиқ ран-житади. Соҳибқирон Амир Темурдан бошлаб барча темурийзодалар айрича муҳаббат ва ихлос билан қараган нақшбандия тариқати арбобларига, айниқса, Хожа Аҳрор Валий авлодларига Султон Маҳмуд Мирzonинг ноўрин озор етказиши «Бобурнома» соҳибининг қаттиқ нафратига сабаб бўлади. Ўша муносабат билан асар муаллифи ёзади: «Самарқанд аҳликим, йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад Мирzonинг замонида рафоҳият ва фароғат била ўткариб эдилар, аксар муомала ҳазрати Хожа (Хожа Аҳрор Валий — P. B.) жиҳатидин адл ва шаръ тариқи била эди. Бу навъ зулм ва фисқдин бажону дил озурда ва ранжида бўлдилар. Вазиъ ва шариф, факир ва мискин нафрин ва дуойи бадига оғиз очиб, қўл кўтардилар.

*Ҳазар қун зи дарди дарунҳои реиш,
Ки реши дарун оқибат сар қунад.
Баҳам бар мазан то тавонӣ диле,
Ки оҳе жаҳоне баҳам барзанд.*
(Мазмуни: Ички яралар дардидан ҳазар қил!
Чунки ички яра ахир юзага чиқади.
Кўлдан келганча ҳеч бир дилга озор берма!
Дилдан чиққан бир оҳ бир жаҳонни барбод қиласди»¹.

Шеърий парча Шайх Саъдий «Гулистон»ининг «Подшоҳлар одати баёни» сарлавҳали биринчи бобидан олинган. Таҳлилдан олдин матндаги айрим тафовутларини кўрсатиш жоиз кўринди. «Бобурнома»да биринчи сатрдаги «дард» «Гулистон»да «дуд» (тутун), учинчи мисрадаги «бар мазан» Шайх Саъдийда «бар макун», охирги қатордаги «барзанд» «баркунанд» тарзида берилади. «Гулистон»да келган сўзлар тўғри бўлиб, улар мисралар мазмунини ўқувчига тугал етказиш учун хизмат қиласди. Бобур Мирзо эса «Гулистон»ининг ноқис нусхасидан фойдаланган ёхуд бундай «таҳрир»лар «Бобурнома»ни қўчирган котиблар томонидан киритилган бўлиши ҳам мумкин. Асарнинг илмий-танқидий матнини яратиш бундай англашилмовчиликларга аниқлик киритар деган умиддамиз. Шайх Саъдий ҳикояти таркибида ўн тўрт сатр мавжуд. Улар ихчам «қисса»ларнинг «ҳисса»си - хулосаси сифатида қўлланилган. Ҳикоятда нақл қилинишича, бир золим кимса камбағаллар териб келган ўтиналарни арzon баҳода олиб, қиммат нархда сотиш билан шуғулланаркан. Унга бу ҳақда гапиришу танбеҳ беришлар сира кор қилмабди. Кунлардан бирида ўша каззоб олибсотарнинг саройига ўт тушиб, борбуди куйиб, кулга айланибди. Содир бўлган фалокат сирру асрори моҳиятига етмаган золим бунда ўз ошнолариға: «Билмадим, бу ўт менинг саройимга қаердан тушди экан?» деганда, буни эшитиб турган бир азиз киши жавоб бе-рибди: — Фақирлар қалбидан чиққан оҳнинг ўтидан! Насрда ифодаланган бундай лўнда фалсафий мушоҳадаларнинг тасдиғи маъносида юқоридаги шеърий сатрлар келтирилган. «Бобурнома»да ҳам ўшандай ихчам ва тагдор насрый хулоса мавжуд: «Ложарам зулм ва фисқнинг шоматидан Самарқандга беш-олти ой беш (ортиқ) хукумат қилмади»¹. Ҳар иккала асаддаги хулосаларнинг якранглиги икки буюк даҳо ахлоқий-маънавий қарашларидаги муштараклиқдан ерқин нишонадир. 1501 — 1502 йиллар Бобур Мирзо тақдирида энг изтиробли, машаққат ва ташвиш-тараддуларга тўла давр ҳисобланади. Ўша тарихий уқубатларнинг чизгилари «Бобурнома»да ёрқин ифодасини топган. Самарқанд тахтини

иккинчи марта бой берган Бобур Мирзо Аҳмад Танбал бошлиқ хиенаткорларнинг фитнаси туфайли Андижон пойтахти Фарғонани ҳам кўлдан бериб қўйди. Тошкент хукмрони - тоғасига қилган мурожаатидан эса «сару сомонлик» жавоб чиқмайди. Шундай аянчли тафсилотлар давомида «Бобурнома»да ўқиймиз: «Неча кундин сўнг ёниб Даҳкатга келдим. Ёз бўла Шайбокҳоннинг Ўратепа устига келур хабари бўлди. Даҳкат туз ер учун Оббурдан добони била Масчо қўҳистонига оштук. Масчонинг қуийиги кенти Оббурданур. Бу Оббурдандин қуириқ бир чашма тушубтур, бу чашма бошида мазоредур. Ушбу чашмадин юқори Масчо дохилидур! Қуий Палғарға тааллукдур. Ушбу чашма бошида, чашма ёқасидаги тошида қазиб, бу уч байтни сабт эттим:

*, Жамишиди фарруҳсиришт
Ба сарчаимае бар санге навишт:
«Бар ин чашма чун мо басе дам заданд,
Бирафтанд то чашм барҳам заданд.
Гирифтем олам ба мардию зўр,
Валекин набурдем бо худ ба гўр».*

(Мазмуни: Эшитдимки, қутлуғ табиатли Жамшид бир булоқ бошида тош устига шундай деб ёзган экан: бу булоқ тепасида бизлар сиигари қўп кишилар келиб ўлтурдилар, кетдилар ва йўқ бўлдилар. Оламни мардлик ва зўрлик билан олдик, лекин ўзимиз билан гўрга элтмадик.)

Мазкур парчага рисоламизнинг олдинги сахифаларида ҳам мурожаат этган эдик. Ушбу сахифада эса келтирилган парчанинг манбанини аниқлаш зарурати туғилгани туфайли кайта қўчириш лозим кўрилди.

Кўчирганимиз шеърий парча «Бўстон»нинг «Жаҳондорликда адолат ва тадбиркорлик тўғрисида» сарлавҳали биринчи бобидан олинган¹. «Бўстон» нашрлари ва «Бобурнома»даги матнда жузъий фарқлар кўзга ташланади.

Аввало, бундай тафовутлар сўзларни қўшиб ёзишда намоен бўлади.

Шунингдек, «Бобурнома»даги парчанинг иккинчи қаторидан «ба» (бар санге...) тушиб қолган. Тўртинчи қаторда «чун» ўрнида (чун-чашм...) «то» (точашм) ёзилган. Учинчи байт «Бўстон»нинг устод Садриддин Айний нашрида таҳиррга учраган². Шайх Саъдий асарини батафсил шарҳу изоҳ, талқину тушуниришлар билан нашр эттирган устоз Садриддин Айнийнинг ўринли таъкидига кўра, бутун биринчи боб давомида ноҳақ жангга, ҳазрати инсон қонининг bemavrid тўкилишига қарши кураш ғояси устувордир.

Дунёning барча молу бойлиги, савлату салтанати инсоннинг ноҳақ тўкилган бир томчи қони олдига қадрсиз ҳисобланади. Ана шу юксак инсонпарварлик ғояси саъдиёна назокат, нафосату донишмандлик билан панду ҳикмат

либосида бадиий ифодасини топган. Табиийки, бундай фалсафий-ахлоқий майл ўта нозиктаъ ва теран мушоҳада соҳиби Бобур Мирзо қалбига ҳам уйғун эди. «Бўстон»нинг шерий ҳикоятидаги фалсафий ғоя, дунё тахту баҳтининг бебақолиги хусусидаги шу олти сатрда ифодаланган ўткир ҳаётий ҳақиқат Саъдийга қадар, унинг замони ва ундан кейинги зариф инсонларга, жумладан, шоҳ Бобур Мирзога ҳам кундай равшай эди. Бироқ не қилсинки, унинг қисмати тахтга боғланган, қалбida туғиб қўйган беҳисоб режаларининг юзага чиқишини ўша бебақо ускунасиз тасаввурга сифдира олмас эди. Ана ўша аччиқ ҳақиқатни қалбан ҳис қилган буюк саркарда ва давлат арбобининг 1501-1502 йиллардаги зиддиятли сиёсий-руҳий оламга мос тушгани учун ҳам Шайх Саъдий сатрларини эслаган ва уни тошга ўйиб ёзган. Бобур Мирзо илмий-адабий тажрибасида Шайх Саъдий маънавий мероси чунг қоя сифатида назарга ташланиб туради. У изтиробли лаҳзаларда ҳам, қувончга тўлган онларида ҳам улуғ Саъдий даҳосидан таскин топган. Шундан бўлса керак, «Мухтасар»¹ — «Аruz risolasi»да «...панд-насиҳату мавъиза бобида Шайх Саъдийнинг «Бўстон»ича маълум эмаским оламда бўлғай», - деб ёзади. Шу асарда Шайх Саъдий адабий меросидан икки юз ўн мисранинг мисол тариқасида келтирилиши ҳам бу икки нотакрор истеъдод соҳибининг руҳий-маънавий оламининг ўта яқинлигидан далолатdir.

* * *

Бемаврид бўлса-да, шу ўринда Захириддин Муҳам-мад Бобурнинг авлодлари олдидаги яна бир улуғ хиз-матини эслатишни жоиз кўрдик. Бу улуғ инсон ўз замондошларини саводхон қилишнинг нисбатан қулай йўллари устида бош қотирган. Ўз шаҳодатича, йигирма ёшида «Хатти Бобурий»ни кашф этган. Фикримизча, Бобур Мирзо араб ёзувидаги бир қатор мураккаблик-ларни ислоҳ қилишни кўзда тутган. Гарчи «Хатти Бобурий» оммавий йўсинда эл-улус ўртасида шуҳрат пайдо қилмаган бўлса-да, Бобур Мирзо тасарруфидаги худудларда «Хатти Бобурий» муомалада амал қилган. Бу ҳақда «Бобурнома»нинг 1528 йил воқеалари баёни қисмида ёзилади: «Ҳумоюннинг ўғли бўлғонини таҳниятига ва Комроннинг кадхудолиғининг таҳниятига Мирзойи Табрезийни ва Мирзобек тағойини ўн минг шоҳрухий сочиқ била йиборилди. Мулла Биҳиштийдан Ҳиндолға мурассаъ камар ва ханжар ва мурассаъ давот ва садаф-корлик сандали ва кийган нимча ва тагбанд ва «Бобурий хат»нинг муфрадотини йиборилди. Яна «Бобурий хат» била битилган хатлар йиборилди...

Айрим манбаларда учрайдиган маълумотларга кўра, «Хатти Бобурий»да иншо этилган китоблар Марказий Осиёнинг маданий марказларида ҳам истеъмолида бўлган қўринади. Бу ҳақда Устод Садриддин Айнийнинг фарзанд аржуманди, таниқли шарқшунос Камол Айнийнинг академик

В.А.Абдуллаевга ёзган қуидаги хати шаҳодат беради: «Домулло ва азиз биродарим Воҳид Абдуллаевич: Сизнинг, Самарқанд шахри буюк шахсиятининг маълумотига шуни етказмоқчиманки, камина кейинги изланишларининг энг яхши натижаларидан бири Ибн Сино имзосининг топилишидир (қўлимда нусхаси сақланмоқда). Шунингдек, Хатти Бобурий намунасининг қўлга кириши ҳисобланадики, бу Куръон бошданохир шу ёзувда (намуналар қўлимда бор) кўчирилган. Ўйлайманки, бу янгиликлардан домулло Айний руҳлари ҳам шод бўлади.

Камол Айний юқорида берган маълумотлар илм олами учун, айниқса, синошунослигу бобуршунослик соҳасида кашфиётга тенг. Агар мактубдаги маълумотларда бирор бир иштибоҳга йўл қўйилмаган бўлса, Абу Али ибн Сино имзосини ҳам, Захириддин Муҳаммад Бобур кашф қилган Хатти Бобурий намуналарини ҳам илмий жамоатчилик эътиборига етказилмоғи зарур. Айни муваффақиятли ишлар рўёбга чиқса, мактуб муаллифи таъкид қилганидек, Устод Садриддин Айнийнинг руҳи шод бўлиши тайин гап!

БИЛГАСЕН ЭЙ, ХЎЖАСТА ФАРЗАНД

Бобур Мирзонинг илоҳиётга сидқу садоқати тасодифий эмас. Шундай хулосани унинг нақшбандияга эътиқоди хусусида ҳам айтиш мумкин. Ҳаёт ва тақдир чорраҳаларида танг ахволда қолган, руҳий ёхуд жисмоний жиҳатдан ночор ҳолатга тушган саркарда юзни самога буради, муножот илағайбий қудратдан мадад ва ривож тилайди. Муҳаммад қибласини топади, сидқий саждага тушади, пешанасини табаррук заминга текки-зиб, жаноби Расули акрамнинг марҳаматига умид боғлайди. Ҳожа Ахрор Валий нуроний сиймосини кўз олдига келтиаркан, ҳазрат башоратларининг кўмагига муштоклигини маълум қиласи.

эмас. Айримлари азиз зотларнинг руҳий мадади ва ўзининг журъатли саъю ҳаракатлари туфайли шараф тожига мұяссар бўлган ростгўй Бобур Мирзо қалами қолдирган битикларнинг кафолатидир. Юксак маънавий хазина — «Бобурнома»ни варақлайман. 935 (1528) йил воқеалари бобурана тантилик ила баён этилган. Бехос мана бу жумлаларга дуч келаман: «Сешанба кечаси Сафар ойининг йигирма еттисида ҳазрат Хожа Убайдуллонинг «Волидия» рисоласини назм қилмоқ хотиримға келди. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнглумга кетурдумким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечукким, соҳиби «Қасидаи бурда»¹

¹ *Бурда* - арабча сўз бўлиб, қора бўздан (сурпдан) ти-килган яктак, Муҳаммад Мустафонинг табаррук устки кийи-мини англатади. «Бурда» «Қасидаи бурда» шаклида муайян бадиий асарни билдиради. Масаланинг илдизлари VII аср араб адабиётига бориб тақалади. Бобур Мирзо ишорасида талмех санъати амал қиласи ва мантиқ ришталари бизни Муҳаммаднинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи афлиж маразидин халос бўлди, мен доги бу оризадин кутулуб, назмимнинг қабулиға далили бўлғусидур». Ҳиндистон мулкида учинчи мусулмон подшо Бобур Мирзо эди. Орзиқиб кутилган, катта машаққатлар эвазига қўлга киритилган бу тахт эса унга татимади. Иброҳим Лўдийнинг онаси ўғли хуни учун қасос олди. Ўғли саройида ошпазлик қилган Аҳмад Чошнигир (Бобур Мирзо ошхонасида ҳам хизматда бўлган ошпаз)ни қўлга олиб, подшо овқатига заҳар қўшишга кўндиради.

Бобур Мирзо умр гулини бемаврид ҳазон қилган ўша қировли изғирин ҳақида унинг ўзи ёзади: «...Захрни Аҳмад чошнигирга йиборур, яна бир додакни аниңг алайхиссалом фаолиятининг дастлабки босқичларига бошлади. Араб адабиёти тарихига доир манбаларда қайд этилишича, тахминан 645 йилда вафот қилган шоир Каъб ибн Зухайр пайғамбарни ҳажв қилувчи бир шеър ёзиб тарқатади. Бундан дарғазаб бўлган Худонинг расули шоирга нисбатан ўлим жазосини эълон қиласи. Бундан кўркувга тушган Каъб истиғфор йўлини тутади ва Муҳаммад Мустафони улуғловчи бир асар яратади. Мазкур мадхия — қасида пайғамбарга манзур тушади ва миннатдорчилик рамзи сифатида кийиб юрганлари қора сурф якtagини Каъбга ечиб беради. Шундан бу шеър «Қасидаи бурда» номини олади. Иқтибосимиздаги ишора бу борадаги мулоҳазани яна давом эттиришимизни тақозо қиласи. 1213—1295 йилларда яшаб фаолият кўрсатган араб шоири Шарафиддин Муҳаммад ибн Саъид Бусайра фалаж касалига чалинади. Хасталик азобини чекаётган шоир тушида жаноби Расули акрамни кўради. Ҳазрат унга тасалли бериб, қора сурф яктакларини ечиб, унинг устига ёпиб қўядилар. Уйғонган шоир тушини яхшиликка йўяди ва баланд руҳда пайғамбарни шарафловчи «Ал-кавокиб уд-дуррия фи мадхи хайрил ур-

барийя» («Юлдузлар каби беҳисоб маънавий инжуулар соҳиби, пок, марҳаматли инсон мадҳи») сарлавҳали Қасидасини яратади. 7 қисм 163 байтдан таркиб топган қасида юксак бадиий савияда эди. Асар шуҳрати билан ёнма-ён Бусайра ҳам шол касалидан фориг бўлади. Бу асар шуҳратига шуҳрат қўшади ва мусулмон оламида «Қасидаи бурда» номи билан довруғ таратади. Мазкур қасидага 90 дан ортиқ шарҳдар ёзилган. Айрим давлатларда дафн маросимида шу қасиданинг Ўқилиши ҳақида маълумотлар бор сўнгича йиборурким, кўргай, ул заҳрни берадурму ё йўқму? Яхшиким, қозонга солмай, табакқа солур... Ош тортарда бизнинг бедавлат бакавуллар ғоғил бўлурлар. Чийни устига юпқа нонни солур ва нон устига ул коғаз-даги заҳрнинг озроқ ярмини сепар, заҳрнинг устига ёғлиқ қалияни солур... Бу хиндустоний заҳрлик ошнинг устидан бир-икки тикка майл қиддим, қалия олиб едим... Кўнглум барҳам уруб, қусаёздим... Обхонага бориб, қалин қустим...» Ўша мудхиш воқеа давоми «Бобурнома»да аниқлик билан ўз ифодасини топади. Овқат жиддий тафтишдан ўтказилади, оғу солингани аниқланади. «Тенфи манга бошдин жон берди. Ул дунёдин келадурмен», — дея шукронга қиласи муваллиф. Хиёнатдан дарғазаб бўлган Бобур Мирзо жиноятчилар-ни қаттиқ жазолайди. Ваъда қилинган жавоҳирот жарангини эшитиш ҳеч кимга насиб этмайди.

Бироқ Бобур Мирзо жисмига оғу етказган асорат у билан бирга яшади ва ҳамиша ўзидан хабар бериб турди. Хожа Аҳрор асарига мурожаат олдидаги хасталик ҳам ўшандан бир лавҳадир. Жисмоний зарба улуғ саркарда қалбига, руҳий оламига ҳам таъсир кўрсатди. Унинг вужудида илоҳий марҳаматдан умидворлик туйғуси янада теранроқ ин қурди. Хожага бўлган сидқу садоқати орта борди. Айтилганлар «Волидия»нинг туғилиши жараёнига дахлдор лавҳаларда ойдин намоён бўлади: «...Ушбу ният била... рисола назмиға шуруъ қилдим, ҳам ўшал кеча ўн уч байт айтилди. Илтизом йўсунлиқ, кунда ўн байттин камрак айтилмас эди, ғолибо бир кун тарқ бўлди. Ўтган йил ва балки ҳар маҳал мундоқ оризаким бўлди, ақалли бир ой — қирқ кунга тортти. Тенгри инояти била ҳазратнинг ҳимматидин панжшанба куни ойнинг йигирма тўқкузида андаке афсурда бўлди, ўзга бу оризадин халос бўлдум. Шанба куни рабиул-аввал ойининг секкизида рисола сўзларининг назм қилмоғ ихтитомиға етти. Бир кун эллик икки байт айтилди» (Бир кунда юз мисрадан зиёдроқ шеър айтиш Бобур Мирзо ижодий тажрибасида кам учрайдиган ҳодиса. Шундай мўъжизанинг юз бериши ҳам Хожа Аҳрор Валий номи билан боғлиқдир. Алқисса, улуғ саркарда умрининг охирги йиллари таҳликали, пайдар-пай хасталиклар, руҳий тебранишлар ила ўтган бўлса-да, ижод бобида серунум бўлди.

Айниқса, илоҳиётга дахли бор бадиј яратмалари ўша йилларда ёруғлик кўрди. Шундай гапни «Мубайин» ҳақида ҳам айтиш жоиздир. Ушбу асарнинг ёзилиш санаси бобуршуносликда турлича талқин этилади. Жумладан, рус шарқшунос олимаси И. В. Стеблева мулоҳазасига кўра, асар 1521-1522 йиллар оралиғида яратилган¹. Ансориддин Иброҳимовнинг фикрича, асар 1522 йилда дунёга келади. Тадқиқотчи мавзуға доир мулоҳазаларини давом қилас экан, бундай деб ёзади: «...У Комронга таълим бериш мақсадида икки минг мисрадан иборат бир туркин шеърий китоб ёзади. Ўшал китобнинг номини Абулфазл ва Бадаюн «Мубай-йин» («Тушунтириш») деб атаган. Шунинг учун бу китоб шу ном билан маълум ва машхурдир»². А. Иброҳимов асарнинг турли сарчашмаларда «Дар фикҳи Мубайин», «Фикҳи Бобурий», «Бобурнинг диний йўл-йўриқлари» ёхуд «Бобур хотиралари», «Мубайин» тарзида учрашини ҳам таъкидлайди. Тадқиқотчи мулоҳазаларида айрим баҳсталаб нуқталар кўзга ташланади. Аввало, Бобур Мирзо ўз қалами остидан чиқкан асарига аниқ ном қўйган экан, бошқа муаллифларнинг ишораларига таяниш учун зарурат бормикин? «Мубайин»нинг бешинчи китоби — «Китоб ул-ҳаж» хотимасида ўқиймиз:

*Чун баён эттим анда шаръийот,
Не ажаб гар дедим Мубайин от³.*

Фикримизча, асарнинг ўз номи бўла туриб, уни турлича талқин қилиш ўринсиздир.

А. Иброҳимовнинг қатъий ишончига биноан «Мубай-йин» ёлғиз Комрон Мирзога бағишлиланган экан. Иқтибос олганимиз сахифа ҳаволасидаги: «П. Қодировнинг «Юлдузли тунлари»да бу китоб Ҳумоюн учун битилган, деб қайд этилган», — тарзидаги таъкид ҳам ўшандай хулосага келиш учун асос беради. Мазкур кичик ноаниқликка равшанлик киритишда муаллифнинг ўзи кўмакка келади. «Мубайин»нинг биринчи рисоласи - «Эъти-қодийя» муқаддима бобларидан биридаги қуйидаги сатрлар бу жиҳатдан аҳамиятлидир:

*Дину донишба ҳар кун афзун бўл,
Давлату баҳт ила Ҳумоюн бўл.
Комрон бўл жаҳонда, давлат кўр,
Юз туман обрўйу иззат кўр."*

Кўринадики. мазкур парчада Бобур Мирзо ўзининг балоғат ёшидан улғайиб, оққорани таниш поғонасида бўлган икки суюкли ўғлини ёшига мувофиқ кетма-кетлиқда тилга олаётир. Юкорида кўриб ўтганимиздек, бу улуғ инсон бир қанча фарзандларини тупроққа топшир-ди. Улар ичида бир нечаси

ўғиллар эди. Аскарий Мирзо ва Ҳиндол Мирзо (йўргакда) кичик эдилар. Шундаи бўлса керак, муаллиф икки ўғлини тилга олиш ва яратилажак асарини улар учун исломий дастур сифатида тавсия этиш билан қаноатланган кўринади.

Мунозарага сабаб бўлган муаммолардан яна бири асарнинг яратилиш санасидир. Мурожаат этганимиз юқоридаги икки муаллиф ўртага қўйган ракамлар ҳам мунозарали. Аникроғи, улар Бобур Мирзо «Бобурнома»да таъкид этган йилларга рост келмайди. Асарнинг 932 (1525) йил воқеалари тафсилоти берилган саҳифаларида шундай жумлалар қўзга ташланади: «Мундин бурун яхши ва ёмон, жид ва ҳазл ҳар не хотирға етса эди, муто-яба тариқи била гоҳи манзум бўлур эди. Ҳар нечук қабиқ ва зишт назм ҳам бўлса марқум бўлур эди. Бу фурсаттаким, «Мубаййин»ни назм қиладур эдим, хотири фотирға хутур этти ва ҳазин кўнгулга мундоқ еттиким, ҳайф бўлғай ул тилдинким, мундоқ алфозни дарж қилғай, яна фикрини қабих сўзларга харж қилғай ва дариф бўлғай ул кўнгулдинким, мундоқ маоний зуҳур этгай» Равshan бўлаётирки, агар эслатганимиз асар 1521 — 1522 йилларда ниҳоясига етган бўлганда, бу ўринда уни яна бир карра эслашга зарурат қолмас эди. Иккинчидан, муаллиф «Мубаййин»га нисбатан сўзни келаси замон давом феъли шаклида қўлламаган бўлур эди. Алқисса, Бобур Мирзонинг ўз кафолатига таяниб, фикҳга доир ушбу асар 1525-1526 йилларда якунланган дейиш мумкин.

Кўчирмамиздаги яна аҳамиятга молик бир нуқтани таъкидлашни истардик. Улуғ адаб «Мубаййин»ни яратиш учун ўзини руҳий-маънавий жиҳатдан ҳам тайёрлаган кўринади. Акс ҳолда, Мулло Алихон билан бўлган мутоябада бадиҳатан айтилган байт таркибидаги сал ножӯя сўзлар учун хижолат чекмаган ва ўз-ўзига танбех бермаган бўлур эди.

«Эътиқодийя» «Мубаййин» таркибига кирувчи би-ринчи рисоладир. Асар анъанавий бошланма билан ибтидо топади. Бобур Мирзо устоз ва замондошлари сингари олам, одам, ижтимоий борлиқ, бутун мавжудотнинг яратувчиси, подшоси сифатида Оллоҳни билади.

*Қодиru баркамол Тенгридуr,
Қоҳиru зулжалол Тенгридуr*

Тангри таоло буюклиги ҳад-худудсиздир. Айниқса, инсон тақлирида ўша кудратнинг салобати ёрқинроқ қўзга ташланади. Ҳар не қилса, У қилур, ҳар не бўлса, У билур. Бобур Мирzonинг бу жабҳадаги лўнда хulosаси ана шундан иборат.

Асарда баъзи масалалар анча майдалашиб кетгандай туюлади. Хусусан, маълум ҳаётий тажрибаси бор, дунё ва илоҳий кароматлар бобида тасаввури

етилган инсонлар нигоҳида ўша «бачканаликлар» қабариқроқ назарга тушади. Масаланинг бундай кечишини муаллифнинг ўзи ҳам олдиндан ҳис этган ва шундан бўлса керак, ибтидо-Даёқ «Мубаййин»га қўл уришининг сабабларини ойдин лаштириб қўйган. Бобур Мирзонинг жигарбандлари — Муҳаммад Ҳумоюн Мирзо ва Комрон Мирзолар юзада қалқиб кўринган воситалардир. Асар аслида ҳаёт эшик-ларини энди мустақил очишга шайланган ўспириналарга мўлжалланганлиги сир эмас. Шунингдек, фиқҳдан етарли маълумоти бўлмаган мўмин-мусулмонлар ҳам ундан маънавий баҳра оладилар.

Яна бир гап. Шариатнинг фиқҳ нигоҳидаги аҳкомлари ўта мураккаб ва улар моҳиятини дарров илғаш ҳаммага ҳам бирдай муюссар бўлмайди. Ундей фазилат нозикфаҳм фақиҳлардагина бўлади. Бобур Мирзо ана шундай зариф инсон эди. У ўзидаги ўша назокатни ҳам «яхшиликка» бахшида этиб, шариати исломиянинг мусулмончилик беш руқнига доир талаботини шарҳлаш ва янги талқинни шеърда ифодалашга жазм қилди. Исломнинг беш зарурий руқнига бағищланган беш рисолани ҳеч иккиланмай фиқҳга доир оммабоп ҳамса дейиш панд бермайди. Чунки унинг таркибидаги биринчи рисола — «Эътиқодия» анъанавий ҳамсалардаги илк достонни хотирга келтиради. Шундай гапни «Мубаййин»нинг хотимавий рисоласи «Китоб ул-ҳақ» ҳақида айтиш ҳам ўринлидир¹. Асарнинг бош сарлавҳаси — «Мубаййин»нинг «баён қилинган, изоҳ этилган, тушунтирилган, исботланган» сингари маъно жилоларига эга эканлиги ҳам бизнинг хуносамиз фойдасига хизмат қилади.

Шеърият дарсхонасининг кенглиги, муҳлисларининг беҳисоблиги Бобур Мирзога қалам ушлатган сабаблардан яна бири бўлса ажаб эмас. Шеърият — бадиий фикрлаш, майин туйғуларга эрк бериш, муддаони қиёсу санъатлар ўровида ўқувчига етказишидир. Айни уринишлар хотирани чархлашидан ташқари, ўқувчига яхшигина завқ ҳам беради. Кўринадики, Бобур Мирзо «бир ўқ билан бир неча қуённи нишонга олган» ва маррага бехато етган. «Эътиқодийя» «Мубаййин» таркибидаги ихчам ри-соладир. Атиги 570 сатрдан иборат манзума ислом

биринчи руқнининг анчагина маромига етган талқини тусини олган. Бобур Мирзо шеърияти дастлаб равонлиги, «бегона» сўзлардан имкон қадар халослиги билан диққатни тортади. Шоир услубидаги ана шундай хос жилони таҳлил қилинаётган асарда ҳам кузатиш мумкин. Тўғри, шариат қоидалари ифодасини арабий-форсий сўзлардан холи тасаввур қилиб бўлмайди. «Эътиқодийя»да улар бор. Муаллифнинг моҳирлиги шундаки, ўша сўзлардан имкон қадар хасислик билан фойдаланади. Манзума матни бугунги китобхон учун анча мураккаб. Аммо саводини қуръонхонлиқдан

бошлаган Бобур Мирзо замондошлари учун айтилган мушкулот анча камаяди.

Манзума ислом оламида шаклланган анъанага кўра, «Бисмиллахир роҳманир роҳийм» илоҳий жумласи ва Оллоҳнинг ҳамди (таърифи) билан бошланади. Асарда ихчамгина (6 байт) наът ҳам мавжуд. Бобнинг мўъжазлиги мушоҳада доирасининг кўламдорлигига путур етказа олмаган. Бобур Мирзо ихчам ишора ва лавҳалар ёрдамида исломнинг шаклланиш тарихини хотирга олади, янги эътиқод элу элатлар руҳий оламига сингдирилгунча беҳад кўп кураш ва машаққатлар кечганлигидан ўқувчиларни хабардор қиласи. Шоир мушоҳадалари дадил, мазмунан теран, ифода услуби содда, равон ва бўёқдор. Улар ортиқча пардоздан холи, табиий, халқона. Манзуманинг фиқҳ сабоғидан етарли хабари бўлмаган «авом ўқувчиларга» мўлжалланиши ҳам ўшандай майлни тақозо қиласи:

*Йўлчисиз йўлда ким бора олгай,
Борса аввал қадамда-ўқ қолгай(*

Маснавий йўлида қофияланган байт (шу таъкид бутун асарга тегишли) яхши таассурот қолдиради. Мисралар таркибида тушунилиши қийин сўзлар деярли йўқ. Иккинчи сатрдаги «ўқ» сўзи озгина изоҳга муҳтоҷ. Аввало, айтиш керак, Бобур Мирзо бу ёрдамчи сўзни хуш «Ўради ва кўп қўллади. У, айниқса, «Бобурнома» да тез-тез кўзга ташланади. Туркий тилнинг ўз мулки бўлган «ўқ»нинг биринчи маъносидан (камон ўқи, милтиқ ўқи ва ҳоказо) ташқари, худди, аниқ, ҳамоно, шул замон, ўша, факат сингари талқинлари ҳам мавжуд. Юқоридаги байтда «ўқ» «ҳамоно»га teng келади. Мисралар замирига халқнинг «юз ишчига бир бошчи» мақоли моҳирона сингдирилган. «Китоб назмининг сабаби» сарлавҳаси остида келган йигирма байтлик бобчада шоирни асарни ёзишга унданған ғоявий нияти равshan ифодасини топади. Манзумани Бобур Мирзо фарзандларига илоҳий бир дастур сифатида ёзганлиги юқорида айтилган эди. Шунинг учун дастлабки мисралар жону жигарга пайванд фарзандларга мурожаат билан бошланади.

Асар ибтидосидаги бундай уриниш Шарқ халқлари адабиётининг анъанавий ифода услубларидан бири сифатида кўринади. Нуриддин Абдураҳмон Жомий ҳам ўзининг шоҳ асарларидан бири «Баҳористон»ни ўғли Зиёуддин Юсуф учун ўқиши китоби сифатида ёзган эди. Бундай уринишнинг икки мақсад йўлида хизмат қилиши аёнлашади. Биринчидан, ирсолу масал санъатини ҳосил қилиш орқали байт бўёқдорлиги — бадиияти таъмин этилади. Иккинчидан, жаноби Расули акрамнинг тарқоқ ва кўп эътиқодлилик туфайли азият чекаётган қабилаларни ягона ислом байроби остида бирлаштиришдаги йўлбошчилик фаолияти нозик ишораларда ургу билан

таъкидланади. Байтнинг иккинчи мисрасини эса «муайян манзил сари бошланган ҳаракатда раҳнамо фаолияти тўхтаган ҳамоно, олға интилиш бўлмайди» тарзида талқин қилиш мумкин. Наътнинг кейинги мисраларида ҳам йўл ва йўлбошчи ёнма-ён тутилади ва кўчирганимиз байтдаги мазмун етарли бадиий асосини топади. Бобур Мирзонинг Аҳмад - Муҳаммад бошлаган йўлнинг хавфу хатардан холи эканлиги хусусидаги майин ва рангин шамалари ҳам катта қизикиш уйғотади. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Бироқ асл моҳиятга қайтиш учун шу икки адабий далил кифоя. Фикримизча, бағишлиов ижодкорларнинг баланд парвози учун тўсиқ бўлолмаган. Муаллифлар тафаккуридаги зарофат, шахсиятдан умум манфаатини устун қушиш, сўз қадрини улуғлаш, унинг илохий қудратига озор етказмаслик, бадиий каломнинг ижтимоий-тарбиявий моҳиятини пасайтирмаслик сингари талабларнинг бекаму кўст ижроси кўзга ташланади. Эслатганимиз асарларнинг яшовчанлиги ва жаҳоний шухрати фикримизнинг далилидир.

Шунингдек, «Эътиқодийя» бошида келган мана бу сатрлар ҳам юқорида айтганимиз мулоҳазалар фойдасига хизмат қиласи:

*Масъалаларки, ул зарур эрди,
Билмасанг динингга қусур эрди.
Етти кўнглумгаким, ииғиштурсам,
Назм тартибида сиғиштурсам.
Бебақо дунё иши саҳлдурур
Дин ишин қилгай улки, аҳлдурур*

Равшанки, муаллиф динга зиён етказишнинг олдини олиш учун ҳиммат камарини боғлайди, бақосиз дунёда инсон қисқа умрининг ҳайф кетмаслиги чораларини қўради. Бобур Мирзо учун ана ўша йўлдаги улкан қадам норасида ва авом миллатдошларни дину диёнатга даъват этиш, уларга сабоқ бериш, иймонга ундашга тенгдир. Иймон-эътиқоди бутун инсон эса ҳаромдан ийманади, охират азобларига дучор бўлмаслик тадорикини қўради. Ўшандагина дин иши қусурга юзма-юз келмайди. Алқисса, парчадаги ишоралар танҳоликдан умумийликка, хусусийликдан ижтимоийликка ўсиб чиқади, одам дарди олам ташвишига айланади. Шоир шунча катта гапни оддий, равон, рангин ифодалашга муюссар бўлган.

Асардаги яна бир кичик зоҳирий белгини айтиш жоиз. Ҳажман унча катта бўлмаган манзумада қирқдан зиёд сарлавҳага дуч келинади. Ҳар бир сарлавҳа эса Ўзига хос ихчам шарҳларни эслатади. Бундай услубий жило

асар учун иллатми ёхуд фазилат? Фикримизча, олдиндан белгилаб олинган дарсхона (ёшлар ва авом), шунингдек, шариат аҳкомларининг назмий талқини Ўшандай бадиий жилони тақозо қиласи эди. Яъни аниқ-ликка интилиш ва ҳар бир шаръий талабни ажратиб таъкидлаб кўрсатиш ўқувчини чалкашлиқдан асрашга хизмат қиласи. Шоир томонидан ишга солинган бундай баён йўли олқишига сазовордир.

Бобур Мирзо тасавурида калимайи шаҳодат ва иймон эгизак тушунчалар.

Шундан бўлса керак, у ислом рукнлари бошида иймонни қўяди.

«Эътиқодийя»да беш таянч устун қуйидаги изчилликда саналади:

Бири иймондуру иккинчи салот,

Бу иккидин кейин учунчи закот.

Рамазон рўзасию ҳаж ўтамак,

Фарзи айн ўлди ушибу беш, бешак

Мана шундан кейин иймоннинг тўла тавсифига ўтилади. Бобур Мирзонинг айни мавзуга доир қарашларини кашфиёт мақомида баҳолаш хато бўлур эди. Уларни фиқҳни пухта ўзлаштирган ҳуқуқшуноснинг аслият мазмунига озор етказмай қилган равон талқинлари тарзида баҳолаш тўғрироқдир. Исломий шариатга доир дастурий асарлардаги иймоннинг олти зарурий шартига биноан шоир тавсифи Худога иймон келтириш, Унинг яктолигини таъкидлаш билан бошланади. «Аввал иймон Худоға келтургил», - дейди муаллиф. Сўнгра, Уининг малойикалари, китоблари, анбиёю пайғамбарлари, қиёмат қунининг барҳақлиги, инсон бошига тушадиган барча яхши ва ёмоннинг Маъбути қудрат амрида эканлиги бир-бир саналади. Ана шуларни тан оладиган инсонгина иймонлидир.

Масала анча равшайланиб қолди. Бобур Мирzonинг айтмишлари ўша илоҳий китоб Куръон чашмасидан оқиб келади. Ҳали ўспиринлик йилларидаёқ ихлосли қуръонхон бўлган саркарда сурайи «Фотиха»дан ибтидо топиб, қолган саҳифаларда мукаммал ифодасини топган ибратларда кўрсатилган ўша бош ғоядан бекаму кўст хабардор эди. Йиллар давомида сайқалланган тажрибадан аён: билим ва илҳом бирлашган нуқтада ширин самар етилади. «Эътиқодийя» саҳифалари кузатилар экан, бобурона заковат, фарзоналик, ҳар бир сўзни ўрнида қўллаш, фиқҳдонлик фазилатлари ёрқин кўзга ташланади. Манзума аслида калимайи тайиба ва калимайи шаҳодат талқинига бағищланган. Шундай бўлишига қарамай, муаллиф иймонга шарҳ беради. Иймонли мўъминлар уни фақат тилда эмас, балки дилдан зикр қилиш орқали Оллоҳ иноят этган тўғри йўлдан озмасликка саъиҳаракат қиласидилар. Иймони бутун инсон эса қалтис ишлардан, ҳаромдан, сохта шуҳратдан ҳазар қиласидилар.

Бобур Мирзо кўнглидан ҳам юқорида айримлари айтилган лавҳаларнинг кечганлиги тайин. «Эътиқодийя» саҳифалари қатъий ишончимизга кафилдир. Асарга қўйилган сарлавҳаларданоқ бу ҳолат кўзга ташланади. Мисол учун «Олти мұйман биҳнинг зикри» — мұймин, иймонли бўлишнинг (иймоннинг) олти асоси, «теран томири»ни олиб қўрайлик. Ихам насрий сарлавҳаларда унинг остида келадиган мазмуннинг лўнда тажассуми берилишидан ташқари, унда дурустгина тасвирийлик ҳам кўзга ташланади. Шундай уриниш юқоридаги жумлада кузатилади. Адиб бундай ютуқقا сўз танлашдаги маҳорат орқали мұяссар бўлган. Кўчирганимиз тўрт сўзли сарлавҳанинг бир калимаси рақамни (олти) билдириб келаётир. «Биҳ» форсий сўз негиз, томир маъноларини англатади. Араб тилидан исломий эътиқод туфайли ўзлашган «мўймин ва мұйман» сўzlари эса қўп маънолидир. Уларда иймонли, ишонувчи, тил билан иқрор ва қалбан тасдиқловчи сингари маъно қирралари мавжуд. «Зикр» арабий сўз. Мазкур калом илоҳиёт ва тасаввупнинг ўз мулки. Ҳар икки маънавий хазинада зикр ва Худо ёнма-ён туради. Унинг «Навоий асарлари луғати»да берилган «сўзлаш, тилга олиш, баён этиш» каби талқинлари бирмунча теранлаштиришга муҳтождай кўринади. Бу жиҳатдан «Фарҳанги забони точик»даги талқин эътиборга ло-йиқдир. Ушбу луғатда юқоридаги шарҳга илова тар-зида яна бир қатор мароқли талқинларга ҳам дуч келамиз: «нимадир ё кимдир ҳақида айтиш ёхуд ёзиш; овоза, шухрат; ниманингdir рўйхати; дуо, Худонинг номи такрорланадиган дуо вирд тилдан туширмай тақирорлаш.

Бобур Мирзо «зикр»ни кейинги бой талқинда қўллаган. Чунки иймонга дахлдор шартлар бир айтиб қўйиладиган каломлар эмас. Уларни ҳар доим ва ҳар ерда дилдан чиқармаслик, тилдан туширмай айтиб юриш ҳар бир мўйминнинг олдида кўндаланг турадиган фарзdir.

Юқорида кўриб ўтганимиз жиддий «тайёргарлик» жараёнидан сўнг манзума муаллифи асосий муддаога кўчади. «Аввалги мұйман биҳнинг шарҳи» сарлавҳаси ўқувчига шоирнинг кейинги режасидан хабар беради. Мазкур саҳифаларда калимайи тайиба тилга олинади ва унинг таркибидаги илоҳий каломларга (Лаилаҳа иллаллоҳу Мұхаммадур расуллуллаҳ) бирин-бирин бафуржа шеърий шарҳ берилади. Манзуманинг Худонинг сифатлари талқинига бағишлиланган парчалари ҳам катта қизиқиш уйғотади. Ўша

мисраларда Парвардигори каримнинг ҳар бир сифати алоҳида урғу билан, рангин, равон бадиий ифодасини топади.

Муаллиф сарлавҳадан бошланадиган илоҳий мантиқ риштасини изчил тортгани ҳолда қаламга олинаётган масалаларнинг заминий жилоларини ёритишни ҳам эсдан чиқармайди. Шоирнинг ана шу кичик услубий уриниши асарнинг тарбиявий қимматини анча баландлатиб қўяди. Мана бир мисол:

*Тоғда тош, тузда қум ададларини,
Анга зоҳирдуур, билур борини .*

Байт Оллоҳнинг илм соҳиби сифати шарҳига доир сахифасидан олинди. Воқеан, тасвирдаги масалаларни билиш бирон-бир олимнинг қўлидан келмайди. Бобур Мирзонинг қатъий ишончига қўра, бундай мўъжиза «оламул-ғайб»нинг тасарруфидадир. Бунга ширк келтириб бўлмайди. Бироқ дунё ва унинг асрорини Худонинг сифатларини ўзлаштириш орқали, илм йўли билан идрок қилиш мумкин, деган ғоянинг шеърхон шуурига сингиб бориши тайиндир. Бундай ўринлар илоҳий асарга дунёвий рух бағишлийди, унинг ахлоқий-маънавий моҳиятини оширишга хизмат қиласди. Бобур Мирзонинг пайғамбарлар, илоҳий китоблар, самовий марҳаматга муяссар бўлган расуллар силсиласида жаноби Расули акрамнинг мавқеи, афзалликлари, меъроj кечаси билан алоқадор чимдим тафсилотларнинг бўёқдор ифодалашга уриниши ҳам катта қизиқиши уйғотади. Рисоланинг охират-қиёмат, «сўроқчи фаришта» - Мункарнакир, жаннат, дўзах, аросат, пули сиротга доир сахифалари ҳам илоҳий-тарбиявий моҳияти билан диққатни тортади. Халқда «бир нўхат учун бир ҳовуз сувни ичмоқ» деган тагдор ҳикмат бор. Айни донишмандлик шодаси «Эътиқодиййа»дай маҳорат билан ёзилган асарлар учун айтилганда туюлади кишига. Негаки, муаллиф биргина сўз - иймон, унинг кенгроқ ифодаси - калимайи шаҳодат баҳонаси билан деярли барча ислом шариати аҳкомлари бўйлаб сайр қиласди, уларга комил мусулмон нигоҳи билан муносабат билдиради.

Асарда ислом тарихига доир лавҳаларни ҳам учратамиз. Мухаммад Мустафодан кейин шаклланган халифат, унинг бошида турган Абу Бакр Сиддик, Усмон, Умар ва Ҳазрати Алиларнинг исломни мустаҳкамлаш ҳамда тарқатиш йўлидаги улкан хизматларига лўнда, асосли баҳо берилади. Шоирнинг дин тарихидаги имомлар, айниқса Абу Ҳанифа, Нуъмон, Шофиъ, Молик, Имом Аҳмад ҳақидаги битиклари ибратлидир. Мовароуннаҳр аҳли учун иқғидо йўли Абу Ҳанифанинг шаръий аҳкомлари эканлиги алоҳида урғу билан сатрлар мағзига сингдирилган.

Асар интихосида яхшиликка майл баландлик қиласи. Яъни Бобур Мирзо барча ёзганларидан якуний хулоса чиқариш йўлини тутади, ўқувчисини фикрлашга ундейди:

*Яна билгил ҳалол, ҳақни, ҳалол,
Бил ҳаромини ҳам ҳарому вубол*

Сатрлар мағзида катта кашфиёт кузатилмайди. Муаллиф ўшандай дъяво билан қалам ушламайди ҳам. Бироқ ана шу оддий ифодаларда ҳаёт аталмиш сару сомони кўзга ярқ этиб ташланмайдиган тубсиз уммоннинг оқибат ул-амр — сўнгги қирғоғи назарга ташланади. Инсоннинг ибрат ва имтиҳон дунёсига келиб-кетиш мазмуни яна бир карра бобурона тажассумини топган. «Эътиқодийя» хотимасидан китобхон шоирнинг келажак режаларидан ҳам хабардор бўлади.

*Тенгри тавфиқи бўлса дей барини,
Кўрсатай анда ҳар амал ерини*

Бобур Мирзога ана шу ижодий ниятини рўёбга чиқариш насиб этди. Орадан кўп муддат кечмай, «Мубайин» таркибидаги иккинчи рисола — «Китоб ус-салот» ҳам рўшнолик кўрди. Ушбу манзума биринчи рисолага нисбатан анча катта. Насрий дуоларни мустасно қилганда, «Китоб ус-салот» 1850 мисрадан ташкил топган'. Айни асар ҳам ўз муаллифининг катта фақиҳ эканлигидан шаҳодат беради. Бобур Мирзо таҳорат ва намоз тасниfu шарҳларига шу қадар чукур киришиб кетадики, унинг дақиқ назаридан бирон-бир кичик нуқта қочиб кутула олмайди. «Китоб ус-салот»дан ўрин олган 65 сарлавҳа ҳам ана ўша билимдонликнинг ҳосиласидир.

«КИТОБ УЛ-ҲАЖ» - МУСЛИМЛИК ҲУЖЖАТИ

Захириддин Бобур асарлари рўйхатида биз сарлавҳада таъкид этганимиз номнинг йўқлиги сезгир ўқувчиларни таажжубга солиши тайин. Дарҳақиқат, «Китоб ул-ҳаж» мустақил асар сифатида ҳеч ерда эсланмайди. У «Мубайин» таркибида яшаб келади. Захириддин Бобур бошқа ноёб фазилатлари қаторида комил мусулмон ҳам эди. Бу зоти бокарам шахси атрофида қизғин «жанг»лар давом этган қизил мафкура ҳукмронлиги замонида унинг динга муносабати ва илоҳиётга доир асарлари хусусида гапириш имкониятлари чекланган эди. Ватанимиз мустақиллиги туфайли вужудга келган дориламон вазият шарофати билан ҳамма нарсани ўз номи билан аташ мумкин бўлди.

Шундан руҳланган бобуршунос олим, филология фанлари доктори Сайдбек Ҳасанов «Китоб ул-ҳаж»ни нашр эттириди .

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Мубаййин» беш қисм ёхуд китобдан тузилган бўлиб, «Китоб ул-ҳаж» унинг охиргисидир. Асарнинг ҳар бир китоби мусулмончиликнинг бир рукни шарҳига бағишлиланган. Маъумингизки, мусулмон унвонига сазовор бўлмоқ учун унинг калимайи шаҳодат [Оллоҳдан ўзга илоҳ, ибодат қилишга лоник зот йўқлигига ва Мухаммад (алайҳис-салом) Оллоҳ таолонинг бандаси (тўғри йўлни кўрсатиш учун юборилган) элчиси эканига гувоҳлик бераман], намоз, рўза, закот ва ҳаж каби руқнларини бажармоқ шарт. Ўшалардан тўрттаси фарз (зарурий), бешинчиси — ҳаж эса жисмонии ва иқтисодий омилларга узвий боғлиқдир. Исломда адолат кучли. Унинг барча фарзу суннатлари инсон ва унинг шарафини ҳимоя қилиш, жисмоний ҳамда маънавий камолотини таъминлашга қаратилган, жоҳилларгина ана шу меъёри бузишлари, мажбурийликка ургу беришлари мумкин. Зикри ўтган жиҳатлар тақозосига кўра саломатлиги йўл азобларига дош берадиган, маблағи етарли (оиланинг зарурий эҳтиёжларига зид бўлмаган) муслиму муслималаргина Каъба тавофини адо этадилар. Ҳаж жараёнининг дастурий жиҳатлари Қуръони карим «Бақара» сурасининг ўнта ва «Ҳаж» сурасининг ўн иккита ояти ка-римасида етарли ифодасини топган. Захириддин Мухаммад Бобур асари учун ўша ояти карималар ва шариати исломиянинг кўрсатмалари асос бўлиб хизмат қилган. Шоир таянч манбалар доирасида ифодали мулоҳаза юритади. «Китоб ул-ҳаж» «Муқаддима» ва «Хотима»дан ташқари, ўн саккиз бобчадан ташкил топган. Бобларнинг ҳажми уларнинг мақсад ва вазифасига кўра турличадир. Масалан, «Ҳаж адоси вужухининг (тарз, равиш, усул) баёни» атиги тўрт сатрдан иборат бўлса, «Тафсил била ҳаж аъмолининг баёни» ўн тўрт сахифани ташкил қиласи. Кейинги боб ўз салмоғига кўра асарнинг бошқа бўлаклари ичида етакчиидир.

«Китоб ул-ҳаж»да назму наср қоришиқ келади. Ҳажнинг турли жараёнларига тегишли муаллиф шар шеърда ифодасини топади. Ўша амалларни бажариш пайтида ўқилиши лозим бўлган дуолар аслиятда, яъни араб тилида ва сочмада берилади. Асар ифода услубидаги бундай ўринлар уни халқ оғзаки ижоди достонларига яқинлаштиради. Алишер Навоийнинг «Сирож ул-муслимин» асарида бўлганидек, Захириддин Мухаммад Бобур ҳам асосий эътиборни фикрий тиниқлик ва баён соддалигига қаратади. Зоро, мазкур асарларнинг табиати юксак бадиият, мажозлар ичра мажозни ҳазм қила олмайди. Улар кенг китобхонлар оммасига - муслиму муслималар мутолаасига мўлжалланган.

Айтилганлар қаторида «Китоб ул-ҳаж»да арабий сўзлар қалашиб келганилигини ҳам таъкидлаш жоиз. Улардан аксарияти ҳаж жараенларининг атамалариидир. Эҳтимол, ёшлигига ёқ илоҳиётдан сабоқ олган Бобур Мирзо замондошлари учун улар қийинлик қилмас. Аммо ўшандай маънавий неъматдан бебахра қолган бугунги аксарият китобхон учун улар анча қийинлик қилади. Масаланинг шу жиҳатини зукколик илиа инобатга олган ноширлар сахифалар пастида тушунилиши мушкул бўлган арабий сўз ва атамалар изоҳини бериб борадилар.

Ўз даврининг олий табақадаги ва маърифатли хонадонида тарбия кўрган, эрта ёшлигига илоҳиётдан пишиқ таҳсил олган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мусулмончиликнинг тўрт рукнига (калимайи шаҳодат, намоз, рўза, закот) қатъий амал қилганлиги ҳар қандай шубҳалардан холидир. Бироқ бешинчи руқн - ҳаж, Алишер Навоийда бўлганидек, унга ҳам насиб қилмаган кўринади. Чунки бу хусусдаги аниқ ишоралар унинг бирон-бир асарида кўзга ташланмайди. Айни хulosса «Китоб ул-ҳаж»га ҳам тегишлидир.

Масаланинг бундай тус олганидан қатъи назар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Маккаи мукаррама тавофи билан алоқадор барча жараёнларни икирчикирларигача ўта аниқлик билан ёритишга эришган. Аслида ўзгача манзарани тасаввурга сифдириш ҳам қийин. Негаки, Бобур Мирзо фиқҳ — ислом қонуншунослиги илмидан сабокни даврининг забардаст факихлари (шариат қонун-ларииинг билимдонлари) қўлида олганлиги табиийдир.

Ёшлик шуурига сингдирилган ўша маънавий дурдоналарнинг жилоси «Мубаййин»нинг бошқа китобларида бўлганидек, «Китоб ул-ҳаж»да ҳам ёрқин намоён бўлган. Асарнинг дебочаси ихчам бўлса-да, аммо ўша саноқли сатрлар дастурий аҳамиятга моликдир. Куйидаги мисраларда ҳам ўша фазилат намоён:

*Бобур, айтилди тўрт фарз тамом,
Энди бешинчи сари айла хиром.
Бу бешинчига билки, ҳажсур от,
Бўлди умрунгда фарз бир навбат*

Иброҳим Халилуллоҳ ва ул зотнинг фарзанди аржуманди Исмоил алайҳиссаломларнинг қадамжоларини тавоф этиш ҳар бир муслиму муслиманинг эзгу ниятидир. Шариати исломияда муқаддас ҳаж номи билан машҳур тавоф маросими икки йўсинда амалга оширилади. Улардан бири шаввол ойининг бошидан зулҳижжа ойининг ўнинчи кунига қадар чўзиладиган муқаддас ҳаж мавсумидир. Айни маросимлар Курбон ҳайитидан қирқ кун илгари бошланиб, ўша улуғ ийд куни хотима топади. Ана шуларни

Захириддин Мұхаммад Бобур шеър тилида содда ва равон ифодалашга ҳаракат қилган:

*Тұт құлօқ, вақт бүлди шарт яна,
Шарқ этай санға вақтларни сана!
Хажсинг авқотини дейин ёд ол,
Бүлди зул-қаъдаву яна шаввол,
Яна зулхижжсанинг бурунги ўни
Вақтнинг дохили сен эт муни.
Бүлса гар ҳаж жароити мавжуд,
Фарз ўшал дам қилур санға маъбуд*
Шоир бор нарсаларға бирор нима қўшгани йўқ. Зеро, бундай қилишнинг имкони йўқдир. Аммо бор гапни шеърга солиш билан уларнинг янада кенгроқ оммалашувига ҳисса қўшган.
Муқаддас қадамжолар тавофининг иккинчи кўриниши умра зиёрати бўлиб, бундай ташриф йилнинг

оҳлаган фаслида амалга оширилиши мумкип. Дарвоқе, Маккаи мукаррама тавофининг иккинчи кўриниши умра зиёратидир. «Китоб ул-ҳаж»да айни зиератга доир шундай мисралар учрайди:

*Умрани суннати муаккада бил,
Вақти лекин эрур анинг бори йил.
Кимки қорин эмас анга беш кун,
Умра макруҳдур муни билсун.
Арафа кунидур бурунгиси бил,
Сўнгги ташриқ бирла беш санағил*

Бобур Мирзо таъкидига биноан йилда фақат беш кун Умра зиёратираво эмас. Яъни арофат - Курбон ҳайити олдидан ва уч кун кейин умрани ният қилиб, ихром кийиш ножоиздир. Бобур Мирзо мавзунинг ана шундай мухим жиҳатлари ҳақида мароқ билан баҳс юритади. Исломнинг барча фарзу суннатлари инсонни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол қилиб шакллантиришга қаратилган. Одам Ато фарзандларига жисмоний, иқтисодий, маънавий зиён етказадиган барча ҳаракатлар ислом томонидан ҳаром қилинган. «Китоб ул-ҳаж»да инсонпарвар бундай қоидалар шеър тилида бурро, мураккаб мажозлар аралашувисиз ифодасини топган.

Кайсибур эмди иститоъат, эшият,

*Гар қилурсен Худога тоъат, эшишт,
Бири сиҳҳат керак бадандা санга,
Фарз эмас сиҳҳат ўлмағонда санга.
Яна бир шарт йўл амонлигиур,
Узр бормасқа йўл ёмонлигиур*

Ушбу саҳифаларда ўнлаб сабаблар шарҳу изоҳлари билан ёритиб берилади. Бобур Мирзо ўз асарининг ҳамма бобларида ислом дини табиатидаги поклик, фақат ҳалолга эргашиш, рост айтиш ва рост ишни бажариш каби олижаноб фазилатларни алоҳида урғу билан акс эттиришга аҳамият беради. Муқаддас ҳаж жараёни зиёратчиларнинг ихром кийган дақиқасидан бошлаб фаол ҳаракатга киради. Игна тешмаган оқ матога ўралишнинг ҳам ўз шартлари мавжуд. «Китоб ул-ҳаж»да бу ҳақда ўқиймиз:

*Десанг эҳром боғлайин, муни бил,
Ғусл қил йўқ эрса, таҳорат қил...
Буртуиг бирла тирногинг олғил,
Кирқилур тукни қирқ, соч олғил*

Барча зиёратчилардан бирдай оқ матога ўралишнинг талаб этилиши замирида улуг маъно ётади, аниқроғи, ислом динининг юксак адолати юзага қалқиб чиқади. Парвардигори олам наздида унинг барча бандалари бирдай нуфузга эга. Модомики шундай экан, улар молу мулк, лавозим ва мавқеидан қатъи назар Оллоҳнинг уйига (Қаъбага) бирдай мақом ва сидқ билан қадам босмоқлари, зоҳиру ботинлари эгниларидағи мато сингари беғубор бўлмоғи лозим.

Яна аниқроқ айтадиган бўлсак, лоақал муқаддас ҳаж жараёнида ташқи киёфадаги тафовутлардан холи бўлиш, инсоний тенгликка риоя қилиш тартиби жорий этилган, токи ер юзида юрган бандалар Парвардигор хузурида тенг эканликларини билсинлар. Улардан қоладиган яхши амаллар, савоб ишларгина қадрқимматга моликдир. Эҳромга кириш олдидаги талабларда ҳам биз учун мушоҳада қилиб қўришга арзигулик ўринлар, ибратга сазовор амаллар бениҳоя кўп.

Аввало ғусл (чўмилиш) ва таҳоратга эътибор қилайлик. Айни амалларни фақат ташқи тозариш воситаси сифатида қабул қилмоқ етарли эмас. Сурат ва сийрати, зоҳиру ботини бирдай тоза инсондагина поклик юзага келиши мумкин. Шунинг учун эҳром кийишни ният қилган ҳар бир инсон ўзини жисман покиза қилиш жараёнини маънавий покланиш билан ёнма-ён олиб бормоғи лозим.

«Китоб ул-ҳаж»даги эҳромга кириш олдидан хушбўй атиrlар ва гиёхларни ишлатиш заруратига доир таъкидлар ҳам диққатни тортади. Бунда ҳам

хайратлантирувчи ибрат мавжуд. Муқаддас зиератни ният қилган мўъмин-мусулмонлар барча иожўя ҳаракатлардан, шаҳвоний **нафс** тажовузи ва ношойиста хулқу атвордан тийилмоқлари фарзdir. Алқисса, ўзаро ёқимли ҳидлар таратиб, ширин муомала-муносабат пайдан бўлишдай олижаноб фазилатлар талаб этилади. «Китоб ул-ҳаж» мисраларига ана шундай талқинлар моҳирлик билан сингдирилган.

Эҳромга кириш жараёни муқаддас ҳаж зиёратида ҳал қилувчи дастурий босқич бўлгани учун айни мавзуга аталган ишларда унинг шарҳига кенгроқ жой ажратилади. Шундай уриниш Бобур Мирзонинг таҳлил қилинаётган асарида ҳам кузатилади. Хоҳ муқаддас ҳаж, хоҳ умра зиёрати бўлсин, ушбу тоат-ибодатлар эҳромда адо этилмоғи шартлиги таъкидланади. Эҳромга кириш шарт-шароитлари ҳақида мушоҳада юриттан Шайх Абдулмажид Содиқ ал-Ободий «Мийқот икки хил бўлуб: мийқоти маконий ва мийқоти замоний дейилур», - деб ёзади (Ҳаж ва умранинг йўл-йўриқлари. Т., «Мехнат», .Мавоқит ёҳуд мийқот эҳромга кириш ўрнини билдиради, Маккаи мукаррама тавофини кўнгилга жо қилган мусулмонлар йўлга чиқиш олдидан эҳромга киришлари (маконий) ёҳуд муқаддас зиёратгоҳга маълум масофа қолгач (замоний), бу талабни адо этмоқлари мумкин бўлар экан. Мадинаи мунавварадаги Масжиди Набавийнинг мударриси Содиқ ал-Ободий юқорида зикр қилганимиз рисоласида ёзишича, ҳаво, сув ва қуруқтик йўлларининг белгиланган масофасига етгач, «мийқот», деб эълон қилиш ёинки шундай ёзув ва пештоқида ишораси бор иморатлар олдида тўхташ шарт дейилган. Мазкур жойларда ғусл ёҳуд таҳорат ва бошқа зарурий тадбирларни амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар мухайё қилинган экан. «Китоб ул-ҳаж»да ҳам ана шулар хусусида ўта аниқдик билан ёзилади:

*Билки беш бўлди ҳаж мавоқити
Борини санга шарҳ этай етти
Каъбага борур ичида ердин,
Ўтманг эҳтиромсиз бу беш ердин.
-Хулайфа Мадина аҳлига биа,
Жаҳфайи мийқот аҳли Шом дегил.
Нажд элига қарн дурур мийқот,
Яман аҳлига Яламлам от.
Зоти ирқ ўлди яна бирига от,
Бил Ироқ аҳлига будур мийқот.
Эру хотун Маккага кирмак учун
Бу мавоқиттин ўтар билсун .*

Мийқотда эхромга кириш жараёнида зиёратчи ўз ниятини (ҳаж ёхуд умра) белгилаб олган бўлиши ва тегишли дуони зикр қилиши лозимдир. Муқаддас ҳаж зиёратининг уч хилда амалга оширилиши қайд этилади. Содик ал-Ободий уларни «Ҳаж афрод», «Ҳаж таматту», «Ҳаж қирон» тарзида гурухлаштиради. Шундай тасниф «Китоб ул-ҳаж»да ҳам мавжуд. Бобур Мирзо ана шуларнинг ҳар бирига маҳсус бобчалар бағишилаган. Айниқса, қиронга (жамоа билан биргаликдаги ҳажга) кенг ўрин берилади. Бошқа адабиётларда ҳам ёзилишича, ҳажнинг қирон турида ҳикмат кўп. Чунки пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ҳажнинг шу турини адо этган эканлар. Бобур Мирзо «Махтурот» (ҳаж зиёрати жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган хатарлар) баёнига бир неча саҳифа бағишилаб, зиёратчиларни улардан огоҳ этади. Таъкидлаш жоиз, асар муаллифининг ёзганлари фикҳ ва шариати исломия талаблари доирасидадир. Шундай гапни асарнинг ҳаж фарзу суннатлари баёнига бағишиланган бошқа саҳифалар хусусида ҳам айтиш жоиз. Бобур Мирзо ўз асарининг «Китоб хотимаси» қисмида қуйидаги фоят ибратли мисраларни ёзиб қолдирган:

*Бобур эмди агарчи чектим ранже,
Келди илгимга ушибу янглив ганже
Ганжу нуқсонга харждин тортар,
Харж қилюн сойи бу ганжс ортар
Бори эл зойиъ этмайин ранжсин,
Ёширур олам аҳлидин ганжсин
Мен бу ганжимни ошкор эттим,
Бори дин аҳлига нисор эттим*

Улуғ маънавий арбоб Захириддин Муҳаммад Бобур минг карра ҳак. У ўзидан муслиму муслималар учун катта хазина қолдирди. Ушбу шеърий ганжина асарнинг ҳар бир сатрини эзгулик ва поклик ёғдуси билан нурлантириб туради.

БУХОРОНИНГ ШИРИН ҚОВУНЛАРИ

Сарлавҳа муҳтарам ўқувчиларни ажаблантириши мумкин. Чунки у кўпроқ газетада чоп этиладиган хабарга мос. Лекин Бобур Мирзо тасавурида Бухоро дастлаб ана шу табиий неъмати туфайли ўрнашиб қолган эди. Бунинг учун ундан ўкиниб бўлмайди. Чунки унинг тақдирин азалида машриқнинг

довруқли шаҳри Бухоройи шарифни обдан ўрганиш, не-не закийлар назарига тушган обидаларидан завқ олиш, унинг муборак қадамжолари тупроғини кўзига суртишдай буюк бир баҳт насиб этмаган экан. Бафуржа имкон бўлганда Бобур Мирзо, албатта, шундай қилган бўлур эди. У нақшбандия сулукининг солики эди. Унинг шу тариқатнинг пиру муршиди Хожа Аҳрор Валий ва унинг хонадонига эътиқод ва эҳтироми беҳад бўлган, тариқат сарчашмаларини бағрида асраган заминда бўлмасликни у ўзи учун кемтиклик ҳисобларди. Тожу таҳликалари имкон берганида Бобур Мирзо қадами теккан Фиждувонда Хожаи Жаҳон - Абдухолик Фиждувоний (1103-1179) хоки покини зиёрат қиласиди. Довюрак саркарда «Бобурнома»да Фиждувонда бўлганлигини бир восита ила қистириб ўтади. 1505-1506 йиллар воқеалари баёнига доир саҳифаларда қўйидагиларни ўқиймиз: «Яна Сайд Ҳасан ўғлоқчи эди... Тарих тўққуз юз ўн еттида мен Самарқандни олганда менинг қошимға келиб эди. Шеърни агарчи кам айтиб эди, vale ғавре айтур эди. Устурлаб ва нужумни яхши билур эди... Бир нима бадшароб эди. Фиждувон урушида ўлди» Айни воқеалар 1511 — 1512 йилларда бўлиб ўтган, Афғонистонда салтанат сураётган Бобур Мирзо Мовароуннаҳрда кечётган сиёсий воқеаларни ўта зийраклик билан кузатиб борди. 1511 йилда вужудга келган қулай сиёсий вазиятдан усталик билан фойдаланди ва ўша йилнинг августида Самарқандни учинчи марта қўлга киритишга муяссар бўлди. Бирок бу гал ҳам Соҳибқирон Темурнинг таҳти унга вафо қилмади ва яна уни ғайрииҳтиёрий тарқ этишга мажбур бўлди. Муҳими шундаки, ана ўша жангу жадаллар ва қонли сиёсий воқеалар Бухоро ҳамда Фиждувон худудларида бўлиб ўтган эди («Бобурийлар мероси», Т., Мехнат, 1993, 29-30-6.). 1512 йилда Мовароуннаҳрдан буткул умидини узган Бобур Мирзо Кобулга минг азоб ва ўлимлардан омон қолиб етиб келди. Юқорида кўчирган парчамизда келтирилган саҳифалардаги сана билан ўша воқеалар кечган давр ўртасида андак тафовут бор. Аниқроқ айтсак, Бухорою Фиждувонга тегишли тарихий лавҳалар «Бобурнома»нинг 1511-1512 йил воқеалари баёни акс этган қисмида келтирилиши лозим эди. Аввало шуни айтиш керакки, асарнинг мавжуд нусхаларида 1508-1509 йиллар воқеалари тафсилотидан кейин бир «сакраш» кўзга ташланади. Яъни таҳминан ўн йиллик узилишдан кейин 1519 йилдаги тарихий-сиёсий жараён баёнига ўтиб кетилади. Иккинчидан «Бобурнома» пешма-пеш ёзиб борилганда, адаб 6—7 йил олдин содир бўлиши мумкин бўлган келтирганимиз лавҳани қандай кўра олар эди? Шу кичик далил ҳам «Бобурноманинг Ҳиндистонда яхлит асар сифатида дунёга келганлигидан далолат бера олади. Хуллас, охирги марта ҳам унга Бухоро ва унинг атрофидаги шаҳарларни бамайлихотир назардан ўтказиш насиб қилмади. Шундай бўлса-да, Бобур Мирзо хотирасида элас-элас сақланиб

қолган айрим лавҳалар «Бобурнома»дан жой олиб, бизгача етиб келди. Унинг 1497-1498 йил воқеалари тафсилотига бағишланган саҳифаларида Қоракўл ҳақидаги ихчам маълумотларга дуч келамиз. «Бобурнома»нинг беш жойида турли сиёсий-тарихий ҳодисалар муносабати билан Қорақўл эсланади.

Шулардан энг бафуржаси юқорида тилга олганимиз саҳифаларида бўлиб, уни бу ўринда келтириш фойдадан холи бўлмас. «Яна Қорақўл вилоятидур.

Барчадин поён оброқаур. Бухородин етти йиғоч ғарб-шимолийдур. Яхши тумоноти бор. Ул жумладин, Суғд тумани ва Суғдга пайваст туманлардур. Боши Ёр яйлок, оёғи Бухоро, бир йиғоч йўл йўқтурким, кент ва маъмура бўлмағай. Андоқ машҳурдурким Темурбек дегандурким «Менинг бир боғим борким, тўли ўттуз йиғочдур. Бу тумонатни дегандур» Бобур Мирзонинг Қорақўл ҳақида ёзганлари катта қизиқиш уйғотади. Ўз қалъаси ва унинг атрофидаги тифиз аҳоли яшаш жойларига эга бўлгаини учун ҳам Қорақўл замон ҳукмронлари эътиборини тортиб келган. Ҳатто Бобур Мирзо салтанат сурган йилларда ҳам Қорақўл гоҳ темурийлар ва гоҳ шайбонийлар тасарруфида бўлиб келди. Қорақўлнинг «поён об»лиги ҳақидаги маълумот Кўҳак - Зарафшонга нисбатандур. Афсуски, бугун ушбу дарё бу юртдаи юз ўгирган. Жондору Қорақўл макон тутган воҳа ахли ўз насибасини Аму сувидан топаётир. Қорақўлдан Бухорогача бўлган катта масофани кенту боғлар эгаллаганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам қизиқиш уйғотади.

Хусусан, Амир Темур қалбини чулғаган ифтихор туйғуси бизнинг ҳам муқаддас аждодлар заминига бўлган садоқатимизни ўстириш учун ширин турткидир.

«:Бобурнома»нинг йигирма олти жойида Бухорои шарифнинг зикри ўтади. Мазкур саҳифаларда Бобур Мирзо Бухоро хусусида маҳсус мушоҳада юритишни вазифа қилиб қўйган эмас, албатта. Бироқ турли сиёсий воқеалар, тарихий шахслар тақдирни тақозосига кўра, «Бобурнома» муаллифи бу илму адаб марказини қаламга олади. Бобур Мирзо ўз асарининг 1494 йил воқеалари тафсилоти баён қилинган саҳифаларида Аҳси ҳақида мушоҳада билдириб, қовун муносабати илиа Бухорони эслайди: «...Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундурким, «Миртемурий» дерлар, андоқ қовун маълум эмаским, оламда бўлғай. Бухоро қовуни машҳурдур. Самарқандни олғон маҳалда Аҳсидин, Бухородин қовун келтуруб, бир мажлисда кестурдум. Аҳси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди» Захириддин Муҳаммад Бобур Аҳси қовуни ҳақидаги фикрида устувор турмайди. «Бобурнома»нинг бошқа биржойида анча «юмшайди» ва Бухоро қовунлари таърифига мақтovли фикрида қатъият кўрсатади. Бобурона ростгўйлик ҳиссиёт ва ҳатто киндик қони томган Ватан мева-полиз маҳсулотларига бўлган айрича муҳаббатдан голиб келади. Бу йўналишдаги мулоҳазаларни тўхтатиб, кейинги парчани

назардан ўтказайлик. Улуғ адиб 1497-1498 йиллар воқеалари тафсилоти баёнида яна ўша мавзуга қайтар экан, бундай деб ёзади: «Яхши вилояти ва тумоноти бор. Улуғ вилоятиким, Самарқанд қарина-сидур, Бухородур. Самарқанднинг ғарбий тарафи йигирма беш йиғоч йўлдур. Бухоронинг ҳам неча тумоноти бор. Тавр шахре воқиъ бўлубтур. Меваси кўп бўлур ва хўб бўлур, қовуни бисёр яхши бўлур. Мовароуннахрда Бухоро қовунича кўп ва хўб қовун бўлмас. Агарчи Фарғона вилоятидан Ахсининг бир навъ қовуниким, «Миртемурий» дерлар, мунинг қовунидин чучукроқ ва нозукроқ бўлур, vale Бухорода ҳар жинс қовундан кўп бўлур ва яхши бўлур. Яна «олуи бухорий» машҳурдур. Бухоро олусидек ҳеч ерда бўлмас, терисини сўюб, қурутуб табарруклук била вилояттин вилоятқа элтарлар. Талийин учун бисёр яхши тадовидур. Парвори товуғи ва қози бисёр бўлур.

Мовароуннахрда Бухоро чоғирларидан тундроқ чоғир бўлмас. Мен Самарқандта аввал ичганда Бухоро чоғирларини ичар эдим» Бобур Мирзонинг Бухоро ҳақидаги муфассал мулоҳазалари ана шулардан иборатдир. Унинг аксарият қайдлари бугун учун ҳам аҳамият касб этади. Адибнинг Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги йўл масофаси хусусидаги маълумоти (йигирма беш йиғоч) ҳақиқатга рост келади. Бугунги кўрсаткичларда бу масофа икки юз етмиш километр тарзида эътироф этилади. Бобур Мирзо Бухоройи шарифга бир ихчам жумлада «тавр шахре воқиъ бўлубтур» гарзида якуний баҳо беради. «Тавр» Бобур Мирзо талқинида кўп маъноли сўз вазифасида келган. Тавр — айрича, ўхшаши йўқ, тенгиз; тавр — кўркам ва дилкашни англатадики, Бухоройи шариф бобурона бундай такдирга тўла сазовордир. Бобур Мирзо гарчи Бухорода маълум муддат муқим яшамаган бўлса-да, бу воҳанинг «кўп ва хўб» меваларидан тановул қилган кўринадики, ўша хушбўй ҳид адибнинг димоғйини, мазали таъм эса унинг танглайнини қитиқлаб, қалам ушлатган. Қовун баҳосини бу ўринда ҳам давом эттирган Бобур Мирзонинг мулоҳазалари аниқлик томон тиниқлашиб боради. Унинг кўп жинслардаги хўб Бухоро қовунларига доир қайдлари ғоят мароқли ва бизнинг зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. XV-XVI асрларда миришкор бобо дехқонларимиз пешона тери билан бутун Мовароуннахрда таратилган довруғ истиқлол шабадасидан кўкси осмон қадар юксалган воҳамизга қайтарилимоғи зарур.

Бобур Мирзо эътиборини жалб қилган мевалардан яна бири «олуи бухорий»дур. Адиб мазкур табиий неъматнинг шуҳратига урғу бериш билан бирга, унинг муолажадаги аҳамиятига ҳам алоҳида эътиборни қаратади. Олуи бухорийнинг қуритилган пўсти ични юмшатувчи, мулойим қилувчи восита сифатида қўлланилган экан. Мазкур маълумот ҳам биз учун дастурий

моҳиятга эга. Ўша машхур навни тирилтиromoқ ёки кўпайтиromoқ бурчимиздир. Бобур Мирзонинг парвозли товуқлару (шубҳасиз хонаки эмас) ғозлар ҳақидаги ёзувлари армонларимизни янгилайди. Зарафшоннинг bemavrid ўлими, ерни ўзлаштиришдаги ҳужумкорлик жуда кўп ҳайвон турларининг, жумладан, ўша паррандаларнинг ҳам камайишига сабаб бўлди.

Бобур Мирзога Мовароуннаҳр тахти насиб этиб, шу муборак заминда узокроқ яшаганда, албатта, Бухоро ва бухороликлар ҳақида янада кўпроқ ёзган бўлур эди. Шунингдек, Муҳаммад Тарагай Улуғбек Мирзо бунёд қилдирган меъморий иншооту обидалар ҳақида фикр юритилган саҳифаларда Бухорою Фиждувонда ўша улуғ инсон қурдирган икки муҳташам мадраса таърифи ва шу муносабат ила аҳли илму адаб, хунару санъат ҳақида ҳам мароқли лавҳалар битиб қолдирарди. Унинг нурли дийдори каби булар ҳам қиёмат қарзига айланди.

Улуғ шоирнинг бир рубоийсида биз эслатганимиз ўша дардлар теран руҳий изтироб ва санъаткорона бир назокат билан нақшлангандай туюлди менга:

*Бедард ҳабиб билмади дардимни,
Туфроқча кўрмади руҳи зардимни.
Мендин неча кўнглида губори бўлгай,
Кетдим, мана эмди топмагай гардимни.*

Дилида қават-қават армонлари билан фоний оламдан кетган улкан маънавий арбобнинг гарди энди маҳзун ва муштоқ дийдаларга тўтиёдир. Бугун она юртда унинг шахси ва асарларига муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги улуғ бир шукронага боисдир. Илоҳо, буларнинг барчаси рост бўлсин. Ўшанда улуғ адиб аламзада қалбини тарқ этган муборак руҳи ҳам шод бўлғусидир!